

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Рашидов Юсуф Каримович, Айматов Рўзимурод Айматович, Баҳодиров
Азизбек Абдулазизович, Атамов Абдуллажон Абдуҳамидович, Жўраев Шерали
Шарипович

ГАЗ ТАЪМИНОТИ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
олий ўқув юртларининг касб таълими **5140900** «Муҳандислик
коммуникациялари қурилиши» таълим йўналиши талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

Тошкент-2007

Тақризчилар: 1. НамМПИ «Экология ва меҳнат мухофазаси» кафедраси мудири (т.ф.н., доц А.Х.Алиназаров)
2. Наманган шаҳар Қурилиш ва коммунал хўжалиги касбхунар коллежи директор ўринбосари (У.Ибрагимов)

Газ таъминоти. Ю. К. Рашидов, Р. А. Айматов, А. А. Баҳодиров, А. А. Атамов, Ш. Ш. Жўраев, Тошкент 2007, 153 бет. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.

Газ таъминоти ўқув дарслиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ яратилди. Унда газнинг пайдо бўлиши, ёнувчи газлар, табиий газ ёқилғисига қайта ишлов бериш, уни истемолчиларга етказиб бериш, газнинг ҳисобий миқдорини аниқлаш, газ қувурларини коррозиядан ҳимоя қилиш, шунингдек, газ тармоқлари, газ ускуна (жихоз) лари ва улардан фойдаланиш йўллари хақида зарур маълумотлар келтирилган.

Дарслик қурилиш соҳаси касбий таълим мухандислик коммуникациялари қурилиши йўналишида таълим олаётган талабаларга ҳамда газ таъминоти тизимларида фаолият кўрсатаётган техник ходимлар учун мўлжалланган.

The textbook on gas industry has been created according to the order of the Ministry of the Republic of Uzbekistan on “Providing the educational system with text books and manuals” this textbook contains essential information about gas production, burning gases, refining natural gas fuel, delivering in to consumers, measuring the amounts of gas, protecting gas pipes against corrosion, and gas pipe lines, gas main equipment and the ways of using them.

The present textbook is aimed at students majoring in professional education on engineering communications and technical workers of gas main networks.

Сўз боши

«Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» деб номланган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzada таъкидлаганларидек, «Бизнинг доимий эътиборимизни талаб қиласиган еттинчи устувор йўналиш – бу коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ». Шу мақсадда уй-жой коммунал хўжалагида рўй бераётган жараёнларни танқидий баҳолаб, жамиятимиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларнинг илдизига етиш ва уларни бартараф қилишимиз зарур.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз шаҳарсозлигини ривожлантириш билан бир қаторда қишлоқ ҳудудларида ҳам зарур инфратузилма - газ ва бошқа коммуникация тармоқларининг замонавий турларини яратиб бериш, уларни модернизация қилиш соҳа олдида турган энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Газ саноатининг ривожланиши ва тармоқ олдида турган вазифалари.

Табиий газ инсониятга қадим замонлардан маълум бўлган. Хитой, Хиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларда ердан чиқаётган газнинг алангасига илохий куч бериб, унга қадимги одамлар сифинишган.

Газдан фойдаланиш 1609 йилдан бошланган. Бунда кўмирни коксга айлантириш жараёнида сунъий газ ҳосил қилинди. 18 аср охирида Англияда биринчи марта кўчаларни газ фонарлари ёрдамида ёритиш бошланди. Шунинг учун бу газ ёритиш гази деб аталар эди. Бу газ ҳам кўмирни ҳавосиз ҳажмда қиздиришдан ҳосил бўлган сунъий газ эди. Россияда 1835 йилда Петербургда

биринчи сунъий газ заводи ишга туширилди. 1901 йилда Боку шахри яқинидаги Сурахан газ кони пармаланиб, ундан табиий газ олина бошланди.

Табиий газдан фойдаланиш, асосан 40-50 йилларда кучайди. Биринчи магистрал газ қувури узунлиги 160 км бўлиб, у 1943 йилда қуриб битқазилиб натижада Буғуруслан газ конидан Самара шахрига газ келтирилди. 1946 йилда эса Саратов-Москва газ қувури ишга туширилди. Унинг диаметри 300 мм бўлиб узунлиги 843 км эди. Шундан бошлаб табиий газдан фойдаланиш кенг қўламда олиб борилди. Ўзбекистонда ҳам табиий газдан фойдаланиш 1943 йилдан Хожиобод-Андижон газ қувури қурилиши билан бошланди. Газ саноатининг ривожланишида Ўзбекистонда очилган Газли ва бошқа газ конлари катта роль ўйнади. Бу газ конлари асосидан 50-60 йилларда катта диаметрдаги (700 мм) Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Фрунзе-Олма-ота, Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё-Марказ Магистрал газ қувурлари қурилиб ишга туширилди. Улар Ўрта Осиё Республикалари, Урал саноат марказлари, Москва, Ленинград шаҳарларининг табиий газ билан таъминладилар. Агарда илгари табиий газ мамлакат ёқилғи балансида бор йўғи 2,3% -га тўғри келган бўлса, ҳозирги даврда 40%-дан ошган. Ҳозирги даврда газ ёрдамида 90%-дан ортиқ чўян ва пўлат эритилади 60%-дан кўп цемент маҳсулотлари газ ёрдамида ишлаб чиқарилади. Газ бошқа ёқилғиларга қараганда тоза, узоқ масофаларга осон узатилади, газ ишлатиладиган худуд озода бўлади, заҳарли моддалар кам бўлади; газ ишлатилиш агрегатларининг фойдали иш коэффициентлари катта бўлади. Шунинг учун газдан фойдаланиш тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон бўйича ҳозирги даврда 40 млрд m^3 дан ортиқ табиий газ қазиб олинади. Асосий конлар бўлиб Муборак ва Шўртон ҳисобланади. Булардан ташқари бошқа кичик конлар ҳам мавжуд.

І БҮЛІМ.

1.1. Ёнувчи газлар. Газларни қазиб олиш ва узок масофаларга узатиши.

Газларни таркиби ва уларнинг хусусиятлари.

Хар қандай газ ёқилғиси бир қанча оддий газлардан ташкил топған бўлади. Бу газлар икки қисмга бўлинади: ёнувчи газлар ва ёнмайдиган газлар. Ёнувчи газлар қаторига водород H_2 , углерод оксида CO , метан CH_4 , этан C_2H_6 , пропан C_3H_8 , бўтан C_4H_{10} , пентан C_5H_{12} ва бошқа оғир углеводородлар, ҳамда водород сульфид H_2S киради.

Газнинг ёнмайдиган қисмига карбонат ангидрид CO_2 , азот N_2 , кислород O_2 ва сув буғлари H_2O киради. Ёнувчи газларнинг энг енгили водород H_2 бўлиб унинг иссиқлик бериш қобилияти 10800 кЖ/м³. Бу газ ҳаводан енгил, ранги ва ҳиди йўқ. Бу газ асосан сунъий газларда кўп учрайди. Углерод оксидининг иссиқлик бериш қобилияти 12640 кЖ/м³. Бу газ ўта заҳарли бўлиб, углероднинг чала ёниши натижасида ҳосил бўлади. Бу газ асосан, сунъий газлар таркибида бўлади. Бундан ташқари, ҳар қандай ёқилғининг чала ёниши натижасида ҳам ҳосил бўлади. Метан гази CH_4 асосан табиий газларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Унинг иссиқлик бериш қобилияти 35840 кЖ/м³. Бу газнинг на ранги ва на ҳиди бор. Ўзи заарсиз. Метан гази табиий газларнинг 90-98 %ни ташкил қилиши мумкин. Этан C_2H_6 , пропан C_3H_8 , бўтан C_4H_{10} ва бошқа углеводородлар ҳам ёнувчи газлар бўлиб, улар асосан метан гази иштирок этган табиий газлар таркибида учрайдилар.

Улардан ташқари табиий ва йўлдош газларнинг таркибида сув буғлари, смола заррачалари, чанг, аммиак, водород, водород сульфид учраб туради. Водород сульфид H_2S заҳарли бўлиб, одам организмига кучли таъсир қилади, бундан ташқари газ таркибидаги сув буғлари билан бирикиб сульфат кислота ҳосил қилади ва газ қувурларининг металини, козон ҳамда саноат печларининг металл қисмларини емириб, ишдан чиқаради. Шунинг учун истеъмолчиларга

берилаётган газнинг таркибида водород сульфиднинг миқдори 2% дан ошмаслиги керак.

1.2. Газнинг иссиқлик бериш қобилияти.

Газнинг иссиқлик бериш қобилияти деб 1 м^3 газ ёнганда (ҳавонинг ортиқчалик коэффициенти $\alpha * 1$ ва чала ёниш бўлмаганда $q_3 * 0$) ҳосил бўлган иссиқлик миқдорига айтилади $\text{кЖ}/\text{м}^3$.

Иссиқлик бериш қобилияти икки хил бўлади:

- *юқори иссиқлик бериши қобилияти;*
- *қуий иссиқлик бериши қобилияти;*

Юқори иссиқлик бериш қобилияти ёнилғи таркибидаги водород ёнганда ҳосил бўладиган сув заррачаларини буғлантириш учун сарф бўлган иссиқлик миқдорини ҳам ўз ичига олади. Техник ҳисобларда ундан фойдаланилмайди.

Қуий иссиқлик бериш қобилияти эса ёнишда ҳосил бўлган сув заррачаларини буғлантириш учун кётган иссиқликни ҳисобга олмайди. Шундай қилиб, табиий газлар учун юқори ва қуий иссиқлик бериш қобилиятининг фарқи тахминан $4200 \text{ кЖ}/\text{м}^3$ ташкил қиласи. Газларнинг иссиқлик бериш қобилиятини икки хил усулда аниқлаш мумкин :

- *калориметрик усул;*
- *ҳисобий усул.*

Калориметрик усулда текширилаётган газнинг маълум миқдори калориметр жиҳозида ёқиб, ундан ажралаётган иссиқлик миқдори аниқланади.

Ҳисобий усулда ишлатилаётган газнинг таркиби маълум бўлса, қўйидаги формула билан иссиқлик бериш қобилияти аниқлаш мумкин:

$$Q_H^P = 0,01 \left[Q_{H_2S} \cdot H_2S + Q_{CO} \cdot CO + Q_{H_2} \cdot H_2 + \sum (Q_{C_mH_n} \cdot C_mH_n) \right] \text{ кЖ}/\text{м}^3$$

бу ерда

Q_{H_2S} , Q_{CO} , Q_{H_2} , $Q_{C_mH_n}$ газ таркибида айрам оддий газларнинг иссиқлик бериш қобилиялтлари, $\text{кЖ}/\text{м}^3$

H_2S , CO , C_mH_n газ таркибидаги оддий газларнинг процент микдори.

1.3. Газнинг зичлиги

Кўпчилик газлар енгил бўлиб, газ чиқа бошлаганда юқорига ҳаракат қиласади. Табиий газнинг зичлиги ҳавонинг зичлигидан кичик бўлиб $\rho^* 0,7-0,8 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади.

Суюлтирилган сунъий газлар эса ҳаводан оғир бўлиб, зичлиги

$$\rho^* 2,0 \text{ кг}/\text{м}^3$$

Шунинг учун суюлтирилган газлар қувур ёки газ жиҳозларидан назоратсиз чиқа бошласа, ер бўйлаб тарқалиб, чуқурлик жойларни газ билан тўлдиради ва бу ерларда узоқ сақланиб портлаш ҳавфини вужудга келтиради.

1.4. Газнинг алангаланиш ҳарорати

Газнинг ёниши бу ёнувчи газ заррачаларини кислород билан реакцияга киришидир. Бунда маълум микдорда иссиқлик ажралиб чиқади. Табиатда ҳар бир нарса кислород билан бирикади. Шу қаторда газ ҳам. Лекин бу жараён одатда жуда секин боради. Агарда газ ҳаво аралашмасини қиздирсак ёки очиқ аланга таъсири қилдирсак, бу жараён жуда ҳам тезлашиб кетади. Алангаланиш бошланган ҳарорат, алангаланиш ҳарорати дейилади.

Ҳар хил газларнинг алангаланиш ҳарорати ҳар хил бўлади. Масалан, водород гази 510^0C да, углерод оксида 610^0C да

метан 640^0C :

этан 510^0C ,

пропан 510^0C :

бўтан 475^0C ,

пентан 475^0C :

водород сульфида 290^0C

ацетилен 305^0C да аланга олади.

1.5. Газларнинг портлаш чегаралари

Агарда бирор ҳажмда ёки хонада ёнувчи газнинг миқдорини ошириб борсак, маълум даражага ётганда ташқаридан берилган иссиқлик энергияси ҳисобига аралашма портлайди.

Ҳар қандай газнинг қуи ва юқори портлаш чегараси бўлади. қуи чегара деб портлаш хусусиятига эга бўлган аралашмадаги газнинг минимал концентрациясига айтилади.

Концентрацияни ошириб борсак ва ташқи иссиқлик энергияси таъсир қилсак аралашмада портлаш давом этади. Газнинг миқдорини ошириб борсак, концентрация маълум даражага ётгандан кейин аралашма портламайди. Бу концентрацияни газнинг юқори портлаш чегараси дейилади.

Шундай қилиб, аралашмадаги газнинг миқдори қуи ва юқори чегаралар оралиғида бўлганда портлаш содир бўлиши мумкин. Концентрация қуи чегарадан паст бўлганда портлаш бўлмайди, чунки газ молекулалари бир-биридан узоқда жойлашган ва уларнинг иссиқлик энергияси қўшни молекулаларни ёндиришга кучи етмайди. Газнинг концентрацияси юқори портлаш чегарасидан кўп бўлса портлаш бўлмайди, чунки портлаш учун кислород етишмайди. Лекин бунда газ-ҳаво аралашмаси аллангаланиши мумкин. Метан-ҳаво аралашмаси портлаганда хонадаги босим $P*0,75$ МПа чиқади.

Пропан- бўтан ва ҳаво аралашмаси портлашда эса босим $P*0,86$ МПа гача чиқади. Агарда газ аралашмасининг таркиби маълум бўлса, унинг қуи ва юқори портлаш чегарасини оддий газнинг портлаш чегарасига асосланиб Ле-Шательевинг қўйидаги формуласи ёрдамида топиш мумкин:

$$L = \frac{x_1 + x_2 + x_3 + \dots + x_n}{\frac{x_1}{l_1} + \frac{x_2}{l_2} + \frac{x_3}{l_3} + \dots + \frac{x_n}{l_n}}, \%$$

L -газ аралашмасининг қуи ёки юқори портлаш чегараси, %

x_1, x_2, \dots, x_n -аралашма таркибидаги оддий газнинг процент миқдори

l_1, l_2, \dots, l_n -аралашмадаги оддий газларнинг қуий ёки юқори портлаш чегаралари.

1.6. Газлардаги заҳарли моддалар

Газлар таркибидаги одам организмига заҳарли тасир қилувчи ва улимга сабаб бўлувчи заҳарли газлар бўлиши мумкин. Сунъий газларда кўпроқ заҳарловчи моддалар бўлади. Улар қаторига углерод оксиди **CO**, водород сульфиди **H₂S**, углерод сульфиди **CS₂** ва бошқа газлар киради. Улардан углерод оксиди кучли заҳарловчи модда бўлиб, қоннинг кислород узатиш қобилиятини йўқотади. Унинг натижасида одам заҳарланиб улади. Шунинг учун углерод оксиди миқдори хонада 0,02 мг/л дан ошмаслиги керак. Бу газ асосан сунъий газлар таркибидаги бўлади, бундан ташқари у ҳар қандай ёқилғининг чала ёниши натижасида ҳосил бўлади.

1.7. Газларнинг физик қўрсаткичлари

№	Номи	Ифодаси	Зичлиги ρ кг/м ³	Хавони нисбатан зичлиги	Q_H^p кЖ/м ³	Q_B^p кЖ/м ³	қуий порт. чегара- си %	Юқори порт.чегара- си %	Аланга- ланиш °C
1	Хаво	-	1,2928	1	-	-	-	-	-
2	Азот	N ₂	1,2505	0,9673	-	-	-	-	-
3	Водород	H ₂	0,6899	0,0695	10800	12770	4,0	75	510
4	Углерод оксиди	CO	1,25	0,9669	12640	12640	12,5	75	610
5	Углерод икки оксиди	CO ₂	1,9768	1,5291	-	-	-	-	-
6	Водород сульфиди	H ₂ S	1,5392	1,1906	23490	25460	4,3	45,5	290
7	Ацетилен	C ₂ H ₂	1,1707	0,9055	56900	58910	2,5	80	305
8	Метан	C H ₂	0,7168	0,5545	35840	39860	5,3	15	640
9	Этан	C ₂ H ₆	1,3566	1,049	63730	70420	3,2	125	508
10	Пропан	C ₃ H ₈	2,019	1,562	93370	101740	2,4	9,5	510
11	Бўтан	C ₄ H ₁₀	2,7	2,078	122800	132900	1,86	8,4	475
12	Пентан	C ₅ H ₁₂	3,221	2,491	146340	158480	1,4	7,8	475

Водород сульфид H₂S - сунъий газлар билан бир қаторда табиий газларда ҳам учрайди. Водород сульфид кучли заҳар бўлиб одам нерв тизимсини тез ишдан чиқариб, нафас олиши ёки юрак уришини тўхтатади ва улимга олиб боради. Бу газнинг хонадаги концентрацияси 0,001 мг/л дан кўп бўлмаслиги керак. Шаҳар газ тармоқларига бериладиган табиий газ таркибида водород сульфид миқдори ҳар 100 м³ га 2 гр. ошмаслиги керак. Коммунал-хўжалик истеъмолчиларига юбориладиган суюлтирилган газ таркибида эса 100 м³ газда 5 гр. дан ошмаслиги керак.

1.8. Газларнинг нормал ва стандарт ҳолатлари

Ҳар қандай газнинг ҳолати унинг босими ва ҳароратига боғлик. Шунга қараб газнинг икки хил ҳолати бўлиши мумкин:

1. Нормал ҳолат. Бунда газнинг ҳарорати $t^*0^{\circ}C$ ва босими P^*760 мм.см.уст.

Бу ҳолат ҳар қандай инженерлик ҳисоб-китобларда ишлатилади.

2. Стандарт ҳолат. Бунда газ ҳарорати $t^*20^{\circ}C$, босими P^*760 мм.см.уст.

Ишлатилган газ учун пул тўлаш пайтида ёқилган газнинг ҳажмини стандарт ҳолатга қўйидаги формула ёрдамида келтирилади:

$$V_{cm} = V_c \frac{P_u}{P_{abc}} \cdot \frac{293}{T_u},$$

бу ерда V_c - ўлчов жиҳози кўрсатган газ сарфи, $m^3/\text{соат}$

P_u - қувурдаги газнинг абсолют босими, ата

T_u - қувурдаги газнинг абсолют ҳарорати, К

P_{abc} - атмосфера босими, ($P_{abc} * 1 \text{ ата}$)

1.9. Газ ёқилғисига қўйиладиган талаблар

Газ ёқилғиси хавфсиз ва тежамкорлик билан ишлатилиши учун қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Минимал иссиқлик бериш қобилияти 15000-16000 кЖ/м³;

Кичик иссиқлик бериш қобилиятига эга бўлган газларни узоқ масофаларга узатиш иқтисод тарафдан ўзини оқламайди.

2. Газ доимий иссиқлик бериш қобилиятига эга бўлиши керак, чунки ҳар қандай ёндиригич маълум иссиқлик бериш қобилиятига эга бўлган газга мулжаллаб ҳисобланади. Агар иссиқлик бериш қобилияти кескин камайса ёки кўпайса, қозон ва печларда технологик жараён бузилади ва сифатсиз махсулот ишлаб чиқаришга олиб келади. Газнинг иссиқлик бериш қобилиятининг ўзгариши 5% дан ошмаслиги керак.

3. Газнинг таркибидаги кислороднинг миқдори 1% дан кам бўлиши керак. Чунки газ қувурларини газ қувурларини коррозияга олиб келади. Бундан ташқари кислород миқдори қўп бўлса портловчи газ-ҳаво аралашмаси ҳосил бўлиши ва қувурларда портлашга олиб бориши мумкин.

4. Газ маҳсус ҳидга эга бўлиши керак. Хонада табиий газнинг миқдори 1%, ёки суюлтирилган газнинг миқдори 0,5% бўлганда газ борлиги сезилиши керак, яъни метан газининг қуи портлаш чегарасининг 1/5 қисмига ётганда ёки 1% бўлганда хонада газ борлиги сезилиши керак.

5. Газдаги заҳарли ва заарли қушимчаларни миқдори қўйидагилардан ошмаслиги керак: водород сульфиди 100 м^3 табиий газда 2гр, ёки 2%, суюлтирилган газда эса 100 м^3 газда 5 гр. Ционий бирикмаларининг миқдори 5гр/ 100 м^3 дан ошмаслиги керак.

Зарарли моддалар

Нафталин. Бу қувур ички деворларига епиша бориб, унинг кесимини кичрайтиради ва газ қувурини ўтказиш қобилиятини пасайтиради. Шунинг учун унинг миқдори ёзда $10\text{гр}/100 \text{ м}^3$, қишида эса $5\text{гр}/100 \text{ м}^3$ дан ошмаслиги керак.

Аммиак. Газ қувурини коррозияга олиб боради, ҳамда заҳарли моддалар ажраб чиқаради, унинг миқдори $2\text{гр}/100 \text{ м}^3$ дан ошмаслиги керак.

Карбонат ангирид (CO_2). Заарсиз модда, лекин у енмайди, газда маълум ҳажмни эгаллаб, унинг иссиқлик бериш қобилиятини пасайтиради. Шунинг учун миқдори 2% дан ошмаслиги керак.

1.10. Газларнинг тури

Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган газлар иккига бўлинади:

- 1. Табиий газлар, яъни ер остидан қазиб олинадиган газлар.*
- 2. Сунъий газлар, қаттиқ ёки суюқ ёқилгиларни қайта ишилаш натижасида ҳосил қилинадиган газлар.*

Табиий газлар иккига бўлинади:

- 1) *Тоза газ конларидан чиқувчи газлар.* Бундай газ конларидан тоза табиий газ қазиб олиниб, унинг асосий қисмини метан CH_4 ташкил қилади. Унинг миқдори 92-98 % га боради. қолган қисмини эса бошқа углеводородлар ташкил қилади. Бу газларнинг иссиқлик бериш қобилияти $34 \div 39 \text{ МЖ/м}^3$. Бу газлар ҳаводан енгил.
- 2) *Йўлдош газлар.* Бу газлар ер ости қатламларида нефт билан аралаш бўлиб, нефтни қазиб олиш жараёнида у билан бирга чиқади ва ер сатхига чиққандан сўнг босим пасайиш натижасида нефтдан ажралади. Шунинг учун уни йўлдош гази деб аташади. Унинг таркибида метан миқдори $40 \div 60 \%$, қолган қисмини эса бошқа оғир углеводородлар ташкил қилади. Шунинг учун йўлдош газларнинг иссиқлик бериш қобилияти юқори, $45 \div 50 \text{ МЖ/м}^3$ гача етади.

Сунъий газлар тўртга бўлинади:

- 1) қаттиқ ёқилғини ҳавосиз жойда $900 \div 1100^\circ\text{C}$ гача қиздириш натижасида кокс гази ҳосил бўлади. Кокс газининг иссиқлик бериш қобилияти $16 \div 18 \text{ МЖ/м}^3$. Уларнинг асосий қисмини углерод оксиди **СО** ташкил қилади. Ундан ташқари уларнинг таркибини **CO₂, H₂S, H₂** ва бошқа газлар ташкил қилади.
- 2) қолдиқсиз газификация газлари. (генератор газлари). Бу газларни олишда қаттиқ ёқилғилар ҳавосиз жойда қиздирилиб, ундан кейин қиздирилган масса орқали босим остида ҳаво, кислород ёки сув буғи юборилса, булар ёқилғи таркибидаги ёнувчи моддаларни ўзи билан олиб чиқади. Бунинг натижасида ёнувчи моддаларнинг бир қисми ёниб, корбонад ангидридга айланади. қолган қаттиқ ёқилғини таркибида эса ёнувчи моддалар деярли қолмайди. Бу газларнинг иссиқлик бериш қобилияти анча паст бўлади (таксинан $5,5 \text{ Мж/м}^3$) ва заҳарли моддалар кўп бўлади.
- 3) Бази кўмир конларида кўмир қатламларининг қалин бўлмаганлиги сабабли, уларни шахта усулида қазиб олиш иқтисод тарафдан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли бу кўмир қатламлари қазиб олинмасдан, ер остида кам ҳаво

бериб ёкиб, уларни газга айлантирилади ва ер устига ёнувчи газ сифатида (ер ости газификация газлари) чиқариб олиб, махаллий газлаштириш тизимларида ишлатилади. Уларнинг таркиби асосан углерод оксида CO , углерод икки оксида CO_2 , водород H_2 ва бошқа газлардан иборат бўлиб, иссиқлик бериш қобилияти катта эмас.

4) Нефтни қайта ишлашда ҳосил бўлган газлар. Нефтни қайта ишлаш заводларида нефтни қиздириб ундан бензин, керосин, дизель ёқилғиси ва бошқа суюқ ёқилғилар олинади. Бу жараёнда нефть таркибидаги баъзи бир оғир углеводородлар газ ҳолда ажралиб чиқа бошлайди. Бу газлар йиғиб олиниб, кичик махаллий газлаштиришда ишлатилади.


1.11. Газ конлари

Табиий газ, ўсимлик ва хайвонат дунёсининг ер ости қатламларида бир неча миллион йиллар давомида чириб парчаланиши натижасида ҳосил бўлган ва ер ости қатламларининг ғовак қисмларида (қумлок қатламлар, ғовак оҳақ қатламлар) йиғила бошлаган. (I-расм). Бундай қатламлар устки қисмида зич, газ ўтмайдиган қатламлар билан чегараланган. Зич қатламларни сланецли лой қатламлари, зич оҳақ қатламлари ва мергел ташкил қилади.

Табиий газлар газ конларини пармалаш билан қазиб олинади. Бунинг учун, пармалаш минораларидан фойдаланилади. Конлар ундаги газ ёки нефтнинг ҳажмига қараб нефт ёки газ конлари сифатида ишлатилиши мумкин. Газ ва нефт, қудуқлардан қатламдаги босим ҳисобига ер устига отилиб чиқади. Чиқаётган махсулотнинг босими бошланғич даврда махсулдор қатламнинг чуқурлилига боғлик. Ҳар 10м чуқурликка босим тахминан 0,1 МПа га ошиб боради. Масалан, махсулдор газ қатлами 3500м чуқурликка жойлашган бўлса, босим 35,0 МПа бўлади. Тоза газ конларида газ ва сув қатламлари бўлиши мумкин.

Агарда нефть-газ кони бўлса, газ қатлами остида нефть бўлади. Баъзи газ конларида газ ер устига чиққанда ҳароратнинг пасайиши натижасида ундаги бир

қисм оғир углеводородлар конденсация бўлади ва газ конденсатини ҳосил қиласи. Бундай конларни газ-конденсат конлари дейилади. Баъзи нефть конларидан нефть олинаётган ер юзасида нефтнинг босими пасайиши натижасида, ундаги оғир углеводородларнинг бир қисми газга айланади ва йўлдош газни ташкил қиласи.



1-расм. Газ кони шакли.

1-газ қатламининг ташки чегараси; 2-газ қатламининг ички чегараси; 3-говак газ қатлами; 4-сув қатлами.

Газ конлари икки хил режимда ишлатилиши мумкин:

1. Сув босимли режим. (водонапорный режим). Бунда газ олинган сари унинг ўрнини ғовак қатламларини ер ости сувлари кўтарилиб босиб боради.
2. Кенгаювчи газ режими. (режим расширающегося газа). Бундай конларда газ тагида сув қатлами бўлмайди. Шунинг учун газ олинган сари қатламдаги газнинг босими пасайиб боради.

1.12. Газ конларини қазиш


Газ қудуклари газ конларининг асосий иншоотларидан биридир. Газ қудукларини тез айланувчи пармалаш жиҳози, яъни бур-долото ёрдамида қазилади. Нефть-газ конларини қазишнинг 2 усули бор:

1. ротор пармалаш усули;
2. турбинали пармалаш усули;

Ротор пармалаш усулида пармалаш қувурларининг учиға ўрнатилган долото қувурлар билан бирга ер атхидаги ўрнатилган дизель двигатели ёрдамида айланадига ерни пармалай бошлайди. Шу билан бир пайтда пармалаш қувурлари ичидан махсус насос ёрдамида катта босимда пармалаш суюқлиги юборилади. Бу суюқлик газ қудуғининг ичидағи долотнинг тешикларидан чиқиб, пармаланган ер заррачаларини пармалаш қувури ва қудук деворлари орасидаги бушлик орқали ер сатхига олиб чиқади. Пармалаш суюқлигининг иккинчи вазифаси, унинг таркибидаги махсус аралашмалар ёрдамида қудукнинг деворини мустахкамлайди ва деворларни упирелиб кетишдан сақлады. Пармалаш суюқлиги ер сатхига чиққандан сўнг махсус ховузларда тиндирилади ва унинг суюқ қисми яна газ қудуғига пармалаш қувурлари орқали берилади.

Пармалаш иккинчи усули, трубинали пармалаш дейилиб, унда пармалаш қувурлари айланмайди. Балки фақат пармалаш қувури учиға ўрнатилган турбобурнинг ўқи пармалаш суюқлигининг босими остида айланади. Унинг ўқига эса пармалаш жиҳози-долото ўрнатилган.

2-расм. Газ қудуғи чизмаси.



- 1-кондуктор колоннаси;
- 2-эксплуатация колоннаси;
- 3-фаввора қувурлар колоннаси;
- 4-диаметр ўзгартириши булаги;
- 5-асосий задвижка;
- 6-босимни пасайтириши штуцери;
- 7-колонна асоси; P_n -пласт (қатлам) босими; P_z -забой (қудук ичи) босими; В-газ қатлами очилиши чуқурлиги; - газ қатлами куввати.

Пармалаш жараёнада турбобур айланиб, пармалаш қувурлари эса факат илгариға қараб ҳаракат қиласы. Пармалаш тахминан 300 м га ётганда пармалаш жиҳози ташқарига чиқарып олиніб, газ қудуғига әнг ташқи қудук деворларини мустахкамлайдыган кондуктор колоннаси туширилади.

Унинг диаметри $225\div400$ мм гача бўлиши мумкин. Бу колонна туширилгандан сўнг унинг пастига босим остида суюқ цемент қориши маси хайдалади. Бу қориши мақдуса кондуктор колоннаси ва газ қудуғи деворлари орасидан $20\div30$ м гача қўтарилиб, газ қудуғи деворларини мустахкамлайди ва ер ости сувларининг қудуқка тушишидан сақлайди. Шундан сўнг пармалаш давом эттирилади ва иккинчи колонна, яъни эксплуатация колонна қувури ўрнатиб борилади. Улар маҳсулдор қатламга боргунча ўрнатиб борилади. Бу қувурларнинг диаметри 150 мм. Учинчи колонна эса, фонтан қувурлари колоннаси дейилади.

Газ қудуғи қазиб бўлингандан кейин эксплуатация колоннаси ва газ қудуғи деворлари ораси суюқ цемент билан мустахкамланади. Шундан сўнг газ қудуғига маҳсус отувчи жиҳоз-перфоратор туширилади ва цемент қатламини тешиб ўтиб, газ бор қатламларига узоқлашади ва газ оқимини газ қудуғи ичига киришга йўл очади, яъни газ қудуғи перфорация қилинади.

Газ қудуғи ташқи қисмлари қўйидагиларга хизмат қиласы: эксплуатация колоннасидан кётган ён тармоқ қувурлари газни таркибини аниқлаш учун намуна олишга, газда водород сульфид гази бўлмаган тақдирда газни чиқарып олиш учун ва газ қудуғини вақтинчалик беркитиш учун у орқали суюқ цемент ҳайдаш учун хизмат қиласы. Фонтан қувурлари эса газ таркибида водород сульфид гази кўп бўлганда қудукдан газ чиқарып олишга хизмат қиласы. Газда водород сульфид гази кўп бўлса, эксплуатация колоннаси орқали чиқариш мумкин эмас, чунки у тез коррозияга учраб ишдан чиқади ва бу колоннани алмаштириш анча кийин.

Шунинг учун водород сульфид бўлганда фонтан қувурлари билан газ чиқарилади. Чунки уни алмаштириш нисбатан осон.

Газ конининг ер усти иншоотларига задвижкалар, штуцерлар, уч тармоқли ва турт тармоқли қувурлар киради. Қудуқдан чиқаётган газнинг босими, юқори бўлганлиги сабабли газнинг сарфини ва босимини задвижка ёрдамида созлаш тавсия қилинмайди, чунки у тез ишдан чиқади. Газнинг босимини ва сарфини созлаш учун иккита задвижка орасига ўрнатилган кичик тешикли штуцерлардан фойдаланилади. Штуцерларнинг диаметри 1 мм дан бошлаб, 40 мм гача бўлиши мумкин. Газ конидан чиқаётган газнинг босими пасайган сари штуцерлар каттарок ташклигига алмаштирилади. Штуцерлар кейинги босим газни биринчи компрессор станциясига ерқазиб беришга етарли бўлиши керак.

1.13. Табиий газни тозалаш

1. Газни қуритиш, яъни сув буғидан тозалаш.

Агарда газ таркибида сув буғлари кўп бўлса, унда газ қувурларини ишлатиш жараёни анча қийин бўлади. Маълум ҳарорат ва босимда газ таркибидан сув буғлари суюқликка айланиб, қиши пайтларида музлаб, газнинг йўлини тўсиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, сув буғлари углеводородлар билан босим остида бирикиб қорсимон масса, яъни кристаллогидратлар ҳосил қиласди. Улар вақт ўтиши билан босим остида қувур деворларига ёпишиб, уни беркитиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, сув буғлари водород сульфид билан бирикиб, сульфат кислота ҳосил қиласди ва у газ қувурларини тез емириб ишдан чиқаради. Шу сабабларга кўра газни қуритиш, яъни ундаги сув буғларини чиқариб ташлаш зарур.

Газни қуритиш мақсадида уч хил усул қўлланилади.

- 1) *абсорбцион усул;*
- 2) *адсорбцион усул;*
- 3) *физик усул.*

Абсорбцион усулда газни қуритиш учун суюқ нам ютгичлар ишлатилади. Адсорбцион усулда қаттиқ нам ютгичлар ишлатилади. Физик усулда эса газни махсус совитиш аппаратларидан ўтказилиб, газдаги буғлар суюқликга айлантирилади ва бу суюқликни газдан ажратиб олинади.

Абсорбцион усулда газга махсус аппаратларда суюқ нам юткичлар “Диэтиленгликоль (ДЭГ)” ёки “Триэтиленгликоль (ТЭГ)” пуркалади. ДЭГ газнинг шудрингланиш ҳароратини $25\div35^{\circ}\text{C}$ гача пасайтиради. ТЭГ эса шудрингланиш ҳарорати $40\div45^{\circ}\text{C}$ гача пасайтиради. қуритилган газ қувурлари ернинг музлаш қатламида ҳам ўтказиш мумкин. қуритилмаган газни эса мумкин эмас, чунки сув буғлари конденсация бўлиб, музлаб қолиши мумкин.

2. Газни водород сульфидидан ва карбонат ангидридидан тозалаш.

Газга қуйиладиган талаблар бўйича водород сульфид ва карбонат ангидриднинг миқдори 2% дан ошмаслиги керак. Бу моддалардан тозалашнинг икки усули бор:

- 1) суюқ усул;
- 2) қуруқ усул.

Водород сульфиддан тозалашнинг қуруқ усулида активланган кўмир ҳамда темирнинг гидрид оксидидан фойдаланилади. Бу моддалар водород сульфидини тўтиб колиш кобилиятига эга. Суюқ усулда эса CO_2 ни тўтиб колиш учун газни катта босим остида сув билан ювилади ёки бу икки моддани кимевий усулда, этаноламин суюқлиги ёрдамида тозалаш мумкин. Буни қўйидагиреакция ёрдамида ифодалаш мумкин:




Бу қайтар реакция бўлиб, водород сульфидни ютиш $15\text{-}20^{\circ}\text{C}$ да бўлади, қоришмани тиклаш эса $100\text{-}125^{\circ}\text{C}$ да киздириб олинади.

3. Газни одоризация қилиш

Табиий газ оддий шароитда хидсиз. Шунинг учун газ чиқканини уз вақтида билиш учун унга уткир хидли суюқлик-этилмеркаптан ($\text{C}_2\text{H}_5\text{SH}$) суюқлиги

қўшилади. Бу суюқлик сасиган тухум хидини келтиради. Одорантнинг газга қушилиш нормаси шундан олинганки, хонада газнинг қуи портлаш чегарасининг



1/5 қисмига ётганда газнинг хидини сезишимиз керак, яъни 1% табиий газ хонада бўлганда сезишимиз керак. Табиий газга қўшиладиган одорантнинг миқдори 1000 м^3 газга 16 г. қўшилади, суюлтирилган газга эса 1 тоннага 40-60 г. қўшилади.

3-расм. Томчилик одоризатор чизмаси.

1-резервуар;

2-суюқлик сатхини кўрсатувчи шиша найча;

3-босимни тенглаштирувчи қувур;

4-одорант тулдириши штуцери;

5-одорант сарфини назорат қилиши учун шиша найча;

6-игналик созловчи вентиль.

Одоризация қилишнинг икки хил усули бор:

1. томчили одоризатор;
2. барботажли одоризатор.


Томчили одоризаторда (3-расм) одорантнинг қушилиши миқдори тушаётган томчиларнинг сонига қараб вентил ёрдамида мъери таъминланади.

Импульс трубканинг вазифаси, одорант идишининг пастки ва юқори қисмида бир хил босимни таъминлаш. Шундагина одорант томчилари газ қувурига томиши мумкин. Бундай одоризаторлар газнинг суткалик сарфи $500000 \text{ м}^3/\text{сутка}$ бўлганча ишлатилиши мумкин. Сарф ундан кўп бўлса, барботаж одоризаторлари қўлланилади. Уларда газ қувурларидан ўтаётган газнинг маълум қисмини маҳсус қувур ёрдамида одоризаторга берилади ва бу газ одоризатор ичида суюқ одорант қатламлари орасидан ўтиб, унинг буғига тўйинади ва бу газ

қувуридаги асосий газ оқимига қүшилади ва меъердаги одорантлашга етқазилади. Одорантнинг кўп-кам қушилганлигини аниқлаш учун қувурдаги газнинг намунаси олиниб, одорантнинг миқдори аниқланади. Ҳозирги даврда автоматик равища ишловчи одоризаторлар ишлаб чиқилган. Улар қувурдан ўтаётган газнинг миқдорига қараб, қушилаётган одорантнинг миқдорини автоматик равища ушлаб туради.

1.14. Магистрал газ қувурлари

Магистрал газ қувурлари табиий газни қазиб олинган жойдан, яъни газ конларидан йирик газ истеъмолчилари, яъни шаҳарларга етказиб беради. (4 расм). Улар йирик ва мураккаб иншоот бўлиб, газни хавфсиз ва тежамли равиҳда истеъмолчиларга етказиб беришга хизмат қиласидилар. Улар асосан икки ва ундан ортик мустақил газ қувурларидан иборат бўлиб, айрим жойларда узаро боғловчи газ қувурлари билан туташгандир.



4-расм. Магистрал газ қувурининг принципиал схемаси.

ПГ-газ кони қувурлари; ПГРС -газ конидаги газ тақсимлаш станцияси; МГ - магистрал газ қувури; ПКС -оралик компрессор станциялари; ГРС газ тақсимлаш станцияси; ПХ- ер ости газ омбори; ЛЗА - магистрал газ қувуридаги беркитиши ускуналари; ПП - оралиқ истеъмолчи

Бу параллел газ қувурлари ўзаро $30 \div 50$ масофада олиб борилади. Бундан мақсад, бирор газ қувурида авария бўлса ёки таъмирланаётган вақтда бир газ қувурини беркитсак, иккинчисидан газ бериш давом этади.

Магистрал газ қувурлари шаҳар, посёлка, қишлоқлар ҳудудидан ўтиши мумкин эмас, чунки бундай газ қувурлари хавфли ҳисобланиб, портлаш ва ёнгин чиқариши эҳтимоли бор. Бунда газ қувури билан шаҳар чегарасидаги масофа қувурдаги босимга қараб ва иншоотларнинг турига қараб $25 \div 250$ м бўлиши керак.

Магистрал газ қувурлари мураккаб иншоот бўлиб, уларнинг таркибида газ қувурларидан ташқари, газ йиғиши пункларида газни тозалаш, босимни тушириш, одоризация қилиш ва бошқа иншоотлари бўлади. Бундан ташқари таъмирлаш-эксплуатация пунктлари (РЭП), алока ва телемеханизация иншоотлари, газ тақсимлаш пунктлари, ГРС лар бўлади. ГРС лар йирик шаҳарларга киришда ўрнатилиб, улар газнинг босимини шаҳар газ тармоқлари учун керак бўлган даражагача тушириб беради. ГРС ларда одоризация қилиш ҳам мумкин ва ўтаётган газнинг сарфи улчанади.

Кичикроқ шаҳарлар бўлса, уларга киришда назорат созлаш пункти (КРП) ўрнатилиди. КРП лар ҳам ГРС га ухшаб газнинг босимини пасайтиради, сарфини улчайди ва х.к. КРП лар ГРС га нисбатан кичикрок газ сарфига мўлжаллангандир. Магистрал газ қувурлари 1975 йилгача $5,4 \div 5,5$ МПа га мўлжаллаб қурилган. 1975 \div 80 йилгача 7,5 МПа га мўлжаллаб қурилган. 1981 йилдан бошлаб 10 МПа га қуриляпти.

Газ магистрал қувурдан узатилаётганда унинг босими қувур қаршилигини енгиш учун сарфи бўлиб пасайиб боради. Шунинг учун қувурдаги босимни ошириб, газни узоқ масофага узатиш учун тахминан ҳар 150 км масофада компрессор станциялари қурилади. Улар $3 \div 4$ МПа тушиб қолган газ босимини ошириб, уни 7,5 ёки 10 МПа гача кўтарадилар. Бунинг учун куввати $8 \div 10$ минг

кВт бўлган газ ҳайдаш агрегатлари қўлланилади. Ҳозирги даврда босим 12 МПа га мўлжалланган магистралгаз қувурлари ва куввати 25÷75 минг кВт бўлган гах ҳайдаш турбиналари яратиш устида илмий тадқиқот ва лойиҳа ишлари олиб бориляпти. Магистрал газ қувурларида таъмирлаш ишлари олиб бориш учун тахминан ҳар 25 км масофа беркитиш ускуналари (задвижкалар) ўрнатилади.

Магистрал газ қувурлари шаҳардан ташқарида, экин эқилмайдиган, фойдали қазилмалар қазилмайдиган, ер юзаси нисбатан текис бўлган жойлар буйлаб ер ости усулида ўтказилади. Агарда магистрал газ қувурлари дарё, кўл ёки катта жарликларни кесиб ўтадиган бўлса, улар параллел равишда икки жойдан кесиб ўтади. Магистрал газ қувурларини шаҳар, қишлоқ ёки саноат корхоналари худудлари буйлаб ўтказиш мумкин эмас, чунки газ босими баланд ва портлаш хавфи бор. Магистрал газ қувурларининг шаҳарга киришдаги охирги иншооти ГРС, бўлиб, ундан кейинги босим шаҳар газ тармоғи учун керак бўлган даражада бўлади, яъни юқори босим бўлса $0,3 \div 0,6$ ёки $0,6 \div 1,2$ МПа, ўрта босим бўлса $0,005 \div 0,3$ МПа гача бўлади. Магистрал газ қувурининг суткалик ўтказиш қобилиятиундан ўтиш лозим бўлган йиллик газ сарфига асосан қўйидаги ифода

$$\text{бўйича аниқланади: } Q = \frac{Q}{365 \cdot K_3}$$

бу ерда:

Q - магистрал газ қувурининг йиллик ўтказиш қобилияти, млн. m^3 /йил;

K₃ - газ қувурининг ўртача йиллик таъминланган коэффициенти; K₃≈0,85 қабул қилиш мумкин.

1.15. Газни ишлатиш тартиби ва газларни сақлаш

Газнинг сарфи соат, кун ва йил давомида ўзгариб туради. Магистрал газ қувурларида ўтаётган газнинг миқдори ўзгармас. Шунинг учун истеъмол камайган вақтда ортиқча газни бирор жойда сақлаб, истеъмол кўпайган вақтда йиғилган газни газ қувуридан келаётган газга қушиб, истеъмолчилар максимал эҳтиёжини қоплашга юборилади. Газ ишлатиш нотекисликлари соатлик, суткалик ва

мавсумий бўлади. Суткалик нотекисликда кечаси сарф камаяди, кундузи ошади. Буни қоплаш учун магистрал газ қувурларининг шаҳарга яқинлашган жойдаги геометрик ҳажмидан фойдаланади, яъни кечаси шаҳарда сарф камайганда магистрал қувурдан келаётган газ унда йиғилиб, қувурдаги босим ошиб боради, яъни газ йигилади. Кундузи эса, сарф ошганда йиғилган газ истеъмолчиларга берилиб, магистрал газ қувурларидаги ортиқча босим пасаяди.

Мавсумий нотекисликни қоплаш учун эса ер ости газ омборларидан фойдаланилади. Газ омборлари сифатида йирик шаҳарлар яқинидаги газ-нефть конларидан фойдаланиш мумкин. Агарда бундай эски конлар бўлмаса, геологик кидирув ишлари билан шаҳар яқинида ғовак, сувли ер ости структуралари аниқланиб, улар ер ости газ омбори сифатида (ПХГ) ишлатилиши мумкин. Бунда ғовак қатламларининг тепа қисми мустахкам, зич қатламдан иборат бўлиши керак. Бу омборларига ёз пайтида ортиқча газ қамалиб, куз ва қиши пайтида газ истеъмоли ошганда йиғилган газ магистрал газ қувуридан келаётган газ билан бирга истеъмолчиларга берилади. Бундан ташқари, эллигинчи-олтмишинчи йилларда газ сақлаш учун газгольдер станциялари қурилган. Уларда цилиндирсизон ёки шарсизон $0,8 \div 1,1$ МПа босимга мўлжалланган пўлат цистерналардан фойдаланилган. Газгольдер станциялари ҳам фақат суткалик ва соатлик нотекисликни қоплашга ишлатилган. Ҳозирги пайтда бундай станциялар ишлатилмайди, чунки улар хавфли, кўп металл сарфланади. Ҳозирги даврда йирик шаҳарлар олдида асосан ер ости газ омборлари қурилган.

Ер ости газ омборлари нисбатан хавфсиз ва қўп микдорда газ сақлашга хизмат қиласди. Уларни қуриш ва жиҳозлаш учун қўп маблаг сарф қилинади. Ер ости газ омбори қурилиш учун ер ости структурасининг ғоваклиги 15 % дан кам бўлмаслиги керак, ҳамда ғовак қатлам устидаги зич қатламнинг қалинлиги 15 м дан кам бўлмаслиги керак.

Газ истеъмоли мавсумий нотекислигини қоплаш учун газда мавсумий ишлайдиган саноат корхоналари ва иссиқлик электр станцияларидан фойдаланилади. Бундай корхоналар ёз фаслида газда ишлайди, лекин иситиш даври бошланиши билан резерв ёқилғи (күмир ёки мазут) ёқишига ўтказиладилар.

II БҮЛИМ

2.1. Шаҳар газ таъминоти тизимлари. Газ қувурларининг классификацияси.

Газ қувурлари, ундаги босим ва газ қувуригининг қўлланишига қараб қўйидагиларга бўлинади: қўлланиш бўйича:

- a) магистрал газ қувурлари;*
- б) шаҳар газ қувури;*
- в) саноат газ қувурлари.*

Магистрал газ қувурлари ўта юқори босимда ишлаб ($5,5 \div 10$ МПа.), газ конидан шаҳарларга газ етказиб беради.

Шаҳар газ қувурлари қўйидагиларга булинади:

- 1) тарқатиши газ қувурлари;*
- 2) истеъмолчиларга тармоқ газ қувурлари;*
- 3) уй ичи газ қувурлари.*

Тақсимлаш газ қувурлари газни турар жой биноларига, саноат ва коммунал корхоналарга етказиб беради. Ўтказилиши бўйича эса халқасимон, боши берк шаклида бўлади. Абонент тармоқлари газни тақсимлаш газ қувуридан истеъмолчиларга етказади. Уй ичи газ қувурлари эса газни турар жой биноси ичида тарқатиб, газ жиҳозларига етказиб беради.

Саноат газ қувурлари учга бўлинади:

- 1) тақсимлаши газ қувурларидан саноат корхонасига киритиши;*
- 2) цехлар-аро газ қувурлари;*
- 3) цех ичи газ қувури.*

Газнинг босимига қараб шаҳар газ қувурлари қўйидагиларга бўлинади:

- I) паст босим газ қувурлари $0,002 \div 0,005 \text{ МПа}$;
- a) агарда сунъий газ берилеётган бўлса 200 мм сув.уст. ($0,002 \text{ МПа}$)
 - б) табиий газ учун босим 300 мм сув. уст. ($0,003 \text{ МПа}$)
 - в) суюлтирилган газ бўлса, босим 400 мм сув. уст. ($0,004 \text{ МПа.}$)

II) агарда ҳар бир истеъмолчи уйида ўзининггаз босимини пасайтирувчиси бўлса, тармоқда босим 500 мм сув.уст. бўлиши мумкин.

Паст босим газ қувурларига асосан, турар жой бинолари, майший хизмат кўрсатиш корхоналари уланади. Бунда истеъмолчининг соатлик газ сарфи $50 \text{ м}^3/\text{соатдан}$ кам бўлиши керак. Чунки катта газ сарфини паст босимда узатиш учун катта диаметрли газ қувурлари қуриш керак. Бу эса иктисад тарафдан манфаатсиз.

Агарда истеъмолчининг газ сарфи $50 \div 150 \text{ м}^3/\text{соат}$ бўлса ва техник иктисадий ҳисоблар билан мўлжалланган ишни асослаб берилса, бундай истеъмолчини ҳам паст босим газ қувурига улаш мумкин.

2) ўрта босим газ қувурлари ($0,005 \div 0,3 \text{ МПа.}$);

Бу газ қувурларига саноат корхоналари ва паст босим газ қувурига газ етказиб берувчи ГРП лар уланади.

3) юқори босим газ қувури $0,3 \div 0,6 \text{ МПа}$

Бу газ қувурига йирик истеъмолчилар уланади. Бундан ташқари, бу газ қувуридан ГРП орқали ўрта ёки паст босим қувурлари ҳам таъминланади.

4) юқори босим газ қувурлари $0,6 \div 1,2 \text{ МПа}$


Бу газ қувурлари шаҳар атрофида ярим халқасимон ёки халқасимон шаклда ўтказилиб, ундан йирик истеъмолчилар, ҳамда шаҳар юқори ва ўрта босим газ қувурлари ГРП орқали таъминланади. Ҳар хил босимдаги газ қувурлари фақат ГРП орқали бир-бирига уланади.

2.2. Шаҳар газ тизимларининг турлари

Шаҳар газ тизимсининг қисмини газ қувурлари ташкил қилади. Улардаги босимнинг турларига қараб шаҳар газ тизимлари қўйидагиларга бўлинади:

- a) бир босқичли тизимлар;
- б) икки босқичли тизимлар;
- в) уч ва кўп босқичли тизимлар.

Тизимларини танлашда шаҳарнинг сатхи, умумий истеъмол қилинадиган газ миқдори, газ манбасининг тури, газлаштиришнинг кетма-кет бўлиши ва иқтисодиёт масалаларини инобатга олиш керак.




5-расм Бир босқичли газлаштириш тизимлари.

1-магистрал газ қувури; 2-ГРС; 3-халқасимон паст босим газ қувурлари; 4-истеъмолчиларга тармоқ; 5-боши берк газ қувурлари.

Бундай тизимда фақат паст босимли газ қувурлари қўлланилади.

Бундай тизим ишчи посёлкаларда, кичик қишлоқда ишлатилиши мумкин. Бунда фақат паст босимдаги газ қувурлари ўтказилади. Шунинг учун буни бир босқичли дейилади. У фақат турар жой бинолари ва майда корхоналарни таъминлайди. Бундай тизимларда фақат паст босим бўлгани учун катта диаметрдаги қувурлар қўйишга тўғри келади. Бу иқтисод тарафдан манфаатсиз.

2. Икки босқичли газлаштириш тизимлари. (6-расм)



6-расм. Икки босқичли газ тақсимлаши схемаси.


1-магисирал газ қувури; 2-ГРС; 3-ирик газ истеъмолчилари; 4-паст босим газ қувурларини таъминловчи ГРП лар; 5- юқори ва ўрта босим газ қувурлари;

6 -халқасимон паст босим газ қувурлари.

Бундай тизимлар кичик ва ўрта шаҳарларда кулланилиб, ўрта ва паст босим газ қувурлари ишлатилади. Ўрта босимдан саноат корхоналар ва паст босим газ тармоқлари ГРП орқали таъминланади. Босимни ошириш газлаштириш тизимсида кичикроқ диаметрдаги қувурлар ишлатиш имконини беради. Бу маблағларни тежашга олиб боради. Лекин, босимни ошириб бориш, тизимни ишлатишда катта талаблар қўяди.

Паст босим газ қувурларига турар жой бинолари ва майдада майший хизмат корхоналари уланади. Бундай тизим бир босқичли тизимга нисбатан тежамлидир ва бундай тизимнинг ўтказиш қобилияти катта, паст босимли газ қувурларида бир хил босимни таъминлашга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, бундай тизимларга хавфсизлик томондан юқорироқ талаблар қўйилади.


3. Уч ва кўп босқичли газлаштириш тизимлари. (7-расм) ва (8-расм).



7-расм. Уч босқичли газ тақсимлаши схемаси.

- 1-магистрал газ қувури; ГРС;**
- 3-юқори босим газ қувури;**
- 4-саноат корхоналари;**
- 5-юқори босим ГРПси;**
- 6-ўрта босим газ қувури;**
- 7-паст босим истеъмолчиларига тармоқлар;**
- 8-паст босим газ қувурлари;**
- 9-ўрта босимга уланган йирик истеъмолчилар;**

10-ўрта босим ГРП лари.



8-расм. Кўп босқичли газ тақсимлаш схемаси.

МГ-магистрал газ қувури;
ПП-саноат корхоналари;
СВД- юқори босим газ қувурлари;
ССД-ўрта босим газ қувурлари;
СНД-паст босим газ қувурлари.

Уч ва кўп босқичли тизимлар ёрдамида катта шаҳарлар газлаштирилади. Чунки икки босқичли тизимлар қўлланилганда, ўрта босим газ қувурларининг диаметрлари жуда катта бўлиши талаб қилинади ва бутун шаҳар ҳудуди бўйича юқори босим газ қувурлари ўтказишга кучаларнинг торлиги сабабли газ қувурларидан бино ва иншоотларгача хавфсизлик юзасидан талаб қилинадиган масофаларни таъминлаш қийинлиги сабаб бўлади. Бундай тизимларда паст, ўрта ва юқори босим газ қувурлари ишлатилиб, ГРС дан чиқкан юқори босим газ қувурлари йирик газ истеъмолчиларга (ГРЭС, ТЭЦ, туман қозонхоналари, кимё комбинатлари ва бошқалар) газ етказиб беради. Бундан ташқари, бу газ қувурларидан ГРП лар ёрдамида ўрта босим газ қувурлари таъминладилар. Ўрта босим газ қувурлари эса саноат, коммунал-маиший корхоналари, қозонхоналари, ҳамда ГРП лар ёрдамида паст босим қувурларини газ билан таъминлайди. Паст босим газ қувурлари эса асосан туар-жой биноларини ва саотлик газ сарфи $50 \text{ м}^3/\text{соат}$ дан ошмаган кичик майший-коммунал ва умумий овқатланиш муассасаларни газ билан таъминлайди.

2.3. Газлаштириш тармоқларининг аҳоли яшаш пунктлари режасида жойлашиши бўйича классификацияси

Режада жойлашиши бўйича газлаштириш тизимлари икки турга бўлинади: халқасимон, боши берк ёки тармоқланган тизимлар.

Халқасимон тизимлар, ўзаро боғлиқ бўлган туташ, халқасимон газ қувурларидан иборат бўладилар. Бундай тизимнинг асосий афзаллиги, уларнинг ишончлигидир. Чунки, газлаштириш тизимининг бирон-бир участкасида авария содир бўлиб газ оқими беркилиб қолса, авария бўлган участкадан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчиларга газ кушни, халқасимон қувур орқали етиб боради ва истеъмолчиларни газсиз қолишига йўл қўймайди. Лекин бундай тизимларнинг камчилиги, улардаги газ қувурларининг умумий узунлигининг катталиги ва натижада қурилишга кўп капитал маблағ талаб қилишидир.

Тармоқланган, боши берк тизимлар шаҳарнинг ҳар тарафига тармоқланган боши берк газ қувурларидан иборат бўлади. қувурларнинг охирги участкалари ўзаро туташмаган. Шунинг учун бундай тизимларга камроқ капитал маблағ сарф бўлиб, қурилиш арzonга тушади. Лекин бундай тизимларнинг бирор жойида авария бўлса, бу жойдан кейин жойлашган (газ оқими бўйича) истеъмолчилар газсиз қолади. Шунинг учун шаҳарларда газ таъминотининг ишончлилигини ошириш мақсадида капитал ҳаражатлар қўпроқ, бўлса ҳам халқасимон тизимлар қўлланилади.

Тармоқланган, боши берк тизимлар кичик аҳоли пунктларида, саноат корхоналари ҳудудида, ҳамда бирор шаҳарни газлаштириш жараёни бошланишида қўлланилиши мумкин. Бунда, аввал шаҳарнинг ҳар томонига боши берк асосий газ қувурлари ўтказилиб, асосан газ истеъмолчилари биринчи навбатда таъминланади, кейинчалик эса, газлаштириш ривожлантириб, боши берк газ қувурлари ўзаро туташтирувчи газ қувурлари билан уланиб, халқасимон газлаштириш тизимларини ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун боши берк

тизимлар келажақдаги халқасимон газлаштириш тизимларининг асосини ташкил қилиши мүмкін.

2.4. Газлаштириш тизимларининг тузилиши ва уларни ўтказиш усуллари

Шаҳар газ қувурлари-мураккаб муҳандислик иншоотлари бўлиб, истеъмолчиларни газ билан хавфсиз ва узлуксиз таъминлашга хизмат қиладилар. Газлаштириш тизимларининг ишончли ишлаши лойиҳалаш даврида қабул қилинган газ тақсимлаш схемасининг конструктив тўғри хал қилингандигига, ҳамда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифатига боғлиқдир. Шаҳарларда газ қувурлари асосан ер ости усули бўйича ўтказилади. Ер усти ўтказиш усули кам қўлланилиб, асосан табиий ва сунъий тўсиқларни кесиб ўтишда, ҳамда айрим истеъмолчилар худудида махаллий шароитга кўра ер ости усулини қўллаш мумкин бўлмаса, ёки иқтисод тарафдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, ер усти усули қўлланилади.

Шаҳар газлаштириш тизимлари пўлат қувурлардан қурилади. Чунки уларнинг узунлиги катта, бир-бирига улаш пайвандлаш билан бажарилади ва бунинг натижасида уланган жойларнинг зичлиги таъминланади. Ер ости газ қувурларини коррозиядан (чиришдан, емирилишдан) сақлаш мақсадида уларга коррозияга қарши қоплама (изоляция) ўралади. Совуқ қунларда газ таркибидаги сув буғлари конденсация бўлади. Конденсат қувурларнинг энг паст жойларида йиғилиб, газ йўлини тўсиб қўйиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида қувурлар албатта нишаб қилиб ўтказилади ва уларнинг энг паст жойларида конденсат йиғичлар (конденсатосборник) ўрнатилади ва улар орқали йиғилган конденсат вақти-вақти билан чиқариб ташланади.

Газ қувурларининг айрим бўлакларига ёки истеъмолчиларга газ беришни тўхтатиш учун газ қувурларида кран ёки задвижкалар ёки паст босим газ қувурларида гидрозатворлар ўрнатилади. Ер ости қувурларидан газ чиқаётганини аниқлаш учун назорат найчалари (контрольнўе трубки), ҳамда ер ости қувурлари

изоляциясининг ахволини текшириш, электр токларининг йўналиши ва кучланишини аниқлаш учун назорат пунктлари (контрольнўе пункти) ўрнатилади.

2.5. Газ тармоғини ўтказиши

Газ газ тақсимлаш пунктларидан чиқиб, кириш қувурлари орқали бинога киради. Туар жой бинолари учун газ қувурлар цокол орқали зина катаги ёки ошхонага киритиладиган қилиб лойиҳаланади. Цоколдан ўтказиладиган қувур деворининг минимал қалинлиги 3,5 мм ли қиздириб думалатиб тайёрланган чоксиз пўлат қувурлардан йиғилади.

Ташқи газ қувур ердан ўтказилганда задвижка ер сатҳидан кўпи билан 1500 мм баланд ўрнатилиб, осма металл шкаф ичига олинади. қувурлар бинонинг ташқи деворидан ўтказилиб, цокол орқали киртилганда ҳам задвижка шундай баландликка ўрнатилади, лекин металл шкаф қилинмайди. Задвижка шпинделининг каллаги ҳовли қопламаси сатҳига чиқарилади ва металл қалпоқ ичига олиб қўйилади. Шпинделни шикастланишдан сақлаш учун унга қувур ғилоф кийдирилади. Киритиш қувурининг диаметри истеъмол қилинадиган газ миқдорига қараб танланади. Энг кичик диаметр-50мм. қувурлар ташқи магистрал томонга камида 0,003 қияликда ўтказилади.

Газ тармоғи қувурлари билан сув тармоғи, иссиқлик тармоғи ҳамда канализация магистраллари орасидаги масофа вертикал бўйича камида 0,15 м, газ қувурлар билан электр ва телефон кабеллар орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши лозим.

Ерга ётқизиладиган пўлат газ қувурларни коррозиядан сақлаш учун изоляция қоплаш керак.

Қувурнинг айрим участкалари пресслаб уланади. Газ қувур синалгандан сўнг пайвандлаб уланган жойлар бевосита траншеяниг ўзида изоляцияланади.

Газ қувурлар туар жой ва жамоат биноларига кирладиган қувурларни кўздан кечириш қулай бўлган одам яшамайдиган хоналарга (зина катаклари,

ошхоналар, дахлизларга) ўрнатиш керак. Газ қувур бошқа коммуникациялар билан бирга ўтказилганда уни бошқа қувурлардан пастрок ёки улар билан бир сатҳда жойлаштириш, шу билан бирга барча қувурларни кўздан кечириш ва ремонт қилиш қулай бўлиши керак.

Газ қувур устунлари ва ички тармоқларни турар жой хоналаридан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Газ устунлари рухланмаган пўлатдан ясалган сув-газ қувурларидан резба ёрдамида ёки пайвандлаб йиғилади. Устунлар орадан ўтадиган жойларга каттароқ диаметрли қувур бўлакларидан гилзалар қўйилади, гилзанинг пастки учи шип сатҳида бўлиши керак. Гилза полдан 50 мм чиқиб туриши лозим, акс ҳолда полни ювиш пайтида гилзага сув кириб кетиши мумкин. Гилза билан қувур орасидаги бўшлиққа смолаланган толалар тиқилади, қолган 10 мм жойига эса битум қўйилади. ғилофда резбали ёки пайванд бирикмалар бўлмаслиги керак.

Хонадонларнинг жойлашишига қараб, газ устунлари бир қаватдаги бир ёки бир неча хонадонга газ берадиган қилиб ўрнатилади. Хонадонга борадиган ҳар қайси тармоққа тиқинли кран, крандан кейин сгон ўрнатилади.

Биноларда газ қувурларни очиқ ўтказиш тавсия қилинади. Газ қувурларни деворда осилган ариқлардан ўтказиб, устига осонгина олинадиган тўсиқ қўйишга йўл қўйилади. Каналларда вентиляция бўлиши лозим. Газ қувурлар дераза, эшик ўринларини кесиб ўтмаслиги керак. Одам ўтадиган жойларда газ қувурлар полдан камида 2 м баланд бўлиши керак.

Қурилиш жойлари, тармоқлар ва арматура яқинига таянч ўрнатиш лозим. Газ қувурларни вентиляция каналлари, шахталар ва дудбуронлар орқали ўтказишга йўл қўйилмайди.

Газ қувурлар ва электр симлари ёки кабелларини хона ичидаги ўзаро жойлаштиришда қуидаги шартларга риоя қилиш керак:

- пареллел ўтказилганда очиқ жойлашган электр сими ёки кабелдан газ қувур деворигача камида 250 мм масофа бўлиши керак;
- электр сими яширин ёки қувур ичига олиб ўтказилганда бу масофа 50 мм гача қисқартирилиши мумкин (девордаги ариқча ёки қувур деворидан ҳисобланганда);
- газ қувур электр сими ёки кабел билан кесишадиган жойларда улар орасидаги масофа камида 100 мм бўлиши керак;
- туар жой ва жамоат бинолари учун тармоқ симларининг газ қувур билан зазорсиз кесишиши кўзда тутилади. Лекин бунда электр сими резини ёки эбонит қувур ичига олиниги, резина ёки эбонит қувур газ қувурнинг икки томонига 100 мм чиқиб туриши лозим.
- газ қувурнинг тақсимлаш ёки коммўтация электр шити ёки шкаф деворидан узоқлиги камида 500 мм бўлиши керак.
- кучланиш 100 В гача бўлганда хоналар ичидагаз қувур билан очиқ ток симларининг токли қисмлари орасидаги масофа камида 1000 мм бўлиши керак.
- газ қувур сув тармоғи, канализация ва бошқа қувурпроводлар билан кесишганда қувурлар орасидаги масофа камида 20 мм бўлиши керак.

Куритилган газ газ қувурларини бино ичидагиялатмай ўтказиш мумкин.

Зарур ҳолларда саноат корхоналарининг цехларидан ўтказиладиган тақсимлаш газ қувурларида конденсат йиғгичлар ёки конденсат тўкиладиган штуцерлар кўзда тутилиши лозим.

Пойдеворлар, ораёпмалар, зинапоя майдончалари, шунингдек, девор ва пардеворлар туташган жойлардаги газ қувурлар пўлат қувурлардан қилинган ғилофлар ичига ўтадиган жойларида учма-уч туташмалар бўлмаслиги керак. Газ қувур билан ғилоф орасидаги бўшлиққа смолаланган каноп лоси тиқилади ва

битум қўйилади. ғилофнинг учи қурилиш конструкцияларидан 50 мм чиқиб туриши лозим.

Тармоқнинг айрим участкаларини ва газ жиҳозларини улаш учун газ қувур тармоқсига конуссимон тиқинли бронза газ кранлари ўрнатилади. Кириш қувурларига, устунлардан хонадонларга юбориладиган тармоқларга чўян кранлар ўрнатишга руҳсат берилади.

Тиқинли кран корпусининг юқори қисмида тиқин конусининг юқори қисмига буралган шпилка учун ўйик бўлади. Шпилка чеклагич вазифасини ўтайди. У кран тиқинини фақат 90^0 буришга йўл қўяди. Тиқиннинг квадрат каллаги учида чизиқча бор. Агар чизиқча қувур ўқига бўйлама турса, кран очик, агар қувур ўқига кўндаланг келса, кран берк бўлади.

2.6. Ер ости газ қувурларининг кўчада жойлашиши

Ер ости газ қувурлари шаҳарларда асосан кучанинг катнов йўллари тагидан ўтказилади. Агарда кучаларда кенг пиёда йўллари бўлса ёқимайсазорлар бўлса, улар тагидан ўтказиш мақсадга мувофиқ, чунки катнов йўлларни бузи ва тиклаш қиммат туради. Газ қувурларини ўтказишда бино, ер ости ва ер усти иншоотлари ва дарахтлардан маълум масофани таъминлаш керак. Бу масофалар техник шароитларда ва қурилиш қойдаларида келтирилган. Шулар билан танишиб чиқамиз.

I. Ер ости газ қувури билан бино орасидаги масофа:

- а) наст босим газ қувурлари учун камида 2 м;*
- б) ўрта босим газ қувурлари учун камида 4 м;*
- в) юқори босим газ қувурлари ($0,3 \div 0,6$ МПа). учун камида 7 м;*
- г) юқори босим газ қувурлари ($0,6 \div 1,2$ МПа) учун камида 10м бўлиши керак.*

Бу масофалар ер ости газ қувурларидан газ чиқа бошлаганда унинг бино ичига кирмаслигини таъминлай олмайди, лекин кириш хавфини камайтиради.

2. Ер ости газ қувури билан трамвай йўлигача бўлган масофа:

а) паст ва ўрта босим газ қувурлар учун яқин рельсгача бўлган масофа камида 2,8 м бўлиши керак;

б) юқори босим газ қувурлари учун камида 3,8 м бўлиши керак.

3. Темир йўл рельсигача бўлган масофа:

а) *паст босим учун камида 3,8 м;*

б) *ўрта босим учун камида 4,8 м;*

в) *юқори босим учун (0,3 ÷ 0,6 МПа). камида 7,8 м ;*

г) *юқори босим учун 0,6 ÷1,2 МПа). камида 10,8 м ;*

Бу масофалар газ қувурлари ётқизиш пайтида ва таъмирлаш ишлари бажариш пайтида транспорт харакатини тўхтамасдан олиб боришга имкон беради.

4. Дарахтлардан камида 1,5 м масофада ўтиш керак, чунки ундан яқин бўлса хандақ қазиганда дарахтнинг илдизи кесилиб кетади. Бундан ташқари, қувурдан газ чиқа бошласа дарахт илдизларига таъсир қилиб, уни қуритади.

5. Электр кабели билан ер ости паст ва ўрта босим газ қувури орасидаги масофа камида 1 м бўлиши керак. Агарда юқори босим бўлса, камида 2 м бўлиши керак. Бу масофалар хандақ қазиганда ёки таъмирлаш ишлари олиб борилганда кабелни узиб юбормаслик учун керак.

6. Газ қувури билан сув тармоғи орасидаги масофа:

а) *паст босим учун- 1 м;*

б) *ўрта босим учун - 1,0 м;*

в) *юқори босим учун (0,6 МПа га) - 1,5 м;*

г) *юқори босим учун (1,2 МПа гача)- 2,0 м.*

7. Газ қувури билан канализация орасидаги масофа:

а) *паст босим учун - 1 м;*

б) *ўрта босим учун - 1,5 м;*

в) *юқори босим учун (0,6 МПа гача)- 2,0 м;*

г) юқори босим учун (1,2 МПа гача) - 5,0 м;

8. Иссик сув узатиши тизими каналининг ташқи деворидан газ қувуригача бўлган масофа:

паст, ўрта, юқори босим (0,6 МПа гача) учун - 2 м;

юқори босим (0,6 ÷ 1,2 МПа) учун - 4 м.

Бу масофалар газ қувурларидан газ чиқа бошлагандан бошқа ер ости иншоотларига кириш хавфини камайтиради.

9. Агарда бир хандақда 2 та газ қувури ўтган бўлса, улар орасидаги масофа қувурлар диаметри $d \leq 300$ мм бўлса, улар орасидаги масофа камида 0,4 м бўлиши керак. Агарда қувурлар диаметри $d > 300$ мм бўлса, қувур деворлари орасидаги масофа камида 0,5 бўлиши керак.

Бу масофа қувурларни ишлатиш жараёнида уларни текшириш, ҳамда тузатиши ишлари олиб бориш учун зарурдир. Ер ости газ қувурларидан газ чиққанда, у ердаги бўшлиқлар орқали узок масофаларга тарқалиши мумкин. Шунинг учун газ қувурларини иложи борича босимсиз ишлайдиган қувурларда узокроқ бўлгани маъқул, чунки газ улар орқали биноларга кириш мумкин.

2.7. Ер ости газ қувурларининг чуқурлиги, нишаблиги, хандақ таги

Газ қувурларининг чуқурлиги шундай бўлиши керакки, у чуқурликда тупроқ қатлами ҳисобига механик таъсирдан сақланган бўлиши керак. Шаҳарлар учун қувурнинг минимал чуқурлиги қувур тепасидан ер юзасигача камида 0,8 м бўлиши керак. Шаҳардан ташқарида, қатнов йўқ жойларда камида 0,6 м бўлиши керак. Бундан ташқари, қувурнинг ётқизиш чуқурлиги газнинг намлигига боғлиқ. Агарда нам газ бўлса, газ қувурини ернинг музлаш қатламидан чўқида жойлаштириш керак, чунки газдаги намлик конденсация бўлади ва бу суюқлик музлаб, газ қувурини беркитиб қўйиши мумкин.

Қурилган газ қувурларини эса ернинг музлаш қатламида ҳам жойлаштириш мумкин. Газнинг намлигига қарамасдан газ қувурлари нишаб


ўтказилиши керак, чунки газдаги сув буғлари конденсация бўлганда улар қувурнинг нишаблиги бўйича оқиб бориб, қувурнинг энг паст жойида тўпланади. Бу ерда конденсат йиғгичлар (КС) ўрнатилади.

(9-расм) ва у орқали йигилган конденсат чиқариб ташланади.


Минимал нишаблик $i \leq 0,002$ катта диаметрдаги қувурлар учун етарли ҳисобланади. Лекин қувурлар диаметри кичикроқ бўлса $d \leq 150$ мм, нишабликни каттароқ олиш керак. Чунки кичик қувурларнинг кесими кичик бўлганлиги учун қувурлар чуққан пайтда унда сув тўрежасиб, газнинг йўлини беркитиб қўйиши мумкин.

Ер ости газ қувурлари қуришда хандақ тагининг сифати катта аҳамиятга эгадир. Сифатсиз бажарилган ер ишлари эксплуатация даврида газ таъминотига, ҳамда қувурларнинг мустахкамлигига таъсир бўлиши мумкин.

Лойиҳага нисбатан чуқур жойларни қум билан тўлдириб, зичлаштириб, текислаш зарур. Агарда хандақ тошлоқ жойларда қазилса, унда хандақ тагининг нотекисликлари $10 \div 15$ см қалинликда қум сепилиб, текисланиши керак. Текисланмаса тошларнинг ўткир қирралари газ қувурининг изоляциясини ишдан чиқаради ва газ қувури коррозиясини тезлаштиради.



9-расм. Конденсат үиғиғи УГ-5-63



10-расм. Назорат найчалари.


1-газ қувури; 2-шебенъ; 3-қувур сегменти; 4- чиқарувчи найча; 5-ковер остидағи бетон ёстик; 6-ковер.

2.8. Ер ости газ қувурларини ҳар хил табиий ва сунъий түсиқлар билан кесишиши

Газ қувурлари ўтказиш пайтида ҳар хил түсиқларни кесишишга түғри келади.

Улар қаторига дарёлар, жарлиқлар, темир-йўл, автомобиль йўллари ва ҳар хил ер ости иншоотлари киради. Магистрал газ қувурлари билан темир йўллари кесишиганда газ қувурлари футляр (ғилоф) ичидаги ўтказилади. (11- расм).

ғилоф қўллаш газ қувуридан газ чиқа бошласа, уни темир-йўл излари тагидан, ҳамда автомобиль йўли тагидан чиқишини ва ёнғин чиқиши олдини олади. Бундан ташқари, газ қувури ётқизиш даврида транспорт ҳаракати тўхтамасдан қурилиш ишларини тешиб ўтиш усулида олиб боришга имкон беради.



11-расм. Газ қувурларининг темир йўл билан кесишии схемаси

1-газ қувури; 2-битум; 3-битум шимдирилган арқон; 4-диэлектрик гилдираклар; 6-назорат найчаси.

ғилоф metall қувурдан тайёрланиб, газ қувурининг диаметри $d_{кувур} \leq 200$ мм бўлса ғилоф диаметри $d_F * d_{кувур} \leq 100$ мм бўлиши керак. Агарда $d_{кувур} > 200$ мм бўлса, гилорқаоф диаметри $d_F * d_{кувур} * 200$ мм бўлиши керак. ғилоф ичидаги газ қувурлари иложи борича бир бутун қувурдан тайёрланиши керак. ғилофнинг учлари сальник билан зичланади ҳамда ғилофнинг бир учига назорат қувури уланади. Агарда ғилоф ичидаги қувурдан газ чиқа бошласа, у назорат қувури орқали хавфсизрок жойдан чиқариб юборилади. Агарда ер ости газ қувурлари канализация коллекторларини ёки шунга ухшаш канал ёки колллекторларни кесиб утса, газ қувури ғилоф ичидаги ўтказилиши керак. Бунда ха ғилофнинг диаметри олдинги схемага ухшаб қабул қилинади. Ер ости газ қувури билан сув тармоғи, канализация кесишган вақтда улар орасидаги масофа 15 см дан кам булмаслиги керак. Газ қувури билан иссиқлик тармоғи канали орасидаги масофа камидаги 20 см бўлиши керак. Газ қувури билан кабель орасидаги масофа камидаги 0,5 м бўлиши керак. Агарда кабель асбестоцемент қувур ичидан утган бўлса, унда 0,25 м бўлиши мумкин.

2.9. Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва газ қувурларининг ускуналари

Газлаштириш тизимларида умумий ҳаражатнинг 60 % гачасини қувурларнинг нархи ташкил қиласиди. Газлаштириш тизимларида асосан пўлат қувурлардан фойдаланилади, чунки пўлат қувурларнинг узунлиги катта бўлади ва

пўлат қувурларни пайванд усулида улаш осон, лекин пўлат қувурлар коррозияга мойилдир. Шунинг учун ер ости қувурлари коррозияга карши коплама (изоляция) билан ўралади. қишлоқ шароитларида газнинг босими 0,3 МПа гача бўлса, ер ости газ қувурларида полиэтилен қувурларидан ДАСТ 18599-73 фойдаланиш керак. Бунда қувурнинг чуқурлиги камида 1 м бўлиши керак. Пўлат қувурлар кам углеродли бўлиши ва яхши пайвандланиши керак. Газлаштириш тизимларида қўйидаги пўлат қувурлар ишлатилади:

*Чоксиз пўлат қувурлар ДАСТ 8732-78; $d_{ш} * 45 \div 3225$ мм.* Бу қувурлар ер ости ва ер усти газ қувурларида ишлатилади.

*Уй ичи газлаштириши тизимларида сув-газ ўтказувчи қувурлари ДАСТ 3262-75; $d_{ш} * 15; 32; 40; 50$ мм.*


*Электр пайвандланган тўғри чокли қувурлар ДАСТ 10.705-80; $d_{ш} * 10 \div 530$; ДАСТ 10.706-76; $d_{ш} * 630 \div 1220$ мм;*
*Электр пайвандланган спирал чокли қувурлар ДАСТ 8732 - 78; $d_{ш} * 45 \div 325$ мм.*

Газ қувурлари асосан газ пайвандлаш йўли билан (қувурнинг диаметри $d_{ш} \leq 50$ мм бўлса), ҳамда электр пайвандлаш йўли билан уланади. Резьбали улаш фақат газ жихозларини қувурга улаш жойларида ишлатилади. Агарда хавфсизликни инобатга олиб бино ичида пайвандлаш ишини олиб бориш мумкин бўлмаса, унда резьба ёрдамида қувурларни улаш мумкин.

Ер ости газ қувурларининг минимал диаметри **$d_{ш} * 50$ мм** дан бўлмайди. Бундан ташқари, ер ости газ қувурлари девори калинлиги камида 3 мм, ер усти газ қувурлариники эса камида 2 мм бўлиши керак.

2.10. Газни беркитиш ускуналари

Газни ёпиш ускуналари истеъмолчиларни, газ қувурининг маълум булакларини, ҳамда газ жиҳозларини беркитиш учун қўлланилади. Булар сифатида кранлар, задвижкалар (ёпқичлар), ҳамда



12-расм. Диаметри 50 мм дан 150 мм гача бўлган газ қувурлари учун гидрозатвор

УГ-30 (а) ва диаметри 150 мм дан 200 мм гача бўлган газ қувурлари учун гидрозатвор УГ-33 (б).

гидрозатворлар (гидравлик ёпқичлар) қўлланилади. Гидравлик ёпқичлар (II-расм) ер ости паст босим газ қувурларида ишлатилади. Улар айрим истеъмолчиларни ёпиш учун ишлатилади. Бунинг учун ковер очилиб, гидрозатвор тикини очилади ва гидрозатворга сув қўйилади. Қўйилган сув газнинг йўлини тўсиб, газ ўтишини тўхтатади. Гидрозатворга фақат газни беркитишга хизмат қиласи. Улар ёрдамида газнинг сарфини ўзгартириш мумкин эмас, фақат очиш ёки ёпиш мумкин.

Гидрозатворлар ернинг музлаш қатламидан пастда жойлашиши керак, чунки йиғилган конденсат музлаб, газни йўлини беркитиб қуяди.


Гидрозатворнинг яхши томонлари: оддий, газни яхши беркитади, улар газдаги конденсатни туплаб, конденсат йигтич вазифасини ҳам бажаради.

2.11. Кранлар ва ёпқичлар (задвижкалар)

Кичик диаметрдаги газ қувурларидаги истеъмолчиларни ва газ жиҳозини беркитиш учун кранлар ишлатилади. Кранлар (13-расм) герметизация-зичлаштириш усули бўйича улар тортилувчан ҳамда сальникли кранлар бўлади.

Торталувчан кранлар паст босимда, сальникли кранлар эса асосан коммунал ва саноат корхона паст ва ўрта босим қувурларида ишлатилади.


Материалы бўйича кранлар чўяндан ва бронза ёки латундан бўлиши мумкин. Чўян кранлар (Пч.3бк) кам очиб ёпиладиган жойларда ишлатилади. Кранлар диаметри $15 \text{ мм} \div 80 \text{ мм}$ бўлиши мумкин. Кранларнинг газ қувурига уланиши бўйича резьбали (муфтали), цапкали ва фланецли (13, 14-расм) бўлади.



13-расм. Муфталик кранлар.

а-пружиналик тикинсимон бронза кран 11Б12бк. 1-корпус; 2-тутқич; 3-тикин; 4-копок; 5-пружина. *б*-торталувчан тикинсимон чўян кран 11Ч3бк. 1тикин; 2-шайба; 3-тортувчи гайка; 4-корпус. *в*-салыникли тикинсимон чўян кран 11Ч6бк. 1-тикин; 2-корпус; 3-салыник; 4-грундбукса; 5-торталувчи болтлар; 6-муфта.

14-расм. Фланецли тикинсимон сальники чўян кран 11Ч8бк.



1-корпус;
2-тикин;
3- сальник;

4-группа;

5-фланец.

Газ жиҳозларни газ қувурига улаш ёки уларни ажратиб олиш учун крандан сўнг сгон ўрнатилади.

Газни ёпиш ускуналари қўйидаги жойларда ўрнатилади:

1. Кичик туман газ қувурининг айрим бўлимларини беркитшида;

2. Тақсимлаш газ қувурларидан ажралган тармоқларда;

3. ГРП ларга кириши ва чиқшида қўйилади; бунда улар ГРПдан камида 5м дан 100м гача бўлган масофа оралигига бўлиши керак.

4. Саноат корхонасига кириши жойида девордан 2 м узоқликда бўлиши керак.


Задвижкалар (15-расм) ер ости газ қувурларида қудуқларига ўрнатилади ва уларнинг энг кичик диаметри 50 мм бўлади. Задвижкалар газни беркитиш ҳамда унинг сарфини ўзгартиришга хизмат қилади.

Материални бўйича задвижкалар иккига бўлинади:

1) чўян понасимон шпиндели чиқмайдиган задвижскалар - 30 ÷ 47 бк ДАСТ 1235-67. Улар босим 0,6 МПа гача бўлганда ишлатилади.

2) пўлат задвижскалар 30 с 41 нж (Зкл2-16). Булар газ босими 1,6 МПа гача ишлатилади.

Бундан ташқари сейсмикаси 8-9 балл бўлган районларда ҳамма газ қувурларда ишлатилади. чунки бундай районларда чўян задвижка ёрилиб кетиши мумкин.




15-расм. Задвижкалар.

а-чүян параллел шпинделери чиқувчи задвижска 30с7бк б-чүян понасимон силжимас шпинделли задвижска 30ч47бк в-пўлат задвижска 30с41нж (ЗКЛ 2-16)

Задвижкалар ер ости газ қувурларида, газ қудуқларида, ўрнатилади. Газ қудуқлари икки хил бўлади:


-саёз қудук, МІ-Ік 0,9 (16-расм). Бундай қудуқлар задвижкаларнинг диаметри 100 мм гача бўлса ишлатилади.



16-расм. Кичик думалок газ қувури.

1-фланецлик-салниклик кран; 2-газ қувури; 3-темир-бетон қудук; 4-темир-бетон таг.

Чуқур газ қудуқлари (17-расм). Бундай қудуқлар задвижканинг диаметри 100 мм ва ундан катта бўлса ишлатилади.



17-расм. Икки задвижкалик темир-бетон қудук.

1-параллел задвижка; 2-икки линзалик компенсатор; 3-газ қувури.

Улар учга булинади;

а) думалок қудуклар; Г1 - III - I,8

б) түгри түртбүрчак қудуклар; Г1 - III - I,8

в) иккита задвижсага мүлжалланган қудуклар; Г2-УП-2,1 ва Г2-ШК-1,8


Кранлар ва задвижкалар

Номи	Тури	Күлланиш жойлари
Тиқинсимон, пружиналик, муфталик бронза кран $d_{ш} * 15,20$ мм	11Б12бк	Хона ичкарисида ва ташкарисида, ер усти газ қувурларида; $P_{иш} \leq 0,01$ МПа
Тиқинсимон, тортилувчан, муфталик чүян кран $d_{ш} * 15,20, 25, 40, 50$ мм	11Ч3бк	Юқоридагига ўхшаш
Тиқинсимон, мойланувчан, сальникли муфталик чүян кран $d_{ш} * 15,20,25,40,50$ мм	11Ч6бк11	Юқоридагига ўхшаш $P_{иш} \leq 1,0$ МПа
Тиқинсимон, мойланувчан, сальникли фланецли чүян кран $d_{ш} * 25,40,50,65,80,100$ мм	11Ч8бк	Ер усти ва ер ости газ қувурларида $P_{иш} \leq 1,0$ МПа
Икки гардишли понасимон силжимас шпинделли чүян задвижка $d_{ш} * 50, 80, 100, 150$ мм ДАСТ 1235-67	30Ч47бк4	Ер усти ва ер ости газ қувурларида $P_{иш} < 0,6$ МПа
Пўлат задвижкалар $d_{ш} * 50, 80, 100, 150, 200, 300$ мм	30С41нж (ЗКЛ2-16)	Сейсмик районлар 8 ва 9 балл $P_{иш} \leq 1,6$ МПа

Агарда газ қудуғида 300 мм дан катта бўлган пўлат задвижкалар ўрнатилса, унда компенсатор ўрнига пўлатдан ясалган қийшиқ қувур бўлаги (косая вставка) ўрнатилади.

2.12. КОМПЕНСАТОРЛАР

Компенсаторлар линзали (18-расм) ёки сальникли бўлиши мумкин. Газлаштириш тизимсида асосан линза компенсаторлар ишлатилади. Улар задвижкаларни монтаж қилишни осонлаштиради ва газ қувурида ҳосил бўладиган ҳароратли кучланишларни узига қабул қилиб, қувур ва задвижкаларни ёрилишидан сақлайди.



18-расм. Линзали компенсатор.

1-линзалар; 2-кронштейин;
3-стакан; 4-патрубок;
5-тортилувчан болтлар;
6-газ қувурига уланувчи бўлак; 7-
фланец;
8-гайка.

Задвижка монтаж қилинаётган вақтда компенсаторнинг тортилувчи боллари тортилади ва компрессор сиқилади. Шундан сўнг задвижка уз ўрнига ўрнатилиб, қистирмаси фланецлар орасига жойлаштирилади ва фланецнинг боллари жойига ўрнатилади. Шундан сўнг компенсаторнинг тортилувчи боллари бушатилиб задвижкани маҳкамловчи боллар тортилади. Компенсаторлар газ йўналиши бўйича задвижкадан кейин қўйилади. Ишчи ҳолатда компенсатор боллари бушатилган бўлиши керак.

Газ қудуқларида пўлат задвижкалар қўлланилганда задвижканинг диаметри $d_{ш} > 300$ мм бўлса, унда компенсатор ўрнига қувурнинг қийшиқ булаги ўрнатилади. қувурнинг қийшиқ булаги (косая вставка) задвижкани монтаж ва демонтаж ишларини осонлаштиради.


Назорат найчаси

Ер ости газ қувурларида газ чиқаётганини аниқлаш учун газ қувурларининг бурилиш жойларида, пайванд чоклари устига, ҳамда эски газ қувурига янги газ қувури уланган жойда назорат найчалари ўрнатилади. (10-расм). Улар, қувур устига ўрнатилган қувурнинг ярим булагидан (сегмент), ҳамда унга уланган найчадан иборат. Найчанинг иккинчи учи резьбали тикин билан беркитилади ва ковер тагига ер сатхигача чиқарилади. қувурдан чиқаётган газнинг назорат найчасига ўтишини осонлаштириш сегмент билан газ қувури оралиғи майда тош билан тулдирилади.

Назорат пункти

Назорат пунктлари (19-расм) ер ости газ қувурларида ҳар 200 м дан ўрнатилиб, улар ер ости газ қувурининг ерга нисбатан электр потенциалини ўлчаш учун ҳамда, газ қувурида бўлиши мумкин бўлган дайди токларнинг йўналиши ва кучланиши аниқлаш учун қўлланилади. Назорат пункти икки изоляция қилинган электроддан иборат бўлиб, бири газ қувурига пайванд қилинган, иккинчиси эса, ерга уланган (заземляюхий электрод).

19-расм. Назорат пунктлари.



- 1-ковер;
- 2-ковер остидағи бетон ёстик;
- 3-трубка;
- 4-назорат ўтказгич;
- 5-ерга уланган электрод;
- 6-халқали M8 гайка.

2.13. Ер ости газ қувурларидаги ускуналарни кўрсатувчи белгилар

Кўрсатгич белгилар ер ости газ қувурлари ускуналарининг тури ва унгача бўлган масофани кўрсатади. Одатда улар бино деворларига ердан тахминан 1,7 м баландликда сариқ бўёқ билан чизиб қўйилади. Улар керак бўлган вақтда газ қувури ускуналарини тез ва аниқ топишга ёрдам берадилар.

Ер усти газ қувурлари

Улар бино деворлари буйлаб, алохida турган таянч, колонна, ҳамда эстакадалар буйлаб ўтказилади. Газ қувурларининг ер сатхидан минимал баландликлари қўйидагича:

- транспорт юрмайдиган жойларда газ қувурининг баландлиги камида 2,2 метр бўлиши керак;
- автомобиль йўлини кесган вақтда минимал баландлиги 4,5 м бўлиши керак;
- трамвай йўлини кесган вақтда ва электрлаштирилмаган темир йўлни кесган вақтда камида 5,6 м бўлиши керак;
- электрлаштирилган темир йўлни кесган вақтда 7,1 м бўлиши керак.

Агарда сунъий газ қувурлари бўлса, бундай қувурлар камида $i \leq 0,003$ нишабликда ўтказиш керак ва газ қувурининг энг паст жойига конденсатни чиқариб ташлаш учун дренаж штуцерлари ўрнатилиши керак.

Газ қувурлари билан электр ўтказиш симлар орасидаги масофа улардаги токнинг кучланишига бўлиши керак:

агарда кучланиши 1 кВ гача бўлса, улар орасидаги масофа камида 1 м;

агарда кучланиши 20 кВ гача бўлса-3 м;

агарда кучланиши 35 ÷ 100 кВ бўлса-4 м.

Бу масофалар электр тармоғидаги кучланиши ҳавони тешиб ўтиб газ қувурига тушишдан саклайди. қишлоқ шароитларида, транспорт ҳаракати йук жойларда газ қувурларини ердан камида 0,35 м баландликда калта таянчлар устидан ўтказиш мумкин.

Газ қувурларининг ердан чиқиши жойларида улар ғилоф ичидан ўтказилади. ғилоф газ қувурларининг чиқиши қисмини занглашдан, ҳамда механик шикастланишдан сақлайди. ғилоф билан газ қувури оралиғи эритилган битум билан тұлдирилган.

Газ қувурининг ер тағидан чиқкан тик қувурида электр токини ўтказмайдыган фланецлар үрнатылади. Улар ер ости газ қувурларига ташқаридан электр токи тушиши ва ер ости қувурларидаги дайди токларнинг ер усти газ қувурларига ўтишиш олдини олади

Ер усти газ қувурларининг таянчлари ёки қозықлари орасидаги масофа уларнинг диаметрига боғлиқ бўлиб, СНиП бўйича қабул қилинади.

Уй ичи газ қувурлари

Улар газни бинонинг ичидан газ жиҳозларига етказиб берадилар. Уйга келаётган газ қувурида бино деворидан 2 м дан кўпроқ масофада газ ёпиш ускунаси қўйилиши керак. Лекин, кўпинча кран ердан чиқиши газ қувурида ердан 1,8 м баландликда үрнатылади. Бинога киритиш газ қувурлари асосан одам яшамайдиган хоналардан, яъни зинопоя хонаси, йўлак, ҳамда ошхона орқали киритилиши мумкин. Суюлтирилган газ қувурларини ертула, техник қаватлардан ўтказиш мумкин эмас.

Бино ичидан газ қувурлари капитал деворларни, ҳамда қаватлар орасидаги ёпмани тешиб утганда, газ қувурлари пўлат қувурдан тайёрланган ғилоф ичидан ўтказилади. ғилофнинг учи девордан, ҳамда полдан икки тарафга 5 см чиқиб туриши керак. ғилоф ичидаги газ қувурида пайванд чоки бўлмаслиги керак. Уй ичи газ қувурининг минимал баландлиги полдан 2 м бўлиши керак. Газ қувурининг ҳар бир хонадонга кириш жойида беркитувчи кран бўлиши керак. Кран асосан зинопоя хонасида үрнатылади. Ҳар бир газ жиҳозининг олдида полдан 1,5 м баландликда беркитувчи кран қўйилиши керак.

Уй ичи газ қувури билан электр сими орасидаги масофа камида 25 см бўлиши керак (агарда сим очик бўлса). Девор ичидан утган сим билан газ қувури кесишиган жойда камида 1 см бўлиши керак.

Агарда бино қаватлар сони туртдан кам бўлса, газ тик қувурининг асосида кран қўйилмайди, ундан кўп бўлса қўйилади.

Уй ичи газ қувурлари темир қозиқ ёрдамида деворга махкамланади. қозиклар орасидаги масофа газ қувури диаметрига боғлик бўлиб, у $d_{ш} \times 25$ мм бўлса, масофа камида 3,5 м, $d_{ш} \times 20$ мм бўлса-3 м, $d_{ш} \times 15$ мм бўлса - 2,5 м, $d_{ш} \times 50$ мм да - 5 м. Уй ичи газ қувурларини ёткxона, меҳмонхона ва бошқа яшаш хоналарида газ жиҳозлари бўлмаса улар орқали ўтказиш мумкин эмас.

2.14. Газ қувурлари коррозия турлари

Газнинг таркибиага, газнинг қувури материалига, газ қувурларининг турига қараб, яъни, ўтказиш усулига қараб газ қувурлари ички ёки ташқи коррозияга учрайди.

Ички коррозия асосан газ таркибидаги агрессив қўшимчаларга боғлик (H_2S , O_2 , сув буғи ва бошқалар). Улар газ қувурини ичидан коррозияга олиб боради. Бундай коррозиядан қутилиш учун газни газ конларидан чиққан жойида яхшилаб тозалаш керак. Газ қувурларининг ташқи коррозияси уларнинг ўтказиш усулига боғлик бўлиб, агарда ер усти газ қувури бўлса, уни икки марта бўяш керак.

Ер ости газ қувурларида эса хар хил коррозияга қарши қопламалар қўлланилади.

Ер ости газ қувурлари коррозияси учга бўлинади:

- *кимёвий коррозия;*
- *электрокимёвий коррозия;*
- *электр коррозияси;*
- *кимёвий коррозия.*

Бу коррозия энг оддий коррозия бўлиб, бунда газ қувурларига намлик, кислород таъсирида газ қувурлари занглайди. Бундай коррозияда газ қувури сиртида коррозия маҳсулоти - занг бир текисда қоплайди ва коррозиянинг кейинчалик бўлишини камайтиради. Бу коррозия хавфли эмас.

2.15. Электрокимёвий коррозия

Электрокимёвий коррозия даврида ер ости газ қувури металли қувур қопламаси бузилган жойларда тупроқдаги тузлар, ишкорлар ва намлик таъсирида гальваник жуфтлик ҳосил қилиб, паст кучланишдаги электр токи пайдо бўлади ва қувурда катод ва анод зоналари ҳосил бўлади. Бу зоналар орасида электр токининг харакати вужудга келади. Бу ток, катод зонада газ қувурига киради, анод зонада эса ундан чиқади.



20-расм. Электрокимёвий коррозия

схемаси.

Токнинг қувурдан чиқиши жараёнида у ўзи билан металл ионларини олиб чиқади. Бунинг натижасида қувур деворида кичкина яра ҳосил бўлади. Кейинчалик кенгайиб, чукурлашиб, қувурнинг тешилишига олиб келади.


Шунинг учун қувурлардаги анод зоналари коррозия жиҳатдан ҳавфли ҳисобланади.

2.16. Электр коррозия

Электр коррозияси трамвай, элетричка, метро рельсларидан қочган, адашган (дайди) токларининг қувурга келиб тушишидан содир бўлади. Бу токлар рельсининг уланган жойларидаги контактнинг яхши бўлмаслиги сабабли улар ерга ўтади ва ер ости газ қувурининг қопламаси бузилган жойларидан қувурга киради. Ток кириш зонаси катод, чиқиши зонаси анод зона дейилади. Бу ток электр подстанцияси олдидан утганда қувурдан ерга ўтади. Ердан рельсга ўтиб, подстанциянинг манфий шинасига бориб тушади. Электр коррозия анод зонада

дайди токларнинг қувуридан ерга чиқиши жойида содир бўлади, чунки дайди токлар қувурдан металл ионларини олиб чиқади.


Ер коррозияларининг энг ҳавфлиси электр коррозиясидир.



21-расм. Электр коррозияси тизими. 1-рельс йўли; 2-газ қувури; A-анод зонаси; K-катод зонаси; ТР- ўзгармас ток ишилаб чиқарувчи тортши подстанцияси.

2.17. Грунтнинг коррозион активлиги

Грунтнинг коррозион активлиги унинг таркиби, намлиги, ҳаво ўтказувчанлигига, ердаги туз ва ишқорларнинг миқдорига ва ернинг электр ўтказувчанлигига боғлик. Қуруқ тупроқ коррозия жиҳатдан унча ҳавфли эмас. Намлик ошиши билан ернинг коррозион активлиги ҳам ошиб боради. Максимал коррозион активлик тупроқда 10-15 % намлик бўлганда бўлади. Лекин тупроқ намлиги 20-24 % дан ошганда, коррозион активлик камаяди. Агарда қувурга гоҳ намлик, гоҳ кислород таъсир қилиб турса, унда коррозия кучаяди. Умумий қилиб олганда, грунтнинг коррозион активлиги унинг солишишторма электр қаршилиги орқали аниқланади. Грунтнинг солишишторма электр қаршилигини миллиамперметр, электр батареяси ва иккита электрод-қозик ёрдамида аниқлаш мумкин. (22-расм).



22-расм. Грунтнинг коррозион активлигини аниқлаш.

Бу қозиклар газ қувури чуқурлигига кокилади ва ўзгармас ток манбасига

уланади. Ҳосил бўлган электр занжирида токни миллиамперметр ёрдамида улчанади ва қўйидаги формула орқали грунтнинг солиширига электр қаршилиги аниқланади:

$$\rho = K \frac{U}{I}$$

U - батареяning кучланиши, (в) ;

I - ток кучи (ма) ;

K - ўлчов жиҳозининг доимийлик коэффициенти;

ρ - солиширига электр қаршилиқ, ом.м.

Ернинг солиширига электр қаршилиги қанча кўп бўлса, унинг коррозион активлиги шунча паст бўлади ва унинг тескариси.

Ернинг коррозион активлиги йилнинг даврига боғлиқ. Одатда баҳорда ва кўзда грунтнинг солиширига қаршилиги паст бўлади. Ернинг коррозион активлигини унинг йил давомидаги минимал электр қаршилиги бўйича аниқланади. Ернинг солиширига электр қаршилигига қараб унинг коррозион активлиги қўйидагича баҳоланади:

Солиширига электр қаршилиқ 5 Ом. м гача бўлса, ўта юқори коррозион актив грунт;

- 5 дан 10 Ом.м гача бўлса, юқори коррозион актив;
- 10 дан 20 Ом.м гача бўлса, кўтарилган коррозион актив;
- 20 дан 100 Ом.м гача бўлса, ўртacha коррозион актив;
- 100 Ом.м дан юқори бўлса, паст коррозион актив грунт ҳисобланади.

Газ қувурининг коррозион ҳолатини аниқлаш учун, ҳамда унинг ерга нисбатан электр потенциалини улаш учун ва ер ости газ қувурларида дайди токларнинг кучини ва йуналишини аниқлаш учун назорат пунктларида электр ўлчов ишлари олиб борилади. Газ қувурларининг участкаларида уларнинг электр потенциали ерга нисбатан қ0,1в ва ундан юқори бўлса, бундай газ қувурлари электр ҳимоя усулларига муҳтождир.

2.18. Газ қувурларини коррозиядан ҳимоя қилиш

Коррозиядан ҳимоя қилиш икки хил бўлади:

- пассив ҳимоя;
- актив ҳимоя.

Пассив ҳимояга газ қувурларини коррозияга қарши изоляция-қоплама билан ураш киради. Актив усулларга эса газ қувурларининг электр ҳимоя усуллари киради. Изоляцияда асосан нефть битумидан фойдаланилади. Битумнинг механик мустахкамлигини ошириш учун унга 10-15 % миқдорида қалин, цемент ва майда асбест кукунлари қушилади. Изоляцияни кучайтириш мақсадида бризол, гидроизол, стеклоткань ва полихлорвинил ёпишқоқ ленталар ишлатилади.

Гидроизол - бу қалин асбест қоғозига 150÷20 % целлюлоза қўшиб, битум шимдирилган рулонли лента.

Бризол - бу эски автомобиль баллонларини майдалаб битум билан қайнатиб ундан тайёрланган рулонли материалdir.

Кучайтирувчи қатламларнинг сонига қараб газ қувурларининг изоляцияси уч хил бўлади: нормал изоляция; кучайтирилган изоляция; ўта кучайтирилган изоляция.

Газ қувурларини изоляция қилишдан олдин уларни металл сетка ёрдамида ялтирагунча тозаланади. Ундан сўнг, қувур бензин билан ортиб чиқилади ва қувур сатхига грунтовка суртилади. Грунтовканинг таркиби уч қисм бензин ва бир қисм эритилган битумдан иборат бўлиб, бензинга секин аста $160\div180$ °C ли эритилган битум қўйилади ва аралаштириб турилади. Тескарисини қилиш, яъни эритилган битумга бензин қўйиш мумкин эмас, чунки бензин ёниб кетиши мумкин ва бензин битум билан яхши аралашмайди. Грунтовка суришдан мақсад, ундан кейин қувурга суриладиган битум қувурга яхши ёпишади ва ёрилиб кетмайди.

- *Нормал изоляция таркиби:*
- *грунтовка;*

- эритилган битум;
- крафт көгөз.

қопламанинг умумий қалинлиги 3 мм бўлади.

- Кучайтирилган изоляция таркиби:
- грунтовка;
- эритилган битум;
- кучайтирувчи қатлам (гидроизол, бризол ёки стеклоткань) ;
- эритилган битум
- крафт көгөз.

Изоляция умумий қалинлиги 6 мм.

- Ўта кучайтирилган изоляция таркиби:
- грунтовка;
- битум;
- кучайтирувчи қатлам;
- битум;
- кучайтирувчи қатлам;
- битум;
- крафт көгөз.

Изоляция умумий қалинлиги 9 мм.

Агарда ернинг коррозион активлиги паст бўлса, унда нормал изоляция қўлланилади. Агарда ернинг коррозион активлиги ўртача бўлса, унда кучайтирилган изоляция қўлланилади. қолган пайтларда эса ўта кучайтирилган изоляция қўлланилади. Шахар шароитида ернинг коррозион активлиги қандай бўлишдан қатъий назар фақат ўта кучайтирилган изоляция қўлланилади. Чунки, шаҳарларда ернинг таркиби хар хил бўлиши мумкин ва бундан ташқари шаҳар ерларида дайди токлар мавжуд бўлади. қоплама сифатида полихлорвинил ленталар қўлланилганда қувур яхшилаб тозаланади. Ундан кейин унга грунтовка


сурилиб полихлорвинил ёпишқоқ лента махсус машиналар ёрдамида қувурларга үралади. Бу ленталар қалинлиги 0,3 мм бўлади, эни эса 0,4 ÷ 0,5 м бўлади.

Газ қувурларининг коррозиядан сақланишнинг актив усулларига қўйидаги электр ҳимоя усуллари киради:

- электродренаж;
- катод ҳимояси;
- протектор ҳимояси.

Электродренаж ҳимоясида газ қувурларига келиб тушган дайди токларни анод зонасидан изоляция қилинган дренаж кабель ёрдамида қайтариб дайди токлар манбай бўлган рельсга ёки тортиш подстанциясининг манфий шинасига етказиб беришга айтилади. Токларнинг кабель ёрдамида чикиш наттижасида электр коррозия тухтайди. Электр дренажлар уч хил бўлади.

Оддий дренаж.



23-расм. Электр дренажлар схемаси.

а - оддий дренаж; б-поляризация қилинган дренаж; в-кучайтирилган поляризация қилинган дренаж. 1-газ қувури; 2-суреб оловчи фидер; 3-кичик ток кучига мўлжалланган сақлагич; 4,5-контактор урами; 6-рельс.


Бунда ярим ўтказгич қўлланилмайди. Шунинг учун дренаж кабели электр подстанциясининг манфий шинасига уланади. Уни рельсга улаш мумкин эмас, чунки рельс узилган пайтда ток дренаж қурилмаси орқали газ қувурига ўтиб кетади. Бу эса жуда ҳавфли.

Поляризация қилинган дренажда (23-расм, “б”) сүриб олувчи кабелни рельсга ҳам улаш мүмкин, подстанциянинг манфий шинасига ҳам улаш мүмкин. Чунки бунда ярим ўтказгич қўлланилиб, у токни фақат қувурдан ташқарига ўтказади.

Кучайтирилган дренаж. Бунда маҳсус қурилма ишлатилиб, у электр токи ёрдамида газ қувурида доимий манфий потенциални таъминлаб беради. Битта электр дренаж қурилмаси $5 \div 6$ км масофадаги газ қувурини дайди токлар коррозиясидан сақлаши мүмкин.

2.19. Катод ҳимояси

Катод ҳимояси (24-расм) ер ости газ қувурларини ерда бўладиган электрокимёвий коррозиядан сақлайди.




24-расм. Катод ҳимояси схемаси.

- 1-газ қувури;
- 2-катод ҳимояси;
- 3-анод;
- 4-кабель;
- 5-дайди токлар оқими;
- 6-сүриб олувчи кабель.

Бунинг учун ташқи ўзгармас ток манбай ёрдамида газ қувурида манфий потенциал ҳосил қилинади, яъни газ қувури манфий белгига эга бўлган катод зонасига айланади. Анод сифатида эса ерга кўмилган эски қора металл бўлакларидан фойдаланилади. (эски пўлат қувурлар ёки рельслар).

Катод қурилмасида $1,2 \div 2$ В кучланишли ўзгармас ток манъбаи ишлатилади. Аноддан ерга ток ўтгани сабабли у ўзи билан металл ионларини олиб чикади ва секин аста емирилиб боради.

25-расм. Протектор ҳимояси схемаси.



- 1-анод;
- 2-кабель;
- 3-газ құвури;
- 4-назорат пункті.

Шунинг учун анодни маълум вақт ўтгандан сўнг янгилаш керак. қувур изоляциясининг ахволига қараб битта катод қурилмаси $1 \div 20$ км масофадаги ер ости газ қувурини коррозиядан сақлаши мумкин.

2.20. Протектор ҳимояси

Протектор ҳимоясида (25-расм) анод сифатида рангли металлдан тайёрланган электродлар қўлланилади. Улар темирга нисбатан тескари потенциалга эга бўлиб, ердаги туз ва ишкорлар билан реакцияга киришиб, кичик кучланишдаги ток ҳосил қиласи. Бу ток анодлар ер орқали катод вазифасини бажарувчи қувурга олиб бориб тушади ва ундан кабель ёрдамида назорат пунктидаги туташтирувчи симдан ўтиб, қайтиб анодга тушади.

Шундай қилиб, туташган электр занжири ҳосил бўлади ва қувурини коррозиядан бир мунча сақлайди. Бундай ҳимоя асосан шаҳардан ташқарида қўлланиши мумкин. Коррозиядан сақлаш зонаси катта эмас (70 м гача).

2.21. Газлаштириш системаларини лойиҳалаштириш.

Лойиҳа хужжатларининг таркиби

Шаҳар газлаштириш тармоқлари асосан икки босқичда лойиҳалаштирилади. Биринчи босқичда техник-ишчи лойиҳа ишланади. Иккинчи босқичда эса ишчи чизмалари ишлаб чиқилади. Техник-ишчи лойиҳада шаҳар бош режаси асосида газлаштириш системасининг схемаси, газ истеъмоли нормалари, йиллик ва соатлик газ истеъмоллари, истеъмол тартиби, газ қувурларини ўтказиш усуллари ва чизмалари, ГРП ларнинг жойлашиши, ҳамда газ қувурларининг диаметрлари аниқланади. Бундан ташқари, техник ишчи лойиҳада коррозияга қарши қопламаларнинг турлари, электр ҳимоя усуллари, қувурлар чуқурлиги, табиий ва сунъий-тўсиқлардан ўтиш лойиҳалари ишлаб чиқилади ва бажариладиган ишларнинг умумий ҳажми ва уларга сарфланадиган маблағлар ва бу ишларга кетадиган вақтлар аниқланади. Техник - ишчи лойиҳа тушунтириш хати шаклида берилиб, унда I: 5000 масштабдаги шаҳар бош режасида газ қувурларининг схемаси ва молия смета ҳисоблари берилиши керак.

Ишчи чизмалар ГРП лар, газ қувуригининг айрим иншоотлари, ҳамда кучалардаги газ қувурларининг айрим бўлаклари учун масштаб I: 500 да ер ости иншоотларининг жойлашиши, ҳамда кўндаланг кесимлари билан берилган бўлади. Унда газ қувурларини айрим қўзғалмас иншоотларга нисбатан боғлаб кўрсатилади. Бундан ташқари, ГРП ларнинг жойлашиши, уларга келаётган иншоотларнинг чизмалари берилади. Ишчи схемалар асосида сметалар тузилади. Одатда газлаштириш системаси лойиҳаси келажакдаги 10-15 йил олдинги мўлжаллаб тузилади. Бунда аҳолининг кўпайиши, келажакда қуриладиган саноат, коммунал корхоналар, ва бошқаистеъмолчилар ҳисобга олиниши керак. Бу даврнинг икки-уч йили лойиҳа ишлаб чиқаришга, ҳамда аҳоли пунктини газ қабул қилишга тайёрлашга кетади. Бундан ташқари 7-8 йил лойиҳада мўлжалланган кўрсаткичларга етиш учун кетади. Баъзи ҳолларда лойиҳа ва қурилиш ишлари икки ёки уч навбатга мўлжаллаб олиб борилади.

2.22. Газ босимини созлаш пунктлари (ГРП)

Газ жиҳозлари ва ускуналари газнинг босими маълум миқдорда бўлганда нормал ишлайди. Одатда газлаштириш системаларида газнинг босими ўзгариб туради. Газ истеъмоли ошса, қувурлардаги босим пасаяди. Истеъмол камайса, босим ошади. Бундай ҳолларни йуқотиш учун ва бир хилда босимни таъминлаб туриш учун газнинг босимини созлаш керак. Босим созлашдан асосий мақсад: босимни пасайтириш ва уни бир хилда ушлаб туришdir.

Одатда газнинг босимини хар қандай ёпиш қурилмаси ёрдамида созлаш мумкин. Газлаштириш системасида эса газнинг босимини автоматик равища созвовчи ускуналар-босим созлагичлар ишлатилади. Улар бошқа ёрдамчи ускуналар билан биргаликда газ созлаш пунктларида (ГРП) ўрнатиладилар. (26, 27, 28, 29, 31, 32 - расмлар).

ГРП лар маҳсус биноларда ёки металл шкафларда ўрнатилиши мумкин. Босим созлагичларнинг турлари ва схемалари турлича бўлиб, лекин уларнинг асосий вазифаси, битта яъни босимни пасайтириш ва уни белгиланган даражада ушлаб туриш. ГРП лар хар хил босимдаги газ қувурларининг боғловчи элементидир, яъни паст босимни ўрта ёки юқори босимга улаш ГРП орқали бўлади. ГРП да газ биринчи бўлиб фильтрдан ўтади ва унда механик қўшимчалардан тозаланади. Фильтрнинг тоза ёки ифлосланганлигини билиш учун газнинг ундан олдинги ва кейинги босими улчанади. Агарда фильтр тоза бўлса, босимлар фарқи катта бўлмайди. Фильтр ифлосланиши билан босимлар фарқи ошиб боради. Босимлар фарқи нормадан ошиб кетса, фильтрни очиб тозалаш керак. Бундай пайтда газ айланиб ўтиш қувуридан ўтказилиб, унинг босими қўлда иккита задвижка ёрдамида пасайтириб борилади.

Фильтрдан сўнг ПЗК ўрнатилган. Унинг вазифаси ГРП дан чиқишдаги газ босими 20 % дан ошиб кётганда ёки нормадаги босимнинг 10 % га тушиб колса, ПЗК автоматик равища газни беркитиб куяди. Босимни ошган ёки пасайганини

ПЗК чиқиши қувурига уланган импульс найчаси орқали билади ва бу босим ПЗК мембранасига таъсир қилиб, унинг клапанини беркитиб қуяди. ПЗК ни очиб ишчи ҳолатга келтириш учун шаҳаргаз ёки тумангаздан авария бригадасини чақириш керак. ПЗК дан сўнг босим созлагич ўрнатилган. Унинг вазифаси босимни пасайтириш ва бир хилда ушлаб туришдир. Кечаси истеъмол камайганда босим созлагич клапани ўз эгарига яхши урнашмаганлиги (беркилмаганлиги) сабабли газ ўтказиб, чиқиши газ қувурида босим ошишга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолни олдини олиш мақсадида ГРП ларнинг чиқиши қувурига сақлаш-чиқариб ташлаш клапани ПСК ўрнатилади. ПСК чиқиши газ қувуридаги босим $10 \div 15\%$ ошганда бир қисм газни атмосферага чиқариб юборади ва чиқиши газ қувуридаги босимни пасайтириб, ПЗК нинг ишлаб кетиши олдини олади.


ПСК бўлмаганда кечаси босим ошса ПЗК ишлаб кетиб, газни беркитиб қўяр ва эрталаб истеъмолчилар газсиз қолар эди. Агарда ПСК ишлаб газни атмосферага чиқарганда ҳам босим ошиши давом этса, унда босим ошиши 20 % га ётганда ПЗК ишлаб газни беркитиб қўяди.

ГРП да асосий тармоқдан ташқари байпас (айланиб ўтиш) тармоқси бўлиб, унда иккита задвижка ўрнатилган. Агарда ГРП да таъмирлаш ишлари бажариш керак бўлса, асосий тармоқ беркитилиб, газ байпасдан ўтказилиб турилади ва унинг босими байпасдаги иккита задвижка ёрдамида пасайтириб турилади. Иккита задвижка кўйишидан мақсад, биринчи задвижка кўпол (грубўй) созлашга, иккинчиси эса босимни аниқ созлашга хизмат қиласи.

ГРП лар бир босқичли ва икки босқичли, ҳамда битта босим созлагич, иккита ёки учта параллел босим созлагич ўрнатилган бўлиши мумкин. Бир босқичли ГРП ларда битта босим созлагич ўрнатилади. Икки босқичли ГРП да иккита кетма-кет уланган босим созлагич бўлади. Бундан мақсад, агарда ГРП дан ҳар хил босимда ишловчи истеъмолчилар газ олса шундай схема қўлланилади. Бунда биринчи босим созлагичдан кейин бир қисм газ юкорирок босимдаги газни

истеъмол қилувчи истеъмолчига юборилади. Ундан кейинги газни яна бир бор иккинчи босим созлагич босимини пасайтиради ва паст босимда ишловчи истеъмолчиларига узатади. ГРП лар битта босим созлагичли ёки параллел ишловчи жуфт босим созлагичли бўлиши мумкин. Агарда ГРП даги битта босим созлагич талаб қилинган сарфни таъминлаб беролмаса, унда параллел ишловчи иккинчи босим созлагич ўрнатилади. Шундай қилиб ГРП нинг ўтказиш қобилиятииikki баровар ошади. Газ созлаш пунктлари аҳоли яшаш пунктларида, саноат корхоналари ҳудудида ўрнатилади ва газни умумий тарқатувчи газ қувурларига беради. Газ созлаш қурилмалари (ГРУ) эса газ истеъмол қилувчи бино ичига ўрнатилади ва газни фақат бинога беради (цех, қозонхона).

ГРП ларга киришдаги газ босимига қараб улар юқори ёки ўрта босим ГРП ларига булинади. ГРП лар газлаштириш системасига берувчи бўлиши мумкин. Уларни тармоқ ГРП лари дейилади. Тармоқ ГРП си шахар системасига газ беради, объект ГРП си эса саноат корхоналарига, козонхоналарга, коммунал ҳўжалик корхоналарига газ беради.



26-расм. Жавонли /шкафли / ГРПН -25

1- муфталик вентиль 15кч18п D_v^*25

2 (1) ÷ 2 (3)- муфталик кран 11ч38н1 D_v*25

3 (1) ÷ 3 (6)-беркитувчи пўлат вентиль 15с54бк

4-босим излагич РД -32М


5-сақловчи-узиб қуювчи клапан ПКК -40М

6-чиқариб ташлаш қувури

7-турли сузгич ФС-25

8-техник манометр ОБМ1-100-1(10)

9-мановакууметр



27-расм. Жавонли /шкафли / ГРПН -40

1-фланецили вентиль 15кч19п D_y 40

2 (1) ÷ 2 (4) - фланецили кран 11ч8бк D_y 40

3 (1) ÷ 3 (6) -беркитувчи пулат вентиль 15с54бк D_y 15

4- босим созлагич РДБК1 -25

5-сақловчи-узиб қуювчи клапан ПКК -40М


6-сақловчи-чиқариб ташловчи клапан 2461.10

7-турли сузгич ФС-40

8-техник манометр *ОБМ 1-100-1 /10/*

9-мановакуумметр

10-чиқарыб ташлаш құвури.



28-расм. Жавонли /шкафли / ГРПН -50

1-фланецли вентиль 15кч19п $D_y *50$

2 (1) ÷ 2 (4) - фланецли кран 11ч8бк $D_y *50$

3 (1) ÷ 3 (6) -беркитувчи пулат вентиль 15с54бк $D_y *15$

4- босим созлагич РДБК1 -50/35


5-сақловчи-узиб куювчи клапан /ПКН -50М/

6-сақловчи-чиқарыб ташловчи клапан /ПСК/ 2461.10С

7-турли сұзгич /Фильтр/ ФСС-50


8-техник манометр *ОБМ 1-100-1 /10/*

9-мановакуумметр 10-чиқарыб ташлаш құвури.




29-расм. РДУК-2-50. Босим созлагичли жавонли ГРП ШП-1нинг схемаси

1-турли сузгич; 2-пружинали чиқариб юборувчи клапан; 3-сақловчи-беркитувчи клапан /ПКК-40М/; 4-РДУК -2 -50 босим созлагичи; 5-кран; 6-манометр; 7 ва 8-кишидаги кранлар




30-расм. РД-50М босим созлагичли жавонли ГРП ШП-2нинг схемаси

1-пружинали кран; 2-пружинали манометр; 3, 9, 12 - кранлар; 4- турли сузгич; 5-сузгичдаги босим йүқолишини аниқлаши найчаси; 6- ПКК-40М сақловчи-беркитувчи клапан; 7-РД-50М босим созлагичи; 8- созлагичга ўрнатилган пружинали чиқариб юборувчи клапан; 10-импульс найчаси; 11-чиқариб ташловчи газ кувури; 13-суюқликли манометр; 14- чиқшидаги кран



31-расм. Ротацион газ ҳисоблагиличи РДУК-2-100 босим созлагиличи бино ичида жойлаштириладиган ГРП схемаси

1-кран; 2-газ сузгич; 3-сақловчи-беркитувчи клапан; 4-РДУК 2-100 босим созлагилич; 5-гидравлик сақловчи-беркитувчи тузилма; 6-эхтиёт шарт қувури; 7-газ ҳисоблагиич олдидан куйиладиган текшириши сузгичи; 8-ротацион газ ҳисоблагиич; 9-ҳисоблаш қурилмасининг эхтиёт шарт қувури; 10- тиқинли шитуцер; 11,12-манометрлар.



32-расм. РДУК-2-100 босим созлагиличи ва дифрагмали ўлчагиличи бино ичига ўрнатилган ГРП нинг схемаси


1-харорат ўлчагиич; 2-кўрсатувчи манометр; 3-ёзиб борувчи манометр; 4-сочили сузгич; 5-дифманометр /сузгичники/; 6-оқиб ўтиши кесимини киҷрайтиши тузилмаси ёрдамида газ сарфини ўлчаши бугими; 7-ПЗК; 8-РДУК-2-100; 9-импульс чизиги; 10-суюқликли сақловчи чиқариб ташловчи тузилма; 11-эхтиёт шарт қувури.

2.23. Босим созлагичлар

Улар босимни пасайтириш ва газ истемолининг ўзгаришига қарамасдан созлагичдан кейинги босимни бир хил ушлаб туришга хизмат қиладилар. Хар қандай автоматик равишида ишловчи созлагич иккита асосий қисмдан иборат:

- таъсир қабул қилувчи орган (реагируюхий орган);
- созлаш органи (реагируюхий орган).

Таъсир қабул қилувчи орган бўлиб мембрана хизмат қилади. Бу иккита орган узаро боғловчи орган, яъни шток билан бодланган. Ишлаш принципи бўйича босим созлагичлар икки хил бўлади: бевосита ишловчи босим созлагичлар ва бевосита ишламайдиган босим созлагичлар.



33-расм.Бевосита ишлайдиган босим созлагичнинг схемаси
1-клапан (созлаш аъзоси);
2-мембрана (таъсирланувчи аъзо); 3-пружина; 4-импульс (турткни берниш) найчаси.

Бевосита ишлайдиган босим созлагичларда чиқищдаги газ босими таъсир қабул қилувчи органга бевосита таъсир қилиб, у орқали клапанни очилиш ёки ёпилишга мажбур қилади. Схемада (33-расм) берилган бевосита ишловчи созлагич қўйидагича ишлайди: газ берилмасдан олдин клапан ўз оғирлиги хисобига мембрана билан осилиб туради.


Бунда клапан эгри очиқ ҳолатда бўлади. Газ ўта бошлагандан сўнг, босим P_2 ошиб боради ва бу босим импульс найчаси орқали мембрана тагига узатилади ва унга таъсир қилиб, уни кўтара бошлайди. Шу билан боғлик бўлган шток ва клапан ҳам кўтарилиб, клапан тешигини беркита бошлайди. Натижада газнинг сарфи

камайиб, P_2 босим ҳам камаяди. Бунинг натижасида мембрана остидаги босим камайиб, мембрана, шток ва клапан пастга тушади ва клапан очилиб яна босим оша бошлайди. Бу нарса доимий давом этади.

Чиқищдаги P_2 босимнинг миқдори мембрана устига ўрнатилган юқчаларнинг оғирлигига ёки мембрана устига қўйиладиган пружинанинг сиқилиш даражасига боғлик. Бевосита ишлайдиган босим созлагичлар каторига РД -32, РД - 50М, (34, 35-расм) РДБК -ІП (36-расм) босим созлагичлари киради. Уларнинг кўрсатгичлари қўйидагича: РД типидаги босим созлагичлар учун киришдаги максимал босим

34-расм. Бевосита ишлайдиган РД-32М

босим созлагич.



1-мембрана; 2-пружина;


3-гайка; 4-созловчи винт;

5-уланиш гайкаси; 6-тиқин; 7-ниппель; 8-клапан;

9-поршень; 10-импульс найчси; 11-ричагли механизм; 12-созлагич ичига ўрнатилган сақлаш клапани

35-расм. Бевосита ишлайдиган РД-50 М


созлагич.



1-мембрана; 2-пружина; 3-гайка; 4-созлаш винти;

5-уланиш гайкаси; 6-тиқин; 7-ниппель;

8-клапан; 9-поршень; 10-импульс найчаси; 11-ричагли механизм; 12-мембранали - пружинали сақлаш -чиқарши клапан.




**36-расм. Бевосита ишлайдиган
Казанцевнинг блокли босим созлагичи
/РДБК1П/**

- 1-Созловчи клапан;**
- 2-бошқарувчи созлагич
бевосита ишлайдиган;**
- 3-4-беркитувчи мосламалар;**
- 5-7-созланувчи дросселлар
/босим пасайтиргичлар/;**
- 8,9-газ қувури;**
- 10-12-алоқа найчалари**

$P_1*1,6$ МПа, чиқищдаги $P_2*1÷3$ кПа Үтказиш қобилияти РД-32 учун $Q*200$ м³/соат гача, РД -50М учун $Q*750$ м³/соат гача РДБК -1П 50-35 учун $P_1*0,6$ МПа бўлса, $Q*3125$ м³/соат гача.

Бевосита ишламайдиган босим созлагичлар қаторига РДУК-2 типидаги (37-расм) ва РДБК -1 типидаги (38-расм) босим созлагичлар киради. Бевоста ишламайдиган босим созлагичлар қўйидагича ишлайди: чиқищдаги босим P_2 импульс найчаси орқали буйруқ берувчи аппаратга таъсир қилиб, унинг мемранасини кўтаради ёки пастга туширади ва бу орқали ўтаётган газнинг миқдорини ўзгартириб босим созлагичнинг асосий мемранасига таъсир қилдиради. Бунинг натижасида асосий клапаннинг очилиш даражаси ўзгариб, ўтаётган газнинг миқдори ва унинг босими ўзгаради. Шундай қилиб, бундай созлагичларда чиқищдаги босим асосий мемранага бевосита таъсир қилмайди, балки буйруқ берувчи аппаратга таъсир қилади. Шунинг учун босим созлаш анча аниқ ва текис олиб борилади.



37-расм. Бевосита ишламайдиган


Казанцевнинг универсал босим
саклагичи РДУК-2 нинг схемаси

1-клапан; 2-клапан эгари;
3-мембрана; 4 ва 8-босим ва тезликни
ўзгартирувчи тешик (дроsель);
5,6,7,9,12-импульс началари; 10-
пилот (созлагич бошкармаси); 11-
пилот клапани; 13-тур; 14-пилот
мембранаси;
15-пилот пружинаси; 16-пилот
пружинаси сикиши даражасини
созлаш учун резьбали стакани.

38-расм. Бевосита ишламайдиган

Казанцевнинг блокли босим
созлагичи /РДБК1/

1-созловчи клапан;
2-стабилизатор;
3-бошқарувчи созлагич бевосита
ишламайдиган;
4,5-беркитувчи мосламалар;
6,8-созланувчи дроселлар /босим
пасайтиргичлар/
9,10-газ қувури;



11-16-алоқа найчалари.

Босим созлагичларнинг мембранасига таъсир қилувчи куч турига караб улар юкли ва пружинали бўлади. Босим созлагичларда созлаш органи сифатида бир эгарли ва икки эгарли клапанлари ишлатилади.

Бундан ташқари, клапанлар юмшоқ клапанлар ва қаттиқ клапанларга бўлиниб; бир эгарли юмшоқ клапанлар; икки эгарли қаттиқ клапанлар ва деразасимон клапанлар мавжуддир.

Шаҳар газ тармоқларида асосан бир эгарли юмшоқ клапанлар ишлатилади. Улар берк ҳолатда ўзидан газни жуда оз миқдорда ўтказади. Бу тарафдан улар ишончли ҳисобланади. Бундай клапанларга юмшоқ прокладка сифатида чарм ёки газга чидамли резина ишлатилади. Бундай клапанларнинг камчилиги, уларда босимни майин, секин аста созлаш қийин.

Икки эгарли клапанлар ва деразасимон тешикли клапанлар созлашни майин, секин аста олиб боради, лекин ёпиқ ҳолатда узидан $4\div 5\%$ гача газни ўтказиб туради. Шунинг учун бундай клапанлар газ сарфи доим бўлиб турадиган ГРП ларда ишлатилади.

2.24. Босим созлагичларнинг ўтказиш қобилиятини аниқлаш

РД туридаги босим созлагичларнинг ўтказиш қобилияларини қўйидаги ифодалар орқали аниқланади:

$$\text{агар } \frac{P_1}{P_2} \leq 2 \quad Q_1 = \frac{Q_n}{32} \sqrt{\frac{\Delta P_n \cdot P_2}{\rho}}, \quad \text{м}^3/\text{соат}$$

$$\text{агар } \frac{P_1}{P_2} > 2 \quad Q_1 = \frac{1,57 \cdot Q_n P_1}{\sqrt{\rho}}, \quad \text{м}^3/\text{соат}$$

бу ерда

Q_n - босим созлагичнинг жадвалдан олинадиган паспортдаги ўтказиш қобилияти, $\text{м}^3/\text{соат}$;

P₁, P₂ - кириш ва чиқишдаги абсолют босимлар, ата;

ρ - газ зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; ΔP_p - босимлар фарки, $(P_1 - P_2)$ ата.

РДУК ва РДБК типидаги босим созлагичлар ўтказиш қобилияти қўйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$Q_1 = 159,5 f \cdot \varphi \cdot k \cdot P \sqrt{\frac{1}{\rho}} \quad , \text{м}^3/\text{соат}$$

бунда

f - клапан эгарининг юзаси. см^2 ;


φ - P_2 / P_1 нисбатларидан такозо этувчи ва (3-расм) графикдан аниқланадиган коэффициент;

P_1 - газнинг ГРП га киришдаги абсолют босими / ата /;

P_2 - газнинг ГРП дан чиқишидаги абсолют босими / ата /;

$\rho = P \cdot 760$ мм симоб устуни, $t = 0^\circ\text{C}$ бўлгандаги газнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$;

K - сарф коэффициенти.



39-расм. Коэффициент φ нинг
 P_2/P_1 нисбатидан тақозо
этими графикиги.

РДУК босим созлагичларининг ўтказиш қобилияти

Кириш босими P_1			РДУК-2-50		РДУК-2-100		РДУК-2-200	
			Эгарнинг диаметри, мм					
МПа	$\text{кг}/\text{см}^2$	ата	35	50	70	105	140	
0,03	0,3	1,3	465	550	1320	3450	5000	
0,05	0,5	1,5	580	815	1630	4250	6200	
0,10	1,0	2,0	785	1110	2220	5810	8450	
0,15	1,5	2,4	1000	1420	2840	7400	10800	
0,20	2,0	3,0	1200	1695	3408	8900	12940	

0,3	3,0	4,0	1600	2265	4544	11900	17300
-----	-----	-----	------	------	------	-------	-------

Эслатма: Газнинг зичлиги - 0,73 кг/м³

РДБК I босим созлагичларнинг ўтказиш қобилияти

Созла гич тури	Эгар нинг юзаси $P_c, \text{см}^2$	Сарф коэффи циенти	Харорат 20°C, зичлиги $\rho = 0,73 \text{ кг/м}^3$ ва кириш босими P_1 МПа бўлгандаги созлагичнинг ўтказиш қобилияти			
			$P_1 * 0,1 \text{ МПа}$	$P_1 * 0,3 \text{ МПа}$	$P_1 * 0,6 \text{ МПа}$	$P * 1,2 \text{ МПа}$
РДБК - 25/21	2,68	0,65	310	620	1085	2015
РДБК - 50/35	8,5	0,6	900	1800	2150	6850
РДБКI - 100/50	13,5	0,6	1418	2836	4963	9217
РДБКI - 100/70	32,3	0,5	2837	5674	9930	18441

Босим созлагичлар клапанларининг эгари

Кўрсаткичлар-нинг номи	РДУК -2-50		РДУК-2-100		РДУК-2-200	
	Эгарнинг диаметри, мм					
	35	50	70	105	140	
Эгарнинг юзаси f см^2	8,5	13,5	32,3	68,5	136	
Сарф коэффициенти K	0,6	0,6	0,5	0,49	0,4	

РД-32 ва РД-50 М созлагичларнинг кўрсаткичлари


Техник маълумотлар	РД -32				РД-50М			
Клапан тешигининг диаметри, мм	4	6	10	8	11	15	20	25
Кириш босими, кгс/м ²	10-16	3-10	0,05-3	12-16	6-12	3-6	1-3	0,1-1,0
Чиқиши босими, мм сув устуни паст босим пружинасида;	90-200				90-150			
Юқори босим пружинасида	200-350				150-250			
кўрсаткичлар: Р-1000 мм.сув устуни: $\rho * 1,0$ кг/м ³ ; $P_{2abc} * 1,01$ кгс/см ² бўлгандан, хужжатли ўтказиш қобилияти м ³ /соат	4	7,8	12	16	30	51	78	100

2.25. Сақлаш беркитиши клапани-(ПЗК)

ПЗК (40-расм) ГРП таркибида босим созлагичдан олдин ўрнатилиб, унинг асосий вазифаси ГРП дан чиқишидаги босим нормадагига нисбатан 20 % ошиб кётганда ва керак бўлган босимнинг 10 % га тушиб колганда газни беркитиб қўяди. Бундан мақсад, босим ошиб кетса, ёндиригичлар (горелкалар) нормал ишламай аланга узилиб, учиб колиши ва хонага газ чиқа бошлаб портловчи газ-хаво аралашмаси ҳосил бўлиши олдини олишдир.

Иккинчи ҳолат. Агарда бирор сабаб билан шахар газ қувурларида босим пасайиб кетиб нолга якинлашиб колса, унда хонадонлардаги газ плиталарининг алангаси пасайиб учиб колади ва кейин яна босим кўтарилса, унда газ учиб қолган

горелкадан хонага газ чиқа бошлайди ва ҳавфли ҳолатта олиб борилади. Шундай бўлмаслик учун, яъни босим кўтарилигдан очик колган горелкалардан газ чиқмаслик учун ГРП дан кейинги газ қувурларига газ бермаслик керак. Шунинг учун ПЗК босим пасайганда газни беркитади.




40-расм. ПКН/ПКВ/ сақловчи- беркитувчи клапан

1-импульс найчаси; 2-шток; 3-шифт; 4-ричаг; 5-гайка; 6-пружина ликопчаси; 7-пружина; 8-кичик пружина; 9-зарбдор; 10-шифт; 11-обкаш; 12-мембрана

ПЗК ларнинг уч хил тури мавжуд:

1. ПКН, бу ГРП дан чиқишида паст босим бўлганда ишлатилади.
2. ПКВ, ГРП дан чиқишида ўрта ёки юқори босим бўлганда ишлатилади.




41-расм. ПКК-40М сақлаш беркитиши клапан сақлаш чиқариб ташлаш клапанлари-(ПСК)

3.ПКК-40 М. (41-расм). Бу шкафли ГРП

ларда ишлатилтб, фақат чиқишдаги босим ошганда ишлайди. Бундан ташқари бу клапан киришдаги, чиқишдаги босимлар фақат $1000 \div 1500$ мм. сув. уст. гача пасайиб кетса, газни беркитиб қуяди. Бу клапанлар чиқишдаги босим пасайганда ишламайди. ПЗК ларнинг пружиналик ва юклик турлари мавжуд. ПЗК ларнинг ишлаш моментини унинг мембронаси устидан таъсир қилувчи юкларнинг миқдорига қараб ёки мембрана устидан босувчи пружинанинг сиқилиш даражасини ўзгариш йўли билан созлаш мумкин.

ГРП дан чиқишдаги босим ошиши созлагич нормал ишлаган пайтда ха руй бериши мумкин. Бунга мисол қилиб тунги даврни олиш мумкин. Бу даврда газ истеъмоли камайгани учун босим созлагичнинг клапани ёпиқ ҳолатда бўлиши керак.


Лекин ёпиқ ҳолатдаги клапандан ҳам газ ўтиб туриши мумкин. Бунга сабаб, клапаннинг беркитувчи сатҳининг яхши текисланмаганлиги ёки клапан билан унинг эгари орасига чанг, кум тушиб қолса, клапан яхши ёпилмасдан газ ўта бошлайди ва натижада ГРП дан чиқиш қувурида босим оша бошлайди. Босим ошиши 20 % бўлганда ПЗК ишлаб, газни беркитиб қувиши мумкин. Бундай ҳолатни олдини олиш учун ГРП дан чиқиш қувурига чиқариб ташлаш клапани ПСК ўрнатилади. (42-расм). У чиқишдаги босим $10 \div 15$ % ошганда бир қисм газни ҳавога чиқариб юборади ва чиқиш газ қувуридаги босимни пасайтиради ва ПЗК ни ишлаб кетишдан сақлайди. Босим пасайгандан кейин ПСК автоматик равища беркилади. Шундай қилиб ПСК вақти-вақти билан газни ҳавога чиқариб босимнинг 20 % ошишига ва ПЗК нинг ишлаб кетишига йўл қўймайди.



42-расм. ПСК-50 сақловчи-чиқариб ташловчи клапан

1-қобик; 2-мембрана; 3-клапан; 4-резинали қистирма; 5-пружина; 6-созловчи винт;

7-тиқин.



43-расм. Суюқликни сақлаш-чиқарип ташлаш қурилмаси.

1-суюқлик сатхини құрсатувлы шиша найча; 2-суюқлик қуиши тешиги; 3-чиқарип ташлаш қувури; 4-ГРП нинг чиқиши қувурига уланадиган найча; 5-корпус

Сақлаш-чиқарип ташлаш клапанлари икки хил бўлади: суюқликли чиқарип ташлаш қурилмалари (43-расм) (жидкостнўе сборснўе устройства) ва пружинали сақлаш-чиқарип ташлаш клапанлари (42-расм).

Суюқликли чиқарип ташлаш қурилмалари ярмигача суюқлик (сув, мой) тулдирилган вертикал идиш бўлиб, унинг ичига ГРП нинг чиқиши қувурига уланган найча тушириб қуйилган. Чиқиши қувуридаги босим ошиб борса, найча ичидаги суюқликни сикиб чиқара бошлайди ва босим ҳисобий босимдан 15 % ошганда газ найча ичидаги суюқликни бутунлай сикиб чиқарип, идишдаги суюқлик қатламидан ўтиб, идишнинг юқори қисмига ўтади ва ундан атмосферага чиқиб кетади ва ГРП нинг чиқиши қувурида босим пасаяди. Шундан сўнг, идиш ичидаги суюқлик яна найча ичига кириб, газ чиқишини тўхтатади. Шундай қилиб, босим 10-15 % га ошганда вақти-вақти билан газни атмосферага чиқарип туриб ПЗК нинг ишлаб кетиши олинади.

Бундай суюқликли чиқарип ташлаш қурилмалари ГРП дан чиқишидаги босим фақат паст босим бўлгандагина ишлатилади.

Чиқиши босими паст босим бўлганда пружинали чиқарип ташлаш клапанлари (ПСК) ҳам ишлатилади. (42-расм). Уларда чиқишидаги босим қувур орқали клапан


мембранаси устига таъсир қиласи ва босим ошганда мембрана тагидан күтариб турган пружина қаршилигини енгиб, мембрана ва унинг устига ўрнатилган клапанни пастга босади ва клапан тешиги очилиб бир қисм газ атмосферага чиқариб ташланади ва чиқиш газ қувуридаги босим пасайиб мембрана ва клапан пружина кучи ҳисобига күтарилиб клапан тешигини ёпади. Шундай қилиб чиқишидаги босим $10 \div 15 \%$ га ошганда вақти-вақти билан атмосферага газ чиқариб, чиқиш газ қувуридаги босим пасайтирилиб, ПЗК нинг ишлаб кетиши олди олинади.

Чиқишидаги босим ўрта ёки юқори босим бўлса пружинали чиқариб ташлаш клапанлари ППК - 4 (ППК - 4 ДМ) қўлланилади.

2.26. Газ сузгичлари

Газ сузгичлари ГРП, ГРУ ларда ПЗК дан олдин ўрнатилади ва газни механик қўшилмалардан тозалайди. Кичик шкафли ГРП, ГРУ ларда газ қувури диаметри $d_{ш} \leq 50$ мм бўлса, турли сузгичлар (44-расм) ишлатилади. Бу сузгичларда газ йўналишини ўзгартириб, фильтрловчи элементнинг тур билан копланган тешикларидан ўтишда механик заррачалардан тозаланади.

Сочли сузгич (45-расм). Бу сузгичлар газ қувури диаметри 50 мм-дан катта бўлган ГРП ва ГРУ ларда ишлатилади. Бунда фильтрловчи кассета икки тарафдан майда металл турли рамкадан иборат ва бу рамкалар оралиғи от қили билан тўлдириллади. Газдаги йирик заррачалар кассетанинг металл сеткасида ушланади, майда заррачалар кассета ичидаги от қилида тозаланади.




44-расм. Турли сузгич ФС

45-расм. Сочили сузгич ФГ

Фильтрнинг ичи тоза ифлослигини унинг киришдаги ва чиқишидаги босимлар фарқидан аниқлаш мумкин. Фильтр ифлосланган бўлса, босим фарки ошиб боради. Шунинг учун ГРП дан чиқишидаги босим паст босим бўлса, фильтрда йуколадиган босим 500 мм. сув. уст. дан ошмаслиги керак. Агарда ГРП дан чиқишидаги босим ўрта босим бўлса, рухсат этилган босим йўқолиши 1000 мм.сув.устунидан ошмаслиги керак. Агар босимлар фарки ошиб кетса, кассета олиб тозаланади. Тозалаш ишлари олиб борилаётган вақтида газ байпас тармоқдан ўтказиб турилади.

2.27. Газ сарфини ўлчаш

Газ сарфини ўлчаш ГРП, ГРУ ва ГРС ларда олиб борилади. Бунинг учун хар хил ўлчов жиҳозлари ишлатилади. Агарда газнинг босими 0,1 МПа дан ошмаса ва соатлик сарф $1000 \text{ м}^3/\text{соат}$ дан ошмаса РГ типидаги ротацион газ ўлчагичлар (46-расм) ишлатилади.



46-расм. РГ типидаги ротацион газ ўлчагич.

1-корпус; 2-роторлар; 3-дифманометр; 4-ҳисоблаш механизми.

Бундай ўлчагичлар чўян корпус ва унинг ичига жойлашган ўзаро боғлик иккита ротордан, ҳисоблаш механизми ва ўлчагичнинг кириш ва чиқишидаги босимлар фарқини кўрсатувчи дифференциал манометрдан иборат.

Бунда ўлчагичга киришдаги газнинг босими ҳисобига роторлар қарама-карши томонга айланиб, корпус ичидаги гоҳ чап, гоҳ ўнг камералар навбатмавбат газга тулдирилади ва бушатилади. Роторларнинг бири валига ҳисоблаш механизми уланган бўлиб, у роторнинг айланиш сонини ҳисоблаб газнинг сарфини м3 га айлантириб, ҳисоблаш механизмида кўрсатади. Агарда сутка бошланишидаги ўлчагич кўрсатгичини V_1 десак ва сутка охиридагини десак, V_2 суткалик газ сарфи:

$$\Delta V * V_2 - V_1, \quad \text{м}^3/\text{сутка} \text{ бўлади.}$$

Бундай ўлчагичлар фақат тик газ қувурларида ўрнатилиб, газнинг йўналиши юқоридан пастга бўлиши керак. Бундай ўлчагич ўрнатилганда унинг маҳсус борланиш тугуни бўлиши керак. Бундай ўлчагичлар фақат тик газ қувурларида ўрнатилиб, газнинг йўналиши юқоридан пастга бўлиши керак. Бундай ўлчагич ўрнатилганда маҳсус борланиш тугуни бўлиши керак. Бундай ўлчагичларни нормал ишлаётганини унинг дифференциал манометрдаги кириш ва чиқиш босимлар фарқи бўйича аниқлаш мумкин.

Босимлар фарқи $H \leq 30$ мм.сув.уст. бўлса, ўлчагич нормал ишлаётган бўлади. Агарда роторлар ифлосланиб ёки ўлчагичнинг ичидаги майдан қолмасдан роторлар айланиши қийинлашса, босим фарқи ошиб кетади. Бунда ҳисоблагични тўхтатиб, уни керосин билан бир неча марта ювиб, бошқатдан турбина майдан қўйилади. Ротацион газ ўлчагичларнинг кўйидаги турлари мавжуд: **РГ-40, РГ-100, РГ-250,**

РГ-400,РГ-600,РГ-1000.

Бу ердаги рақамлар ҳисоблагич ўтказиш қобилиятини кўрсатади. Бундай ҳисоблагичларнинг ўтказиш қобилияти 20 % ÷ 120 % гача ўзгарганда, хатолиги ± 2 % дан ошмайди. Одатда истеъмолчилар газ учун ҳақ тўлаш пайтида ҳисоблагич кўрсатган газ сарфини кўйидаги ифода билан стандарт ҳолатга келтирилади:

$$V_{CT} = V_C \frac{293(P_b + P_C)}{760(t_C + 273)} , \text{ ёки} \quad V_{CT} = V_C \frac{P_p \cdot 293}{1ata \cdot T_p} ,$$

V_c - газ ўлчагич кўрсатган газ сарфи, m^3 ;

P_b - барометрик босим, мм симоб.уст.:

P_c - ҳисоблагич ичидағи ёки унинг яқинидаги газ қувуридаги босим, мм.симоб.уст.;

t_c - ҳисоблагич ичидағи газ ҳарорати, $^{\circ}C$ ёки T_p , $^{\circ}K$.

ГРП ва ГРУ ларда ротацион газ ўлчагичлар босим созлагичдан кейин чиқиш газ қувурига ўрнатилади.

2.28. Босимлар фарқини ўлчаш билан газнинг сарфини аниқлаш

Бундай ускуналар таркибиға босим фарқи ҳосил қилувчи торайтирувчи мослама, дифференциал монометр ва туташтирувчи найчалар киради (47-расм). Бундай қурилмаларда газ босимини пасайтириш мақсадида диафрагмалар, соплолар қўлланилади. Бунда газ ёки суюқлик торайтирувчи мосламадан ўтганда унинг динамик босими ошади, статик босими камаяди.


Сарф қанча кўп бўлса, статик босим пасайиши ҳам шунча кўп бўлади. Бундай мосламалар қўллаш учун қувурда туғри участка танлаб олинади ва бу участкада диафрагмагача камида $8D$ масофада хеч қандай махаллий қаршиликлар булмаслиги керак. Диафрагмадан кейин ҳам камида $5 D$ масофада шундай қаршиликлар бўлмаслиги керак. Бу ерда D торайтирувчи мослама ўрнатилган қувур диаметри. Бу шарт бўзилса, қувурдаги газ оқими текислиги ўзгариб, босимлар фарқи нотўғри чиқади ва ҳисобланган сарфда ҳам хатолик катта бўлади. Нормал диафрагма ўрнатиш учун қувурнинг диаметри $d_{ш} > 50 \text{ мм}$ бўлиши керак ва қўйидаги шарт бажарилиши керак:

$$0,05 \leq m \leq 0,7 \quad m * d^2/D^2$$

d - диафрагма тешиги диаметри, (мм);

D - қувур диаметри, (мм).

Торайтирувчи мосламаларнинг ҳисоби, диафрагманинг диаметрини аниқлашга мүлжалланган. Диафрагманинг ҳисобини бажариш учун қўйидагилар маълум бўлиши керак: қувурнинг ички диаметри, қувурдаги максимал соатлик сарф қўлланиладиган дифманометрнинг максимал ўлчаш қобилияти, диафрагма олдидағи газнинг абсолют босими, газнинг абсолют хароратси, газ ўтиш даврида идеал газ конунларидан четга чиқиш коэффициенти, газнинг нормал шароитдаги зичлиги. Шу кўрсатгичлар асосида махсус торайтирувчи мосламаларни ҳисоблаш альбомидан фойдаланиб диафрагма ва соплолар ҳисобланади. Торайтирувчи мосламадаги босим пасайишга қараб қўйидаги ифода ёрдамида утган газнинг сарфини аниқлаш мумкин:



47-расм. Босимлар фарқи бўйича торайтирувчи мосламалар ёрдамида газ сарфи ўлчаш схемаси.

1-фланецлар; 2-диафрагма; 3-дифманометр; 4-газ босимини олиш камераси; 5-газ қувуридан газ босими импульсини олиш тешиги.

$$Q = 0,7760 \cdot \alpha \cdot \varepsilon \cdot d^2 \sqrt{\frac{P \cdot h_{20}}{\gamma \cdot T \cdot K}}, \text{ м}^3/\text{соат}$$

α - сарф коэффициенти;

ε - тузатиш коэффициенти (ўтаётган газнинг кенгайишини ҳисобга олувчи);

d - торайтирувчи мосламанинг диаметри, (мм);

P - газнинг абсолют босими, (ата);

T - газнинг абсолют ҳарорати (К);

K - идеал газ қонунларидан четга чиқиш коэффициенти;

h₂₀ - босимлар фарқи мм.сим.уст. ;

γ - газнинг зичлиги, (кг/м³)

2.29. Газ қувур лойиҳаси ва тармоқни йигиши

Турар жой газ қувури лойиҳаси қуидаги асосий элементлардан иборат: участка режаси (48-расм,а) 1:200 ёки 1:500 масштабда чизилади; унда биноларнинг жойлашиши, участка чегаралари, шаҳар ва ҳовли газ тармоқларининг жойлашиши, бинога кириш қувурларининг ўрни кўрсатилади;

биринчи қават режаси (48-расм,б) 1:100 ёки 1:200 масштабда чизилади; унда бинога кириш қувурининг ўрни ва диаметри, ички тармоқнинг жойлашиши ва диаметрлари, газ жиҳозлари ёки газ ўлчагичларнинг ўрни кўрсатилади;

юқори қават режаси (48-расм,в) худди биринчи қават режасидагидек масштабда чизилади: унда ички тармоқлар, жиҳозлар ва газ ўлчагичларнинг ўрни кўрсатилади;

газ қувур схемалари (48-расм,г) қувурлар ва уларнинг диаметри кўрсатилган масштабда чизилади.

Лойиҳада шартли белгилар эксплуатация берилади.

Газ қувур тармоқлари индустрiali усулда йиғилади. Газ қувурлар ЦЗМ да ўлчов эскизлари ёки ўлчов-монтаж карталари (49-расм) бўйича қора сув-газ қувурларидан тайёрланади.

Газ қувурлар руҳланмаган пўлат қувурлардан йиғилади ва арматура ҳамда жиҳозларга резба ёрдамида ёки пайвандлаб уланади. Устунлар ораёпмалардан ўтадиган жойларга қувур бўлакларидан гильзалар қўйилади. Гильза соф пол

белгисидан 50 мм ва шип сиртидан 5 мм чиқиб туриши керак. Резбали бирикмаларда зичлаш материали сифатида құрғошин сурик замазкани табиий алиф мойга ёки рухли белиларга аралаштириб тайёрланган модда шимдирилган зигир толалари ёки «ФУМ» лентаси ишлатилади.

Қувур ва арматуранинг бирикиш жойларини күздан кечириш учун қулай бўлиши керак, шуниниг учун бирикмаларни қаватлараро ораёпмалар, деворлар ва пардеворларга жойлаштиришга рухсат берилмайди. Ҳар бир қават ёки қават оралитиб, шунингдек, магистралда кетган ҳар бир тармоқдаги устунлар асосига сгонлар ўрнатиш лозим.

Одатда, ички газ қувурлар устун томонга 0,003 қияликда очиқ ўтказилиши лозим. Газ қувурлар сув тармоғи, канализацияси ва бошқа тармоқ билан туташган жойларда қувурлар орасида камида 20 мм, электр симлари ёки кабел билан туташган жойларда 100 мм масофа бўлиши лозим.

Тармоқнинг айрим участкаларини ва газ жиҳозларини узиб қўйиш учун газ қувур тармоқсига тиқинли газ кранлари ўрнатилади. Устунлардан хонадонларга кетадиган тармоқларга ва устунларга тиқинли чўян кранлар ўрнатишга рухсат берилади.

Газ қувурлар ва жиҳозларни узиб қўйиш учун қуидаги жойларга беркитиш қурилмалари ўрнатиш кўзда тутилади:


Агар бита кириш қувурсидан икки ва ундан ортиқ устун қилиш кўзда тутилса ва ҳар бир иккidan ортиқ қаватдаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаши лозим бўлса, ҳар бир устунга;

газ ўлчагичлар олдига;

ҳар бир газ жиҳози, иситиш печи ёки газ билан ёкишга ўтказиладиган бошқа агрегатлар олдига;

печлар ёки жиҳозларга борадиган тармоқларга.

Газ кранларида кран тиқинининг 90^0 чегарасида бурилишини чеклайдиган чеклагич бўлиши, тиқиннинг квадрат каллагида чизиқча бўлиши лозим. Чизиқча қувур ўқи йўналишида турса, кран очик, қувур ўқига кўндаланг турса, кран берк бўлади.




48-расм. Туар жой газ қувур лойиҳаси:

а-участка режаси, б-биринчи қават режаси, в-юқори қават режаси, г-газ қувури схемаси.

Кран ва задвижкалар горизонтал тармоқларга вертикал йўналган шпинделлар билан, вертикал йўналган тармоқларга эса деворга 45^0 бурчак остида ёки деворга параллел ўрнатилади.

Йигишдан олдин кран ва задвижкаларнинг герметиклигини текшириш, уларни қисмлар ажратиш,



артиш ва мириерал мой ёки тавот билан мойлаш керак.

49-расм. Газ қувур бўйича ўлчаш

монтаж картаси: а-схема, б-план.

Паст босимли газ қувурларнинг задвижкалари босими 1 кгк/см² бўлган сув ёки ҳаво билан мустаҳкамликка, затвор эса затворнинг қарама-қарши томонига бўр суркаб, керосин қўйиш йўли билан зичликка синалади. Агар 10 мин мобайнида кросин силқимаса, задвижкалар газ қувур тармоқларига ўрнатиш учун яроқли ҳисобланади. Паст босимли газ қувурларга ўрнатиладиган кранлар 1 кгк/см² босимли сув ёки билан мустаҳкамликка, копус, затвор ва бошқа элементлар эса босими 2000 мм сув уст.ли ҳаво билан зичликка синалади. Кранларни зичликка синаш пайтида зичлаш сиртлари яхшилаб ишқалаб мосланган бўлиши, 5 мин мобайнида босим пасайиши, 10 мм сув уст. дан ошмаслиги лозим. Нормал мойланган зичлаш сиртларида босим пасайишига йўл қўйилмайди.

Газ жиҳозларини ўрнатишда қуидаги асосий шартлар бажарилиши керак: плита корпусининг орқа девори билан хонанинг ёнмайдиган девори орасидаги масофа камида 50 мм бўлиши лозим. Сувалган ёғоч деворли ошхоналарда бу масофа 100 мм бўлиши керак. Агар плита орқасидаги деворга асбестли тунука қопланган бўлса, бу масофа қисқартирилиши мумкин.

Оқава газ сув иситгичларини ёнмайдиган материалдан қилинган деворларга ўрнатиш керак.

Сув иситкичлар ўрнатиладиган хоналарга ҳаво кириб туриши учун ешикнинг тагига ёки деворнинг пастки қисмига панжара ўрнатиш кўзда тутилиш ёки ешик Билан пол орасида тирқиши қолдирилиши лозим. Ҳаво кирадиган тешикнинг юзаси камида 0,02м² бўлиши керак.

Йифилган газ қувур қуидаги талабларга жавоб бериши шарт: устунлар вертикал ўтказилиши, горизонтал участкалар эса зарур қиялиқда бўлиши керак; қувур илгаклар, хомутлар ва ҳ.к. билан пухта бириктирилиши лозим; резбали бирикмалар синчиклаб бажарилиши ва улардан зигир толалар чиқиб қолмаслиги керак; йифилган тармоқ ва ўрнатилган жиҳозларнинг ташқи кўриниши кўркам бўлиши лозим.

Газ қувурни йифишида ҳам худи санитария техникаси тизимларини йифишдаги бошқа ишларни бажаришда риоя қилинган хавфсизлик техникаси қоидаларини бажариш керак.

2.30. Газ тўлдириши станциялари (ГТС)

Газ тўлдириш станцияларининг вазифаси истемолчиларни суюлтирилган газ билан таъминлашдир. ГТСда суюқ газ қабул қилиниб маҳсус резервуарларга қуиб, омборларда сақланади, сўнгра газ болонларга, автоцистерналарга қуишиб, истемолчиларга юборилади. Суюлтирилган газ темир йўл орқали маҳсус цистерна-вагонларда газ-бензин ёки нефтни қайта ишлаш заводларидан келтирилади. Цистерналар икки хил бўлади.

Пропан ташиш учун мўлжалланган цистерналар ҳажми 51 м^3 бўлиб, ишчи босими 2,0 МПа га мўлжалланган. Бу цистернанинг 84% ҳажм суюқ пропан билан тўлдирилади. Шунда суюқ пропаннинг оғирлиги 21,6 т ни ташкил қиласи.

Бўтган учун мўлжалланган цистернанинг ҳажми 60 м^3 бўлиб, улар 0,8 МПа босимга мўлжаллангандир. Уларнинг 90% ҳажми суюқ бўтган билан тўлдирилади. Шунда бўтанинг оғирлиги 35 т ни ташкил қиласи. Бу цистерналарнинг синалиш босимлари ишчи босимга қараганда 1,5 барбар кўп бўлади, яъни: пропан учун 3 МПа; бўтган учун 1,2 МПа.


ГТСда газни қабул қилиб олиш, уни қуиши, сақлаш, баллон ва автоцестенналарга қуиши учун қуидаги бўлим ва цехлар бўлади:

- 1) темир йўл шахобчаси ва тўкиш эстакадаси;
- 2) газ сақлаш омборлари; улар асосан пўлат резервуарлардан иборат бўлиб ҳар хил ҳажмида бўлиши мумкин;
- 3) насос-компрессор цехи;
- 4) газ баллонларини тўлдириш цехи;
- 5) автоцистерналарни тўлдириш колонкаси;
- 6) автоторози.

ГТСнинг газ омбори резервуарларнинг умумий ҳажми 2000 m^3 дан кўп бўлса, ГТС худуди ёнмайдиган девор билан иккига бўлинади.(50-расм). Биринчи асосий бўлимда айтиб ўтилган бўлимлар ва цехлар жойлашади. Иккичи, ёрдамчи қисмида эса административ бинолар, омбор, ёнғинга қарши сув сақлаш хавзаси, сув босимини таъминловчи минора, автогараж ва бошқа ёрдамчи бино ва иншоотлар жойлашади. Одатда ГТС аҳоли яшаш пункти чегарасидан ташқарида бўлиши керак. ГТСда сақланаётган газларнинг миқдорига қараб аҳоли пункти чегарасидан, автомобил, темир йўллардан ва бошқа иншоотлардан ГТС деворларигача бўлган масофа $40\%300\text{m}$ бўлиши керак. Бу масофа танланганда сақланаётган газларнинг миқдори, иншоотларнинг турлари, уларда ёнғин чиқиш ҳавфининг даражаси, ҳамда ГТС газ омборидаги резервуарларнинг ерга кўмилганлиги ёки ер устидалигини эътиборга олиш керак.

ГТСнинг газ омборида резервуарлар гурухларга бирлаштирилган ва бунда гурухлардаги резервуарларнинг умумий ҳажми қўйидагидан кўп бўлмаслиги керак:

- а) агарда омборнинг умумий ҳажми 2000 m^3 гача бўлса, 1 та гурухдаги резервуарларнинг умумий ҳажми 1000 m^3 дан ошмаслиги керак;
- б) агарда омборнинг умумий ҳажми $2000\%8000\text{ m}^3$ бўлса, газ резервуарлари гурухларнинг умумий ҳажми 2000 m^3 дан ошмаслиги керак.



50-расм. ГТС бош режаси.

1-технологик цехлар; 2-суюлтирилган газ сақлаш омбори; 3-суюлтирилган газни темир йўл цистерналаридан тушириш эстакадаси; 4-тушуриш резервуарлари; 5-автокалонка; 6-ёрдамчи хўжалик бинолари; 7-автоторози; 8-трансформатор подстанцияси; 9-сув резервуарлари; 10-сув босимини таъминловчи минора; 11-генератор; 12-автомабиллар туриш жойи; 13-ашёлар омбори.

Газ омборида ўрнатилган резервуарлар атрофи тупроқ билан марза сифатида ўралади. Бундан мақсад, агарда резервуарлар тешилиб қолса, газ бошқа жойга тарқалмасдан шу марза ичидаги сақланиши керак.

Гурухда жойлашган резервуарларнинг орасида масофа камида 2 м бўлиши керак. Энг четдаги резервуар билан марзанинг асосигача 1 м бўлиши керак. Марзанинг энг тор қисми камида 0.5 м бўлиши керак. Гурух резервуарларининг умумий ҳажми 2000 m^3 гача бўлса, гурухлар орасидаги масофа камида 5 м бўлиши керак. Агарда гурух резервуарларининг умумий ҳажми $201\frac{1}{4}700 \text{ m}^3$ бўлса, унда гурухлар орасидаги масофа камида 10 м бўлиши керак; $701\frac{1}{4}2000 \text{ m}^3$ бўлса 20 м. Бунга сабаб, сақланаёт газнинг миқдори ошган сари унинг ҳафи ҳам ошиб боради.

ГТС га келтирилган суюқ газни цистерналардан омборга тушириш икки хил усулда бўлиши мумкин: агарда омборда резервуарнинг ўрнатилиш сатхи темир йўл цистернасидан паст бўлса унда газ ўз-ўзидан резина шланг ёрдамида оқизиб тушириб олиш мумкин. Бунинг учун омбордаги резервуар тепа қисми резина қувур ёрдамида цистернага уланади. Цистернага суюқ газнинг буғ фазаси ўтказилади. Иккинчи резина қувур орқали суюқ газ омбор резервуарига туширилади. Бу усулда газ тушириш кўп вақт талаб қиласи. ГТС ларда асосан насос-компрессор усули қўлланилади. Компрессор омбор резервуарларидан пропан ёки бўтанинг буғини сўриб олиб, цистернанинг тепа қисмига ҳайдалади. Бунда иккичи резина қувур орқали суюқ газ омборга оқиб туша бошлайди. ГТСдаги насос ва компрессорлар ёрдамида суюқ ёки газнинг буғ фазасини турли йўналишда узатиш мумкин. Бунинг учун ГТС ҳудудида суюқ фаза ва буғ фазаси тармоқлари ўтказилгандир.

Балонлар газ тўлдириш цехида насос ёрдамида тўлдирилиб тайёр маҳсулот омборига қўйилади. Ҳажми 50 л ли баллон тўлдириш учун 5-8 мин вақт кетади ва унга 20 кг суюлтирилган газ қўйилади. Балон тўлдириш коэффиценти 80-85%.

2.31. ГРП ларни жойлаштириш ва ГРП биноларига қўйиладиган талаблар

ГРП ларнинг киришдаги босимга қараб, ҳамда уларнинг қўлланилишига қараб улар алоҳида бинода, бино деворига ёки алоҳида таянчга ўрнатилган металл шкафларда жойлашиши мумкин.

Алоҳида ГРП ларни боғларда, хиёбонларда, мавзелар орасида саноат корхоналарининг ҳудудида жойлаштириш мумкин. Бунда ГРП дан бошқа биноларгача бўлган масофа ГРП га киришдаги газнинг босимига боғлик бўлиб, қўйидагича бўлиши керак: газнинг киришдаги босими 0,6 МПа гача бўлса бино, темир йўл ва трамвай йўлигача камида 10 м, автомобиль йўлигача 5 м, электр узатиш таянчларигача камида 1,5 Н (Н-таянч баландлиги). Агарда киришдаги газнинг босими **0,6÷1,2 МПа** бўлса, биноларгача, темир йўлгача -15 м, автомобиль

йўлигача -8 м, электр узатиш таянчгача-1,5 Н. Шкафли ГРП лар газлаштирилаётган бино деворларида ёки бўлмаса, алоҳида устунларга ўрнатилиш мумкин. Бино деворига ўрнатилган пайтда бино девори ІІ-даражали ўтга чидамли бўлиши керак ва ёнгин чиқиши хавфи бўйича “Г” ва “Д” категориядаги бинолар бўлиши керак.

Шкафли ГРП лар киришдаги газ босими $P \leq 0,3 \text{ МПа}$ бўлса, унда шкафли ГРП дан бино эшик ёки деразасигача бўлган масофа камида 3 м бўлиши керак.

Агарда киришдаги босим $P \leq 0,3 \div 0,6 \text{ МПа}$ бўлса, ушбу масофа камида 5 м бўлиши керак. Бундан ташқари, шкафли ГРП билан унинг тепасидаги дераза орасидаги вертикал масофа камида 5 м бўлиши керак.

Стационар ГРП лар I ва II-ўтга чидамлилик даражасига эга бўлган биноларга жойлаштирилади. Бунда бу бинонинг томи енгил конструкциядан тузилган бўлиши керак. Чунки ГРП да портлаш юз берганда, ГРП биносига катта зарар тегмаслиги учун унинг томи енгил бўлиши керак. Портлаш юз берганда портлаш тўлқини томни отиб юборади ва атмосферага чиқиб кетади ва бино деворлари эса унча зарар кўрмайди.

Агарда ГРП томи оғир конструкциядан тузилган бўлса, бунда ГРП нинг дераза, эшик, вентиляция канали ва ёруғлик тушиш фонарларнинг умумий юзаси ГРП биносининг ички ҳажмининг хар бир метр куб. га 500 см^2 ҳисобидан олиш керак. Шунда портлаш тўлқини эшик, деразаларни уриб чиқариб ташқарига чиқиб кетишига улгуради ва бино деворлари унча шикаст кўрмайди. ГРП эшиклари ташқарига очилиши керак. ГРП биносидаги пол кийин ёнадиган материалдан бўлиши керак. Бундан ташқари, у учкун бермайдиган материалдан бўлиши керак. Чунки ГРП ларда ишчилар ишлаётганда қўлидаги болғаси ёки бошқа жиҳозлари тушиб кетса, полга урилганда учқун чиқмаслиги керак. ГРП нинг иситиш системаси сувли бўлиши керак ва унинг максимал харорати 130°C дан ошмаслиги керак. Буғли иситиш системаси ҳам қўллаш мумкин. Агарда бундай системалар

яқин орада бўлмаса, ГРП ни печ ёрдамида иситиш мумкин. Бунда иситиш пеши металл герметик қобиққа эга бўлиб, ўтхонаси ГРП нинг асосий хонаси билан туташмаган ёрдамчи хона тарафда бўлиши керак.


ГРП ичидаги ҳаво харорати 5°C дан кам бўлмаслиги керак. ГРП ларда электр иситиш системаси ҳам қўллаш мумкин. Лекин бунда бундай система портлашдан сақланган конструкцияда бўлиши керак.

ГРП биносининг вентиляцияси табиий бўлиб, бир соатда уч карра ҳавони алмаштириш қобилиятига эга бўлиши керак. Вентиляция учун ГРП лар томига дефлекторлар ўрнатилади. ГРП биносининг ёритилиши электр ёрдамида бўлиб, электр системаси портлашдан сақланган конструкцияда бўлиши керак. Электр симлари қувур ичидан ўтган бўлиши керак, ёритгичлар герметик қобиқ тагида бўлиши керак: агар бу шартни бажариш мумкин бўлса, унда ГРП биносини ёритиш учун ГРП нинг ташқи деворида дераза тепасига ўрнатилган оддий лампочкадан фойдаланиш мумкин. Бунда лампочканинг нури деразадан ГРП ичига тушиб, ГРП хонасини ёритади. Бундай ёритишни “кососвет” дейилади. ГРП ичига технологик тармоқ билан девор орасидаги масофа камида 40 см бўлиши керак. Асосий иш жойининг эни эса 80 см дан кам бўлмаслиги керак.

2.32. Газ тақсимлаш станциялари (ГРС)

Магистрал газ қувурларидан шаҳар, қишлоқ ва саноат корхоналари газлаштириш системаларига ГРС лар орқали газ берилади (51-расм). ГРСларда газ босими бу системалар учун зарур бўлган миқдоргача пасайтирилиб, бир хилда ушлаб турилади. ГРС ларнинг шаҳар ва корхона ГРП ларидан фарқи, уларнинг магистрал газ қувурларидан газ олишидир. Шунинг учун уларнинг ускуналари магистрал газ қувурларидаги ишчи босимга, яъни $5,5; 7,5 \text{ M}$ пага мўлжалланган. Бундан ташқари, ГРС ларнинг газ ўтказиш қобилияти жуда катта бўлади ($100 \div 200$ минг $\text{m}^3/\text{соат}$ ва ундан катта). Шунинг учун ГРС ларда бир нечта параллел ўрнатилган босим созлагичлар ишлатилади. ГРС ларда газни механик

қўшимчалардан тозалаш билан бирга уни одоризация ҳам қилинади ва газ сарфи ўлчанади. Баъзи бир ГРС ларда босимни пасайтиришдан олдин газни иситиш ҳам қўлланилади. Бунга сабаб, газ босими пасайтириш даврида газнинг харорати жуда пасайиб кетади ва созлагич клапанида гидратлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолни олдини олиш учун босим созлагичдан олдин маҳсус газ қиздириш ускунаси ўрнатилиб, у газни босим созлагичга беришдан олдин хароратни ошириб беради ва клапанни музлаб қолиш олдини олади. ГРС лар шаҳар, қишлоқ ва йирик саноат корхоналарини газ билан таъминлаганлиги учун ундаги ускуналар ишдан чиққанда газ таъминоти бўзилмаслиги учун ҳимоя автоматикаси газни беркитишга эмас, балки резерв тармоқсини ишга солишга мўлжаллаб тузилгандир. Шунинг учун ГРС ларда ПЗК ишлатилмайди.



51-расм. Газ тақсимлаш станцияси (ГРС) схемаси.

1-пневматик бошқарилувчи кран; 2-РД-80 босим созлагич; 3-кран; висцинли сузгич; 5-газ қиздиргич; 6-чиқарыб ташлаш қувури.

Одатда ГРС ларда уч ва ундан ортиқ созлаш тармоқлари бўлиб, улардан бири резерв, қолганлари ишчи тармоқдир.

Хар бир ишчи созлаш тармоғида созлаш клапанидан ташқари назорат клапани ҳам ўрнатилған. ГРС нормал иш режимида ишчи тармоқдаги назорат клапани очиқ ҳолда бўлади. Чунки улар ишчи тармоқдаги назорат клапани очиқ ҳолда бўлади. Чунки улар ишчи босимдан юқоририоқ босимга мўлжалланиб

созланган. Резерв тармоқ клапанлари ҳисобий босимдан пастроқ босимга созланган. Шу сабабдан улар ёпиқ ҳолда бўлади. Агар асосий ишчи клапан авария ҳолати бўйича очилиб, чиқищдаги босим ошиб борса, назорат клапани ишга тушиб, босимнинг хаддан ташқари ошиб кетишини тўхтатади ва керак миқдорда ушлаб туради. Агарда асосий ишчи клапан авария ҳолати бўлиб ёпилиб, чиқищдаги босим пасайиб кета бошласа, резерв тармоқ ишга тушиб босим пасайиши тўхтатилади.

Автоматик ГРС лар ваҳтасиз ишлашга мўлжалланган бўлиб, уларда назорат-ўлчов жиҳозлари, ҳимоя автоматикаси, зажвижка ва кранларни узоқдан бошқариш системалари ва авария сигнализация системалари билан жиҳозлангандир. Бундай ГРС ларни иккита оператор уйидан туриб бошқариб боради. Агарда ГРС да авария ҳолати рўй берса, иккала оператор уйида овозли ва чироқли сигналлар ишлаб, операторларни ГРС келишга чақиради. Операторлар уйи ГРС дан 300 ÷ 500 м масофада жойлашиши керак.

2.33. Газ қувурларини синаш ва ишга қабул қилиш

Қурилиш жараёнида ер ости газ қувурлари айрим пўлат қувурларни пайванд қилиш билан бир-бировига уланиб йигилади. Пўлат қувурлар қурилиш жойига келтиришдан олдин изоляция базаларида коррозияга қарши изоляция билан копланади. Газ қувурларини қуришида алоҳида қувурларни хандақдан ташқарида бир-бировга пайванд қилиб, кейин хандаққа тушириш мумкин. Уланган газ қувурларининг пайвандланган жойлари вақтинча изоляция қилинмаган бўлади. Қувур хандаққа туширмасдан олдин хандақ тагининг текислиги, унинг чуқурлиги ва нишаблиги лойиҳа бўйича текширилади. Агарда лойиҳага нисбатан нотўғри жойлар бўлса тўғриланади.

Газ қувурларини синаш икки хил бўлади: биринчи синов-мустахкамликка синаш бўлиб, уланган қувурларнинг иккита охирги боши пайвандлаб беркитилади ва қувурларнинг устига 25 см да тупроқ ташалади. Лекин пайванд қилинган

жойлар изоляция қилинмаган ва очиқ ҳолда қолиши керак. Сўнг, газ қувурига компрессор ёрдамида сиқилган ҳаво хайдалади. Берилаётган ҳавонинг босими газ қувури қандай босимга мўлжалланганлигига боғлиқ.

Қувурга ҳаво берилиб, шундай босимда қувур уч соат ушлаб турилади. Шундан сўнг, ҳавонинг босими газнинг ишчи босимига пасайтирилади ва пайванд жойлари, задвижка ва бошқа ускуналар, уланган жойлари совун кўпиги суртиб ҳаво чиқаётган ёки чиқмаётганлиги аниқланади. Ҳаво чиқаётган жойлар ҳаво босими пасайтирилгандан сўнг тузатилади. Бу ишлар тузатилгандан сўнг, қувурларнинг уланган жойлари изоляция қилинади ва хандақ тўлиқ қумилиб, синовнинг иккинчи турига-зичликка синашга утилади. Зичликка синов қилишдан олдин газ қувурларининг уланган пайванд жойлари коррозияга қарши изоляция билан корежасиб, қувур тула қумилган бўлиши керак. Шундан сўнг, газ қувурига сиқилган ҳаво берилиб, манометр уланади ва маълум вақтдан сўнг манометрга қараб қанчага босим пасайганлиги аниқланади. Синовлар даврида сиқилган ҳавонинг босими газ қувурининг турига боғлиқ бўлиб, кўйидагича бўлиши керак:

Газ қувурлари тури	синов босими МПа	
	мустахкамликка	зичликка
Паст босим (5000 Па гача):		
а) тақсимлаш газ қувури	0,6	0,1
б) ховли газ қувурлари ва биноларга кириш газ қувурлари		
диаметри 100 мм гача бўлса	0,3	0,1
Ўрта босим (5000 Па дан 0,3 МПа гача)	0,6	0,3
Юқори босим (0,3 ÷ 0,6 МПа)	0,75	0,6
Юқори босим (0,6 ÷ 1,2 МПа)	1,5	1,2

Зичликка синаш қувурга ҳаво қамалгандан сўнг 24 соатдан кейин бошланади. Чунки бу давр ичида қувурга қамалган синовчи ҳавонинг харорати қувур кўмилган ернинг харорати билан тенглашиши учун берилади. Зичликка синаш даврида қамалган ҳавонинг бошланғич босими ва бир-икки соатдан кейинги манометринг иккинчи кўрсатгичи аниқланади. Бу кўрсаткичлар фарқи зичликка синов давридаги босим пасайишини кўрсатади.

Зичликка синаш 3 соатдан 48 соатгача давом этиши мумкин. Рухсат этилган босим пасайиши қувур диаметрига ва синов даврининг муддатига боғлик бўлиб, қўйидаги формула билан аниқланади:

а) бир хил диаметрдаги қувурдан ташкил топган газ қувури учун

$$\Delta P * 20T/d,$$

ΔP - рухсат этилган босим пасайиши, (кПа) ;

T - синов даври, (соат);

d - қувур диаметри, (мм).

б) агарда газ қувурлари хар хил диаметрдан иборат бўлса,

$$\Delta P \leq 20 T (d_1 l_1 / d_2 l_n] + \dots + d_n l_n) / d_1^2 l_1 / d_2^2 l_n] + \dots + d_n^2 l_n$$

l₁, l₂.... l_n - хар хил диаметрдаги қувурларнинг узунлиги, м.

Агарда синов босими симоб устунида олинса, бу формулалар қўйидагича куринишга эга бўлади:

$$P * 0,3 T / d, \text{ мм.сим.уст.}$$

Агарда газ қувури хар хил диаметрда бўлса:

$$\Delta P \leq 0,3 T (d_1 l_1 / d_2 l_n] + \dots + d_n l_n) / d_1^2 l_1 / d_2^2 l_n] + \dots + d_n^2 l_n$$

d - қувур диаметри, (м).

Уй ичи газ қувурлари 500 мм. сув.уст. босимида ҳаво билан синалади. Бунда сиқилган ҳаво уч соат ушлаб турилиб, шундан сўнг манометринг биринчи кўрсаткичи ёзилади. Шундан кейин 15÷20 мин.дан кейин иккинчи кўрсаткичи

ёзилади. Шу даврда ҳавонинг босим пасайиши 5 мин да 20 мин. сув. уст. дан ошмаслиги керак.


Саноат корхона газ қувурлари 1000 мин. сув. уст. босимда ҳаво билан синалади. Бунда босим пасайиши 1 соатда 60 мин. сув уст. дан ошмаслиги керак. Эксплуатацияга газ қувурларини комиссия қабул қиласи. Комиссия таркибида шаҳаргаз ёки газ инспекцияси ходимлари қатнашади. Қабул қилиш пайтида комиссия қурилиш монтаж ишларининг лойиҳага асосан бажарилганлигини, ишлар сифатини, бажарилган ишларнинг техник шартларига тугри келиши текширилади. Шундан сўнг газ қувури ишга қабул қилинади. Агарда газ қувурига 6 ой давомида газ берилмаса, бу вақт ўтгандан сўнг, газ беришдан олдин газ қувурларини қайтадан синовдан ўтказиш керак.

2.34. Янги газ қувурларини ишлаётган газ қувурларига улаш

Улаш ишларини бажаришдан олдин ишлаётган газ қувурларидаги газ босими $200 \div 1200$ Па гача пасайтирилиши керак. Агарда газ бутунлай беркитилиб ёки унинг босими 200 Па дан паст бўлса, газ қувурини кесиш даврида унинг ичига ҳаво кириб, қувурда портловчи газ-ҳаво аралапшмаси ҳосил бўлиши мумкин ва газ қувурини портлашга олиб келиши мумкин.

Агарда босим 1200 Па дан юқори бўлса, кесиш даврида ҳосил бўлган аланга пайвандловчи ва ишчини куйдириш мумкин. Бундан ташқари, босим кўп бўлса, пайванд чоклари ғовак бўлиб, керакли зичликни ва мустахкамликни таъминлай олмайди. Янги газ қувурларини улаш чоғида хар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “козўрек” усули, учма-уч улаш, кесма муфта ёрдамида улаш, телескоп усулида улаш ва бошкалар.

“Козўрек” типидаги улаш усули (52-расм) кўйидаги тартибда олиб борилади:



52-расм. Янги қувурни ишлаб турган газ қувурига “козурек” усулида улаш схемаси.

1-янги уланаётган қувур;
 2-ишлаб турган газ қувури;
 3- кесиб олинадиган қувур девори; 4- “козурек”; 5-такта тикин (диск)
 6-пайванд чоки; 7-уланувчи қувур булаги; 8-стержень; 9-накладка.

- 1) Уланадиган газ қувурининг ва ишлаб турган газ қувурининг улаш жойидаги изоляцияси кучирилади ва бу жойлар тозаланади;
- 2) Янги газ қувурининг учидаги тикини (заглушкаси) кесиб олиб ташланади;
- 3) Иккита газ қувури орасидаги масофага мулжаллаб диаметри янги газ қувурига тенг бўлган бир булак қувур кесиб тайёрланади;
- 4) Шу қувур бўлагида “козурек” кесиб олинади; бундан мақсад ишлаб турган газ қувурининг девори кесилганда уни чиқариб олишга керак;
- 5) Ишлаб турган газ қувури деворида диаметри уланаётган газ қувурининг ички диаметрига тенг бўлган айлана чизилади ва шу айлана марказига узунлиги 250 мм, қалинлиги 8 мм бўлган стержен пайвандланади; бу стержен ёрдамида кесилган қувур деворини чиқариб олинади;
- 6) Ишлаб турган газ қувури девори чизилган айлана бўйича юқоридан пастга қараб газ пайвандлаш-ўирўиш жиҳози билан кесилади; бунда ҳосил бўлган аланга суюқ лой билан чаплаб учирилади ва кесиш давом эттирилади. Деворнинг энг паст қисмида $5 \div 7$ мм жойи кесилмайди;
- 7) “Козурек” кесиб олинган қувур булаги янги газ қувурига ва ишлаб турган газ қувурига пайванд қилинади; “Козурек” кесиб олинган тешик орқали

пайвандланган қувур булаги ичига вақтингчалик тахтадан тайёрланган тикин үрнатилади;

- 9) “Козўрек” ни уз жойига үрнатиш учун четлари туғрилаб текисланадт;
- 10) Үрнатилган ёғоч тикин чиқарыб олиниб, кесилган деворни ушлаб турган кичик қувур девор булаги рангли металдан тайёрланган болга билан уриб синдирилади ва стержен ёрдамида чиқарыб олинадм;
- 11) “Козўрек” кесилган жой устига намланган асбест листи қўйилиб, устидан “козўрек” бостирилади ва пўлат сим билан қувурга махкам қилиб bogланади. Бу иш жараёнида қувур ичидаги хеч қандай нарсаларни колдириш мумкин эмас. Шундан сўнг янги газ қувури ишлаб турган қувурдаги газ ёрдамида секин-аста хайдалиб, янги газ қувуридаги ҳаводан тозаланади. Ҳайдаш даврида газ-ҳаво аралашмаси янги газ қувурининг охирги участкасидаги конденсат йиғгич, гидрозатвор ёки бинога чиқарилган тик газ қувуридаги штупер орқали газ-ҳаво аралашмаси атмосферага чиқарыб юборилади. Ҳайдаш тугаганлигини чиқаётган аралашманинг намунаси олиб текширилади. Бунда кислород миқдори 1 % дан кам бўлиши керак. Шундан сўнг “козўрек”, ўз жойига пайвандланади ва пайванд чоклари текширилиб, “козўрек” устидан, уни $1 \div 2$ см қоплайдиган қилиб $3 \div 4$ мм қалинликдаги металдан тайёрланган лист пайванд қилинади. Бундан мақсад пайванд қилинган жойнинг мустаҳкамлигини оширишдир;
- 12) Пайванд чоклари тозаланиб, изоляция билан қопланади;
- 13) Янги уланган жойга назорат найчаси үрнатилиб, хандақ кўмилади. Шу билан улаш ишлари якунланади.

2.35. Газ қувурларини ва газда ишловчи агрегатларни ишга тушириш

Монтаж ишлари тугалланмаган ёки комиссия томонидан қабул қилинмаган газ қувурларини эксплуатация қилишга рухсат этиш мумкин эмас.

Газ қувурини ишга тушириш учун қўйидаги хўжжатлар бўлиши зарур:

- 1) қабул қилиши акти;

- 2) инженер техник ходимлардан газ хуҗалигини бошкариши учун масъул ходим тайинланганлиги туғрисида корхона бошлигининг бўйруғи бўлиши керак;
- 3) инженер-техник ходимларни ўқитилганлиги туғрисида ва уларнинг билимлари текширилганлиги тўғрисида ҳуҗжат бўлиши керак;
- 4) Ҳар бир газда ишловчи қурилма ёки ускуна учун уни ишлатиш қонун-қоидалари келтирилган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган йўриқномаси бўлиши керак.

Бундан ташқари, ҳар бир агрегат учун газ қувурларининг чизмаси бўлиши керак. Корхонага газ очиш корхона ишчилари томонидан Шахар газ ёки Туман газ ходимлари назорати остида олиб борилади.

Мураккаб агрегатларни ишга тушириш ва улар ишини созлаш ихтисослашган ишга туширувчи ва созловчи корхоналар томонидан олиб борилади. Масалан: “Газналадка”, “Узспецэнергогаз” ва бошқалар.

Янги газ қувурлари куриб битирилгандан кейин газ беришдан олдин яна бир бор назорат учун газ қувурлари ҳаво билан зичликка синалади. Ташқи, куча ер ости ва ер усти газ қувурлари 20 кПа (2000 мм.сув.уст.) босимида синаб курилади. Бунда 1 соат давомида босим пасайиши 100 Па (10 мм.сув.уст.) дан ошмаслиги керак. Уй ичи газ қувурлари 4 кПа (400 мм.сув.уст.) босимида ҳаво билан синалади. Бунда 5 мин.да босим пасайиши 200 Па (20 мм.сув.уст.) дан ошмаслиги керак. Саноат корхоналари, ҳамда майший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ички газ қувурлари 10 кПа (1000 мм.сув.уст.) босимида ҳаво билан синалади. Бунда босим пасайиши 1 соатда 600 Па дан (60 мм.сув.уст.) ошмаслиги керак.

Синов даврида босим пасайиши нормада болгилангандан ошмаса, янги газ қувурига газ очиш мумкин. Бунинг учун задвижка ва газ қувури фланецлари орасидаги тешиги йўқ қистирма олиниб, унинг ўрнига одатдагидек паронитдан тайёрланган қистирма қуилиб, фланецлар болтлари махкамланади. Ундан сўнг,

задвижкани секин аста очиб, газ қувурига газ берилади. Янги газ қувурида ҳаво бўлганлиги сабабли уни газ билан тозалаш керак. Шу мақсадда янги қувурнинг охирги участкасидаги конденсат йигтич ёки гидрозатворнинг найчасига $d_{ш} * 25$ мм бўлган $2 \div 2,5$ м узунликдаги қувур уланади ва шу қувур орқали ишга туширилаётган қувурдаги газ-ҳаво аралашмаси атмосферага чиқарилади. Хайдовчи газнинг босими паст босимли газ қувури бўлса, унда босимга ($0,003 \div 0,005$ МПа) тенг бўлади. Агар ўрта ёки юқори босим газ қувури бўлса, унда задвижка аста секин очилиб, хайдовчи газнинг босими $0,005 \div 0,01$ МПа гача бўлиши керак. Газ бундан кўп очилса, қувурдаги газ-ҳаво аралашмасининг тезлиги ошиб кетиб, қувурга тушиб колган тош, метал парчаларини катта тезлик билан учирив кетади ва улар қувур деворига урилишидан учкун чиқиши ва қувурдаги газ-ҳаво аралашмаси портлаши мумкин.

Қозонхона, саноат корхоналари цехлар газ қувурлари чиқариб ташлаш қувурлари орқали газ-ҳаво аралашмасидан тозаланади. Газ-ҳаво аралашмаси бино томидан $1 \div 1,5$ м баландликка кўтарилиган чиқариб ташлаш қувурлари орқали хайдалади. Уй ичи газ қувурлари эса, бинодаги энг юқорикаватдаги охирги газ плитасининг сопласига резина шланг уланиб, шлангнинг иккинчи учи дераза орқали ташқарига чиқариб турилади ва шундай қилиб газ қувуридаги газ-ҳаво аралашмаси хайдалишида таъминланади. Хайдалаётган аралашмани вентиляцион канал ёки қозон ва печларнинг муриларидан чиқариш мумкин эмас. Бундан ташқари хайдалаётган газ-ҳаво аралашмаси дераза ва эшиклар орқали бошқа хоналарга киришини олдини олиш керак. Газ ҳаво аралашмасидаги кислороднинг миқдори 1 % дан кам бўлса, ҳайдашни тўхтатиш мумкин.

Ҳар бир янги газ қувурларига ишга тушириш жараёнида паспорт тузилади. Бу паспортга иш даврида бажарилаётган ҳар қандай тузатиш ишлари туғрисида маълумотлар, айрим қисмларига киритилган ўзгаришлар ва бошқалар ёзиб борилади.

2.36. Иситиш қозонхоналарини газлаштириши

Иситиш қозонхоналарини қаттиқ ёқилғидан газ билан ишлашга ўтказиш учун қозонхонага газ қувур ўтказиш ва уни шаҳар тармоғига улаш, автоматик бошқариш жиҳозлари ва горелкалар ўрнатиш керак.

Газлаштирилган қозонхоналар қўшни хоналардан ёнмайдиган девор билан ажратилиши ёки хонадонва бошқа хоналарга боғлиқ бўлмаган ешиги бўлиши керак.

Бундай қозонхоналарда бўлимли чўян қозон энг кенг тарқалаган. Бундай қозонни қаттиқ ёқилғидан газ билан ишлашга ўтказиш учун пастки эшиги олиб ташланади ва ўрнига горелка маҳкамланадиган плита ўрнатилади.

Газ билан ишлайдиган қозонларда қуйидаги автоматика жиҳозлари ва контрол ўлчаш жиҳозлари бўлиши лозим: ҳар бир қозон ёки агрегатдаги ва лозим бўлса, горелка олдидаги газ босимини ўлчайдиган жиҳоз; горелкалар ва вентилятор ҳаво йўлидаги ҳаво босимини ўлчайдиган жиҳоз, ўтхона ёки боров шибериғача сийракланишини ўлчайдиган жиҳоз.

Газ босимини нормалдан оғганда, асосий горелкаларнинг алангаси ўчиб қолганда, дудбурон яхши тортмаганда, шунингдек, ҳаво мажбуран юбориладиган горелкалар билан жиҳозланган қозонларга ҳаво бериш тўхтаганда автоматика жиҳозлари газ берилишини ўз-ўзидан тўхтатади.

2.37. Газ қувурларни синаши

Туар жой, иситиш ва ишлаб чиқариш қозонхоналари, коммунал-хўжалик ва саноат корхоналарида газ қувурларнинг зичлиги шаҳар газ хўжалиги хизмати вакили ёки буюртмачи иштирокида монтаж ташкилоти томонидан синалади.

Синашда ўлчаш аниқлигини таъминлайдиган қуйидаги жиҳозлар қўлланилади: газ қувурдаги босим $1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ гача бўлганда сув, керосин ёки симоб

түлдирилгандай U-симон манометрлар, босым 1 кгк/см² дан ошик бўлганда класси 1,5 дан паст бўлмаган пружинали манометрлар ишлатилади.


Туар жой ва жамоат биноларидан ҳамда коммунал-маиший объектлардаги паст босимли газ қувурлар $1 \text{ кгк}/\text{см}^2$ босимли ҳаво билан газ ўлчагичлар ва газ жиҳозлари ўрнатмай мустаҳкамликка, 400 мм сув уст. босимида газ ўлчагичлар ва газ жиҳозларини улаб зичликка текширилади. Агар газ ўлчагичлар бўлмаса, газ қувурлар 500 мм сув устуни босимли ҳаво билан зичликка синалади.

Агар босимнинг пасайиши 5 мин мобайнида 20 мм сув уст. дан ошмаса, газ қувур ишга яроқли ҳисобланади. Агар босим йўл қўйилган миқдордан ортиқ пасайса, қувурга совун емул сияси суркаш йўли билан газ чиқаётган жой аниқланади, сўнгра нуқсонлар тузатилади ва газ қувур яна синалади.

Газ қувурнинг зичлиги камида 1 соат мобайнида синалиши лозим. Белгиланган вақт мобайнида босимнинг пасайиши 60 мм сув уст.дан ошишига йўл қўйилмайди.

Босими 1 кгк/см² гача бўлган ўрта босимли газ қувурларнинг мустаҳкамлиги 2 кгк/см² босимли ҳаво билан ва зичлиги 1 кгк/см² босимли ҳаво билан синалади. 1 соат мобайнида зичликка синашда босимнинг пасайиши 1,5 % дан ошмаслиги керак.

Автоматика жиҳозлари газ қувур билан биргага иш босимида, лекин 50 мм сув уст. дан паст бўлмаган босимда фақат зичликка синалади.



53-расм. Кичик габаритли КМ-70 компрессори:

1-электр двигатель, 2-кривопишишатунли механизм, 3-поршень, 4-цилиндр, 5-фильтр, 6-эгилувчан шланг, 7-канал, 8-манометр, 9-включатель, 10-яентилятор.

Коммунал-хўжалик, саноат корхоналари, иситиши ва ишлаб чиқариш қозонхоналаридаги ўрта босимли газ қувурлар мустаҳкамлик ва зичликка ҳаво билан, юқори ($3-12 \text{ кгк/см}^2$) босимли газ қувурлар эса мустаҳкамликка сув билан ва зичликка ҳаво билан синалади.

3-БЎЛИМ

3.1. Саноат газ таъминоти системалари қурилмалари ва уларнинг синфлари

Саноат корхоналари коммунал-маиший корхоналар газ ёқилғисини ўртacha ва юқори босимли шаҳар газ тармоқларидан оладилар.

Кам газ истеъмол қилувчи саноат корхоналари ($50\text{-}H50 \text{ м}^3/\text{соат}$) паст босимли тармоқлар орқали газ ёқилғиси билан таъминланиши мумкин.

Саноат корхонларининг қандай босимли газ тармоғига боғланиши ва уларнинг оптимал боғланиш йўллари техник иқтисодий ҳисоб билан асосланади. Йирик саноат корхоналари (СКХ) иссиқлик электр марказлари (ИЭМ), лар маҳсус газ қувурлари ёрдамида ГТС дан тўғридан-тўғри боғланади ёки магистрал газ қувуридан ГТС орқали табиий газ билан таъминланади. Саноат корхоналари газ таъминоги системалари куйидаги қисмлардан ташкил топгандир:

1. Саноат корхоналари майдонларига газ тармоғининг киритилиши;
2. Цехлар оралиғи газ тармоғи (ЦОГТ);
3. Цехлар ичи газ тармоғи (ЦИГТ);
4. Газ бошқарув шаҳобчалари (ГБШ) ва газ бошқарув қурилмалари
5. Газ миқдорини ўлчовчи жой (ГМУЖ);
6. Газдан фойдаланувчи қурилмалари агрегатларда айланма газ тармоқлари.

Саноат корхоналарига газ шаҳар газ тармоқларидан тармоқлар орқали ва алоҳида киритилиши мумкин. Газ тармоғи киритилишда асосий бошқарув қурилмалари ўрнатилиб, унинг жойланиши хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши корхона

худудидан ташқарида ўрнатилиши ва тармоқланган газ қувурига яқин масофада ўрнатилиши керак.

Саноат корхоналарини газ билан таъминлашдага тасвирларда марказлашган газ бошқарув шаҳобчаларида (МГБШ) лойихалаш кўзда тутилиб, цехлар оралиғидаги газ тармоқларида газ билан камайтириб бошқарилиб турилади. Бундай ҳолларда уларга газ микдорини ўлчовчи қурилмалар ўрнатилади. Цехлар оралиғидаги газ қувурларида доимо ўртача босим сақлаб турилади ва фақатгина майда истеъмолчиларгина паст босимли газ тармоғи орқали таъминланиши лозим. Юқори босимли газ қувурларидан газдан фойдаланувчи қурилмалар қўлланилади. Цехларга газ тармоғи киритилганда ташқаридан ва ичкаридан бошқариш қурилмалари ўрнатилади. Цех ички газ тармоқлари деворлар ва колонналар бўйича беркли тармоқ кўринишида ётқизилади. Цех ички газ қувурлари зарурий ҳолларда саноат цехларини ҳалқа кўринишили тасвирда лойихаланиш мумкин. Газ агрегатлари газ қувурлари тармоқларида асосий бошқарув қурилмалари ўрнатилади.


Саноат корхоналари ва қозон қурилмалари маҳсус газни чиқарувчи Бекитгичлар билан биргаликда қувурлар билан жиҳозланади. Бундай қурилмаларнинг ўрнатилиши цех ички газ қувурларнинг охирги оралиқларидан, газ чиқарувчи қувурларга газ оқимининг ҳаракати йўналишига қараб Бекитгич қурилмалар лойихаланади. Цехлар ичидага газ қувурларида газнинг босими цехларга ўрнатилган горелканинг олдидаги газ босимига қараб аниқланади.

Саноат корхоналарида газ таъминоти тармоқларининг принципиал фарқи шундан иборатки, цехлар оралиғидаги қабул қилинган газ босимига газ агрегатларида ўрнатилган горелка олди газ босимига ва газ бошқарув шаҳобчаларининг жойланишига, газ қурилмаларида ўрнатилган босим регуляторларидаги газнинг босимига фарқ қиласди.

Газ таъминоти тармоқларининг тасвирини танлашда қуидагиларни ҳисобга олиш керак: шаҳар тармоқланган газ қувурларида корхона боғланган жойдаги газнинг

босимиға; алохидә цехларда горелка олдиғаги газнинг босимиға; цехларнинг худудий жойланишиға; газнинг сарфланишиға; цехларда газнинг сарфланиш миқдорига ва унинг иш тартибига; хизмат күрсатишига қулайлилиги ва иқтисодий тежамкорлығи ҳисобға олинади.

СКХ газ таъминоти системаларини газ билан таъминланиш лойиҳалари, аниқ шарт-шароитта қараб, турли хил тасвирилар синфларга бўлинади:



54. расм. Саноат корхоналарида газ таъминоти системаларининг турлари.

Бир погонали қўринишида:

а) Паст босимли шаҳар газ тармоғини тўғридан-тўғри боғланган газтаъминоти тасвири; (54-расм 1-1)

б) саноат корхоналарининг шаҳар газ тармоқларига марказий ГБШ орқали боғланиб, паст босим билан саноат корхоналарига берилиши; (54-расм 1-2)

в) саноат корхоналарига шаҳар газ тармоқлари орқали марказий ГБШ орқали тўғридан-тўғри узатилиб, ўртача босим билан СКХ га берилиши. (54-расм 1-3)

Икки погонали қўринишида:

СКХ га тўғридан-тўғри ўртача босимли шаҳар газ тармоқларига боғланиб, цех ва бошқарув қурилмалари (ГБК) паст босим билан цехларга узатилиши; (54-расм II-1)


б) СКХ лар тўғридан-тўғри ўртача босимли шаҳар газтармоқларига боғланиб, цех ГБК орқали ўртача босим билан цехларга узатилиши; (54-расм II-2) в) СКХ лар тўғридан-тўғри марказий ШБК орқали боғланиб ўртача босим билан цехлар оралиғига узатилиб ГБК си орқади паст босимда цехларга узатилиши; (54-расм 11-3)

г) ГБК си орқали ўртача босим билан цехларга узатилиши. (54-расм П-4) ўртача ва иирик СКХ да газ агрегатлари алоҳида цехларда турли хил босимда ишлайдиган газ горелкалари қўлланилади. Шунинг учун лойиҳалашда аралашма турли тасвири газ тармоқдари лойиҳаланади. СКХ ларни газ билан таъминлашда марказий ГБШ бўлиб алоҳида цехларга ГБК ўрнатилади.

3.2. Саноат газ таъминоти тармоқларида бошқарув қурилмаларининг жойланиши

Қабул қилинган газ таъминоти тармоқларининг принципиал тасвирида қўйдагиларни асослаш керак;

- саноат корхоналари худудларига киритилган газтармоғи тасвирини асослаш;
- цехлар оралиғи ва цех ички газ қувурларининг ётқизилиш турини қабул қилиш;
- газ бошқарув қурилмаларининг жойланишини белгилаш, газ чиқув қувурларини ҳам киритиш;
- газ микдорини ўлчаш, жойини жойлаштириш.



55.- расм. Газ тармоғининг киритилиш тасвирлари.

Киритиш тасвирлари

Газ тармоқларининг киритиш жойи, эркин майдонда ер остидан киритилиб, унга асосий бошқарув қурилмаси ўрнатилади. Киритиш қисми ўрнатилган жой, иншоотлар, бинолардан 2 м масофадан кам бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари газ горелкаси қурилмалари ГГҚнинг автоматик равишда хавфсиз ишлашини тамиnlайди.

1. СКХда газ тармоғи тармоқларининг қандай тасвирда газ билан таъминланишини, тўғри танлашда қўйдагиларни ҳисобга олиш керак.

- Саноат СКХ.сарфланаётган газнинг микдори

- (кичик СКХда - $100 \frac{1}{4} 1000 \text{ м}^3/\text{соат}$); кичик микдордаги саноат корхоналардаги (ўртача СКХда - $1000 \frac{1}{4} 10000 \text{ м}^3/\text{соат}$); кичик микдоридаги саноат корхоналардаги - (йирик) 10000 ва ундан ортиқ $\text{м}^3/\text{соат}$).

2. СКХ нинг шаҳар газ тармоқлари системаларига нисбатан жойланиш ва туман ГБШ дан узоқлигига қараб.

3. СКХ даги цехларнинг сони, уларнинг жойланиш ва цехлар оралиғидаги газ қувурларнинг узинлигига қараб.

4. Цехлар учун керакли бўлган газнинг босими ва ўрнатилган газ горелкаларининг турларига, техноложик жараёнларни талабига қараб.

7.2. СКХ нинг газ таъминоти тармоқлари қандай тасвирда қабул қилиниш техник-иқтисодий кўрсатгичларнинг натижаларига қараб қабул қилинади. СКХ га газ таъминоти системаларининг тасвирини қабул қилингандан сўнг қўйдагиларга амал қилиш керак.

- СКХ ри газ таъминоти гдз тармоғининг киритилишини;

- Цехлар оралиғидаги ва цехлар ички газ қувурларининг қандай тартибда ётқизилишини;

- Бекитгич ва ростлагич қурилмаларнинг жойланиши ва газ қувурларини шамолаташини;(тозаланиш)

- (ГМУЖ) газ микдорини ўлчовчи жойнинг жойланишини.

Цех орасидаги ва цех ичидағи газ қувурларининг жойланиши. Цехлар орасидаги газ қувурлари орқали газ цехларига киритилада. Газ қувурларининг етказилиши ер устидан, ер остидан ва аралашма ҳолатда бўлиши мумкин.

Гидравлик беркитгич биргаликда киритилиши фақатгина паст босимли ($P<5$ кПа) диаметри $50\frac{1}{4}150$ мм бўлган газ қувурлари учун рухсат этилади. (55.а) расмга қаранг).

Кичик газ ҳудудларида флянцили кран билан киритилиш, паст, ўртача ва юқори босимли ($P<06$ МПа) диаметри $25\frac{1}{4}150$ мм бўлган газ қувурлари учун рухсат этилади (55. б) расмга қаранг).

Чукур қудукқа линза компенсаторли чўяндан тайёрланган Бекитгичлар, паст, ўртача ва юқори босимли ($P<06$ МПа) диаметри $100\frac{1}{4}600$ мм лар учун қўлланилади. Линзали компенсаторлар қувурнинг ҳарорат таъсирида чизиқли кенгайишини таъминлайди ва қисмлар, тугунларни қайта пайвандлашда қулайдир (55. в) расмга қаранг).

Пўлатдан тайёрланган чукур қудукларга ўрнатиладиган задвижкалар, 2-кўринишили компенсаторлар (55. грасмга қаранг) юқори босимли ($P<1,2$ МПа) диаметри 100 мм газ қувурларида фойдаланилади. Кириш диаметри 300 мм бўлган-да, пўлатдан тайёрланган кранлар қўлланилади, диаметр $400\frac{1}{4}700$ мм бўлганда - пўлатдан тайёрланган қопламалар ер усти металдан тайёрланган қопламалар қўлланилади.

Саноат корхоналарини газ билан таъминлашда, тармоқланган тупикили бир томонлама киритилган бўлишда лойиҳаланди. Йирик саноат корхоналарида (ГРЭС, ИЭМ) ларда, газ билан таъминланиш узлуксиз талаб этилса ҳалқа кўринишили бир ёки бир неча кириш йўлаги бўлган кўринишда лойиҳаланади.

СКХ да газ киритилган жойдан цехларга ЦОГТ орқали етказиб берилади. Газ тармоқларининг ётқизилиши ер остидан ёки ер устидан бўлиш мумкин. қувурларнинг қандай усулда ётқизилиши цехларнинг худудий жойланишига иқлимий ҳароратлар иншоотларнинг турларига ва ҳ.к. ҳисобга олинади.

Ер устидан ЦОГТ лар ўтказилиш, ер остидан ётқизилгандан кўра бир неча қулайликларга эгадир, яъни ер остида емирилишдан (коррозиядан) газ чиққанда уни тезлик билан аниқлашдан ва уни созлаш фойдаланишга қулайлиги ва ҳ.к.

Ер устидан ўтказилган газ қувурлардан таянч сифатида колонна эстакадалардан деворлардан фойдаланилади. Ер устидан ётқизилган газ тармоқлари ер остига нисбатан иқтисодий тежамли. Саноат корхоналари, коммунал-маиший корхоналар газ билан таъминланиши асосан шаҳар газ тармоқларида ўртача, юқори босимли газ қувурларига боғланади. Энг кам газ истеъмол қилувчи корхоналар паст босимдаги газ тармоқларидан газ олиши мумкин.

Саноат кархоналарининг газ билан таъминланишининг қайси тармоққа ва қандай тасвирда уланиши СНК турларига қараб якка тартибда лойиҳаланади

СКХ газ таъминоти тармоқларининг асосий элементларини қўйдагилар ташкил этади;

- ЦОГ-цехлар оралиғи газ тармоқлари (ЦОГ)
- цехлар ичидағи газ тармоқлари (ЦИГ)
- газ бошқарув қурилмалари (ГБК)
- газ миқдорини ҳисобга олувчи жой.

Ҳар бир вариантда ҳам энг қисқа йўл, хавфсизлиги ва фойдаланиш мустаҳкамлиги таъминланган бўлиши керак.

қандай ҳолатда ўтказилганлиги.

Ер остидан ўтказилиши, цех оралиғидаги газ қувурларда, қурилмага майдонларига ётқизилиш қоидаларига риоя қилган ҳолатда ўтказилади.

Ер остидан ўтказилган газ қувурлари маҳсус устунларда, эстакадаларда, бинолар томидан, ва ҳ.к. Баландлиги «М» 2.04.08-96га асосан ўтказилади.

Цех ичидағи газ қувурлари: Бу қувурлар алоҳида тупикли қўринишида цех ичидан ўтказплади. Ётқизилиши очиқ бино ички деворлари бўйлаб хизмат қўрсатиш осон бўлган жойлардан олиб ўтказилади.

Цех ичидан ўтказилган газ қувурлари, мойли бўёқда рангли кулранг тусда рангланади.

3.3. Саноат газ тармоқларининг гидравлик ҳисоблари

Оралиқлардаги умумий йүқолаётган газнинг босими, ишқалиниш (ΔP_{ish}) ва маҳаллий қаршиликларни енгис үчун (ΔP_{J}) сарфланаётган босимлар йиғиндисига тенгдир. Маҳаллий қаршиликнинг миқдори ЦОГТ үчун, босимга боғлиқ бўлмаган ҳолда (ИЭМ ни ҳисобга олмаганда) ўртача 20—30% ташкил этади.

Цехлар оралиғида газ тармоқларида (ЦОГТ) паст ва ўрта-ча босимли газ тармоқлари үчун маҳаллий қаршилик тенг бўлади.

$$\Delta P_{mk} = 0,25 \Delta P_{uu}$$

Цехлар ички газ тармоқлари (ЦИГТ) ҳисоблашда, ҳар бир оралиқ үчун, йүқолаётган маҳаллий қаршиликнинг қиймати қисобга олинади.

Умумий оралиққа ҳисобланаётган босимнинг йўқотилиши, ҳисобланиш узунлиги орқали топилади. $l_x = l_{geom} + l_{\text{еки}} \sum \xi \mu_{\text{еки}}$

Бу ерда: $\mu_{\text{еки}}$ - оралиқнинг назарий эквивалент узунлиги

$\sum \xi$ - маҳаллий қаршиликнинг умумий йиғиндиси

$l_{\text{еки}}$ — 5у оралиқнинг эквивалент назарий узунлиги жадвалдан олинади.

Юқорида босимли газ тармоқларининг ҳисоби:

ЦОГТ учун: $\Delta P_{yp,x} = P_1^2 - P_2^2$ ҳисобга олганда:

$$\text{ёки } \Delta P_{mk} = 0,25 \Delta P_{uu};$$

$$\Delta P_{uu} = 0,8 \Delta P_{yp,x} \text{ ёки: } \Delta P_{mk} = 0,2 \Delta P_{yp,x};$$

ҳисоблаш қўйидаги ҳолатда бўлади:

1. Ҳар бир оралиқнинг ҳисобли газ миқдори топилади, энг узоқ масофадан бошлаб, ҳар бир цехда газ сарфи миқдори

қўшиб борилади;

2. Энг узоқ газ тармоғидан бошлаб, бош йўналишда ўртача квадратга йўқолаётган босимнинг қиймати аниқланади: А ўр:

$$A_{yp} = \left(\frac{\delta_x}{l} \right)_{yp} = \frac{P_1^2 - P_2^2}{1,25 \sum l}$$

Газ оқимининг йўналиши бўйича биринчи оралиқдан номограммадан фойдаланиб, 0_x қараб диаметр аниқланади ва А ўртача қиймати аниқланади.

3. Оралиқдаги йўқолаётган босим аниқланади: МПа²;

$$\delta_x = A_{opr} \cdot 1,25 \cdot L_{opr};$$

ва охирги босимнинг қиймати топилади:

$$P_{ox} = \sqrt{P_0^2 - \delta_x};$$

Оралиқдаги охирги босим кейинги оралиқ учун бошланғич босим деб ҳисобланиб кетилади.

Ҳисоблашлар ҳамма оралиқларда шундай усудда амалга оширилади.

ЦОГТ да цехлар оралиғи газ тармоқларида паст босимли газ қувурларининг гидравлик ҳисоби:

Гидравлик ҳисоблашлар қўйидаги тартибда амалга оширилади

1. Оралиқларда газнинг ҳисобли миқдори аниқланади, ҳар бир қаёққа сарфланаётган газларнинг йиғиндиси қўшилиб.

2. Энг узоқ оралиқдан бошлаб, ишқалашда йўқолаётган босимнинг ўртача

қиймати аниқланади. $R_{yp} = \left(\frac{\Delta P}{l} \right)_{opr} = \frac{\Delta P_x}{1,25 \sum l};$

3. Жадвалдан фойдаланиб Q_x ва R_{yp} қийматларга қараб оралиқнинг диаметри топилади, оралиққа йўқолаётган босим ва охирги оралиқнинг босими аниқланади.

Цехлар ички газ тармоқларида (ЦИГТ) гидравлик ҳисоблашлар қўйидагича тартибда бажарилади:

1. Оралиқ учун газнинг ҳисобли миқдори аниқланади.

2. Бош йўналиш бўйича ўртача йўқолаётган босим аниқланади ва олдиндан маҳаллий қаршиликлар туфайли йўқолаётган босим, ишқалиниш оқибатида йўқолаётган босимдан 150% атрофидаги кўп деб фараз қилиниб, қўйидагича кўринишда ҳисобланади:

$$R_{yp} = \left(\frac{\Delta P}{l} \right)_{yp} = \frac{\Delta P_{uizm}}{2.5 \sum l};$$

Бу ерда: $\sum l$ - бош йўналишнинг узунлиги (ГБК дан энг узоқ ускунагача бўлган оралиқ) м;

3. R_{yp} ва Q_x қийматларга қараб диаметр танланади.

4. Умумий йўқолаётган босим оралиққа қўйдаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta P = R \cdot l_x;$$

Юқорида келтирилган формуулалардан фойдаланиб саноат газ тармоқларида гидравлик ҳисоблашларни амалга ошириш мумкинdir.

3.4. Газ қувурлари, газ бошқарув шаҳобчалари ва газ бошқарув қурилмаларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва созлаш

Шаҳар газ таъминоти тармоқларидан фойдаланишдан асосий мақсад истеъмолчиларни узлуксиз газ билан таъминлаш, фойдаланишда хавфсизликни

таъминлаш, газ тармоғида керакли бўлган газ босимини таъминлаб туриш, ўз вақтида носозлик, газ қувурлари ва қурилмаларининг шикастланганлигини аниқлаш ва бартараф этиш, қурилган газ қувурини қабул қилиш ва фойдаланишга топишришлар киради.

Газ таъминоти системаларидан фойдаланишни ташкил этиш структураси бажарилаётган ишнинг ҳажмига ва истеъмол қилинаётган газнинг миқдорига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам йирик шаҳарларда газдан фойдаланиш бошқарма ёки трестлар орқали амалга оширилса кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида газдан фойдаланишни ташкил этувчи туман ёки вилоят газ бошқармасига қарашли ташкилот-лар ёки хўжалиги бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Газдан фойдаланишни ташкил этувчи бундай ташкилотларнинг таркибига ер ости газ қувурларидан фойдаланиш хизмати, бино ички газ жихозлари ва диспетчер-авария хизмати бўлинмалари киради.

Ер ости газ қувурларидан фойдаланиш хизматига тармоқланган ташқи газ қувурларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, ер ости газ қувурларини каррозиядан ҳимоялаш янги газ қувурларини ҳаракатдаги газ қувурларига боғлаш, ГБШ ва ГБК хизмат кўрсатиш ва уларни фойдаланишга қабул қилиш, пайванд ишларини бажаришлар киради.

Бинонинг ички газ жихозларидан фойдаланиш хизматига, туарар жой бинолари, коммунал-маиший ва саноат корхоналаридағи газ жихозларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, фойдаланишга топшириш, тармоқдаги газ миқдори ҳисоби; суюлтирилган углеводородли газ қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва фойдаланишга қабул қилиш;

Диспетчерлик-авария хизматига, сутка давомида газ қувурлари ва қурилмаларининг шикастланганлиги тўғрисидаги аризалар қабул қилиш, аварияга учрашнинг олдини олиш, профилактик хизматлар, тармоқдаги газ босимини ва уларнинг гидравлик иш тартиби назорат қилиш; авария ва шикастланишни таҳлил

этиш ва ҳисобга олиш; тармоқланган газ қувурларида бажарилув ҳужжатларини сақлаш ва ўзгартиришлар киритиш, тўлдиришлар киради.

Ҳар бир хизмат кўрсатувчи бўлинма муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар билан таъминланган ва моддий базага эга бўлиши керак.

Газ таъминоти системаларидан фойдаланиш эҳтиёткорликни талаб этади, чунки газ қувурлари ва ускуналаридан газнинг чиқиши, газ ҳаво аралашмасининг ҳосил қилиниши портлашга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, газнинг тўлиқ ёнмаслиги, чиқинди тутун газларнинг чиқиб кетишининг таъминланмаганлиги, газ ускуналари ўрнатилган биноларда ҳаво алмаштириш системаларининг етарли эмаслиги, одамларни заҳарланишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай газ таъминоти билан алоқадор бинолар иншоотларнинг лойиҳаланиши, қурилиши ва улардан фойдаланиш қатъий назоратда, меъёрий ҳужжатлар асосида «газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари» га риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Газ таъминоти системаларига хизмат кўрсатишда асосий эътибор газнинг чиқишини ўз вақтида аниқлаш ва унинг олдини олишга қаратилади.

«Газнинг чиқишига сабаб қуидаги ҳолатлардир, қувурлар пайвандланган жойининг ажралуви, қувур деворларининг каррозияланиши, газ бошқарув арматураларнинг зич ёпилмаслиги, конденсата йиғувчилар (сборниклар) ва гидразатворларда қувур қисмларга бўлиниши ва х.к.

Бино ички ва ер усти газ қувурларида газнинг чиқишини аниқлашда уларнинг хид тарқалиши совун эритмасини пайвандланган жойлар суртиш ёрдамида аниқланади. Ер ости газ қувурларвда газнинг чиқиши жойини аниқлаш қийин.

Профилактик хизмат кўрсатишнинг асосида тармоқланган газ қувурларининг ҳолатини ва улар жойлаштирилган иншоотлар вақти-вақти билан газ қувурлари трассалари кўрик текширувдан ўтказилади. Кўрик-текширувда газ қувурлари қудуқларида газ индикаторлари ёрдамида газланиш ҳолати текширилади, бундан ташқари газ тармоғининг ҳар иккала томонидан 15 метр масофагача бўлган

қудуқлардаги, телефон, сув, иссиқ сув тармоқлари ва бошқа қудуқлар коллекторлар, бино ер түлалари ва ҳ.к. текширувдан ўтказилади. Агар бирор бир иншоотда газнинг чиққанлиги аниқданса, газ қувуридан 50 метр масофагача бўлган иншоотлар, ер турар-жой бинолари, ер түлалари, ер ости иншоотларида газланиш ҳолати текширувдан ўтказилади ва тезлик билан шу худудда авария-диспетчерлик хизматига ва газланиш бўлган бинолар, иншоотларнинг эгасига хабар етказилади.

Газ билан таъминловчи ташкилотлар тасдиқланган график асосида вақти-вақти билан газ қудуқлари ичидаги газ арматуралари текширувдан ўтказилади, конденсат йиғилувчилардан конденсат чиқариб ташланади, ер ости газ қувурларининг электр потенциаллари ўлчанади, каррозияга қарши қўйилган электр ҳимояланиш курилмаларининг иш ҳолати, газ тармоқутринингтурли ҳил оралиқларидан газнинг назорат ўлчов босими текширилиб турилади, газнинг одаризацияланиш даражаси газ тармоқдаринг турли жойларидан намуна олиниб текширувдан ўтказилади. Профилактик хизмат кўрсатишнинг фойдали ҳисобланиши, ер ости газ қувурлари вақти-вақти билан қазилиб, текширилиб турилишидир. Бундай қазиб текширишлар газ чиқиши бўлганда, ёки бўлмаганда ҳам амалга оширилади. Бунинг учун газ қувур деворлари пайвандланган жойдан 0,5 метр оралиқ масофада, газ қувурининг юқори устки қисмигача чуқурлик қазилиб, қиши пайтида эса, қазиш чуқурлиги ернинг музлаш қобигидан кам бўлмаслиги керак.

Кўчаларда ётқизилган газ қувурларнинг бир-бирига уланган жойларининг тасвири мавжуд бўлмаганда, худди шундай ҳовлилар ва маҳаллаларда жойлашган газ қувурларда ҳам ҳар 2 метр оралиқ масофаларда чуқурлик қазилади. Чуқурликдаги газланиш ҳолати газ индикатори ёрдамида ёки кимёвий тахлил асосидатекширилади.

Бурғулаш ёрдамида қувурлар ҳимоя қатламларининг ҳолати ва ташқи, юза ҳолати, 1,5-2 метр узунликка тармоқланган газ қувурлар учун ҳар 1 км. масофада, ҳовли ёки маҳаллалардаги газ қувури очилиб, унинг ҳолати текширилиб қўрилади.

Бурғулаб кўриш муддати аниқ шароитда, газ қувурларидан фойдаланиш вақтига, химояланиш турига, каррозияланиш шароитига ҳ.к. боғлиқ ҳолатда аникланади. Газ қувурлари аҳоли пунктларига, тупроқнинг зангланиш таъсири юқори бўлган жойларда бурғулаш текширувлари ҳар 5 йилда, зангланиш таъсири кучли бўлмаган, турар жой бинолари қурилмаган жойларда эса ҳар 10 йилда текширилиб кўрилади.

Сув остидан ётқизилган газ қувурларга профилактик хизмат қўрсатишда сув остиғоввосларидан фойдаланилади. Сув остида ўтказилган газ қувурларининг узунлиги 30 метрдан ортиқ бўлганда, текширув ишлари 2 йил муддат ичида, қувурнинг узунлиги 30 метрдан қисқа бўлганда 5 йил муддат ичида текширувдан ўтказилади. Сув остидан ўтказилган газ қувурларинг ҳолатини текширув маҳсус кострукцияли аппаратлар ёрдамида амалга оширилади.

ГБШ ва ГБЦ жихозларининг иш ҳолати доимий равишда тўғри ишлаётганлиги текширилади, босим регуляторлари, фильтрлар ва саҳлагич клапанлар бир йил муддат ичида албатта текширувдан ўтказилиши керак. Манометрлар давлат ўлчов текширилувидан ҳар йили ўтказилади ва белги қўйилади.

Турар жой бинолари, жамоа бинолари ва коммунал майший корхоналардаги газ ускуналарини текришувда асосий эътибор газ ускуналари боғланган жойлардан текширувдан ўтказилади. Текширув ва қурув натижалари ускуналардан фойдаланувчи қайд журналига ёзилади, тутун гази чиқувчи йўлакларнинг ҳолати, акт қилиниб қайд этилади. Газ жихозлари ва ускуналаридан фойдаланувчи журналдаги маълумотлар асосида профилактик ва капитал таъмирлаш ишларининг графиги тузилади.

3.5. Газ қувурларида таъмирлаш ишлари

Газ қувурларида таъмирлаш ишлари қўйидаги икки гурухга бўлинади. Профилактик (мавсумий) ва капитал таъмирлашгага .

Авария ҳолати бу асосан газнинг чиқишини тузатиш билан боғлиқдир, шунинг учун ҳам олиб бориладиган доимий ишдир. ГТ профилактикага газ қувурларининг

таъмирлаш ишлари, тармоқ қурилмалари ва газ жиҳозлардаги шикастланишларни тузатиш, ер ости газ қувурларни бурғулаш ва қазиб кўриш ишлариии бажариш киради. Унчалик қийин бўлмаган тузатиш созлаш, ишлари, масалан резбали ва флянили боғланишлар орқали газнинг чиқишини тузатиш ишлари, кранларни мойлаш, турмушда ишлатиладиган газ горелкаларининг майда деталларини алмаштириш ва шунга ўхшаш ишлар, чилангар газчи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бажарилиши қийинроқ тузатиш ишлари (қисман ёки тўлиқ шикастланган қувурларни алмаштириш, конденсатасборникларга кетувчи янги қувурларни пайвандлаш, эскисининг ўрнига, оралиқларида занглаб, чириган газ қувурларини алмаштириш, қувурлар ичидаги муз қоплами ёки турли хил чиқиндишлар тўпланган ҳолда уларни алмаштириш, созлаш ва х.к.) ишлар бригадалар томонидан камидаги ишчи иштирокида, муҳандис-техник ходимларнинг раҳбарлигига бажариладиган ишлардир. Агарда бажарилаётган ишлар таъмирланадиган оралиқдаги газ қувурида газнинг тўлиқ тўхтатилишини талаб этилганда, таъмирлангандан сўнг, газни қайта юборишдан олдин таъмирланган оралиқ қаво ёрдамида синовдан ўтказилиши керак ва ундан сўнг газ тармоғига уланиши лозим.

Режали капитал таъмирлаш ишларини газ қувурларида бажарилишга қуидагилар киради. Оралиқ газ қувурларининг кўп қисмини алмаштириш, занглашдан шикастланган оралиқларни алмаштириш, оралиқдаги газ қувурлари бошқа диаметрли қувурга алмаштириш, шикастланган, ҳимояланишини қайта тиклашни, арматураларни таъмирлаш ва алмаштириш, газ қудуқларини таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш, газ хувурларини электрли ҳимояланишини таъмирлаш ёки алмаштириш, капитал таъмирланган оралиқдаги газ қувурларини мустаҳкамлиги ва зичлиги қайта синовлардан ўтказилади. Амалга оширилган ишлар актлаштирилиб, қайд этилади.

ГБШ ва ГБЦ нинг профилактик таъмирлашда қуидаги ишлар амалга оширилади. Алоҳида жиҳозларнинг қисмлари мойланади, таъмирланади ёки ишлаш ҳолатидан чиққан қисмлар алмаштирилади, қайтадан ечиб олиниб, текширувдан ўказилади. Ускуналар ва жиҳозлар таъмирлангандан сўнг текширувдан ўтади ва фойдаланиш талаби тартибига мослаштирилиб товланади. ГБШ жойлашган бинодаги ҳаводан намуна олиниб, газнинг таркиби тахлил этилади. Газнинг чиқиши бўлганда, излаб топилади ва газ чиқиши бартараф этилади. ГБШ ва ГБЦ нинг капитал таъмирлаш ишларига қуидагилар киради: эски жиҳозларни янгисига алмаштириш, жойлашган бинони капитал таъмирлаш, биноларда иситиш тармоғларни пайвандлаш, қайта таъмирлаш технология айланма (обвязка) қувурларни қайта тиклаш ишлари киради. ГБШ ва ГБЦларда капитал таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг технологик айланма қувурлар мустаҳкамлик ва зичлик синовларидан ўтказилади. Бажариладиган ишлар ва бажарилган ишларнинг лойиха чизмалари актга қўшилиб қайд этилади.

Суюлтирилган углеводородли газлар. (СУГ) билан ишлайдиган қурилмаларга профилактик хизмат кўрсатишга, вақти вақти билан текширувлар, ва газ баллонлари суюлтирилган газ жойланган сиқимли идишлар гидравлик синовдан ўтказилади. Кўп сонли сиқимли идишлар қурилмаларнинг ҳолати вақти-вақти билан текширув кўригидан назорат қилувчи инспекторлар томонидан 10 йил ичида ўтиши керак, гидравлик синовлар эса ҳар 2 йил ичида гидравлик синовдан ўтиш яроқдиги тўғрисида белги (клейма) синов ўтказилган кун ва кейинги синовгача муддати белгида кўрсатилган бўлиши, ёки катта сиқимли идишлар қурилмаларининг паспортида кўрсатилиши керак.

3.6. Газ тармоқларидан фойдаланишда техника ҳавфсизлиги

Газ қувурларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ва газ қурилмаларининг ўрнатилиши каби барча ишларга ҳавфли газ ишлари киради. Шунинг учун ҳам бундай ишларни амалга оширишда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Хавфли газ ишларига шаҳар газ тармоқларидан фойдаланишда бажариладиган ишларнинг барчаси киради. Бундан ташқари, газ қувурларини амалдаги газ тармоқларга уланиши, газнинг чиқишини бартараф этиш, амалда фойдаланиб келинаётган газ қувурларини, (продувка) ҳаво ёрдамида тозалаш, арматуралар ва ускуналар билан жиҳозлаш, газ қудуқларида бажариладиган ишлар, ГБШ лари жойлашган бинолардаги барча ишлар хавфли газ ишларига киради.

Хавфли газ ишлари энг камида икки киши томонидан бажарилади. Жавобгарлиги юқори бўлган хавфли газ ишларини бажаришда раҳбарликни олиб бориш муҳандис-техник ходимларга юқлатилади. Ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар алоҳида тартибда маҳсус тайёргарлик ва машқлардан ўтиши керак. Хавфли газ ишлари бажарилаётган жойлар тўсиқ билан ўралиб қўриқланади.

Бундай жойларда чекиши ва олов ёндиришлар қатъиян ман этилади. Газ чиқиши пайдо бўлган жойларда Противогаз кийиш керак. Фойдаланаётган противогазнинг қўриниши бажарилаётган ишнинг турига боғлиқ бажарилаётган иш котлованлар ва газ қудуқларида бўлганда, шлангли противагаз, бино ичидаги бажараётган ҳолатда ҳимояланган противогазлардан фойдаланиш керак. Газ қудуқлари ва қотлованларда хавфли газ ишларини бажарилаётган ишчилар ипга боғланган белбоғ кийиши, ип учи эса ташқарига чиқарилган бажарилаётган ишни кузатувчининг қўлида бўлиши керак. Газ қувурларини пайвандлаш ишларини тармоқдаги газни ўчирмасдан ҳам амалга ошириш мумкин, қачонки газнинг босими 1200 Па дан юқори бўлмаганда, ҳаво оқими билан газни қайтариб турувчи, ускуналар билан жиҳозланган маҳсус бригада томонидан амалга оширилади. Газ қувурларида газ оқими беркитилган, лекин қувурнинг ичидаги газ бўлган оралиқларида газни қувурдан тўлиқ сиқиб чиқармасдан туриб, пайвандлаш ишларини бажариш қатиян ман этилади.

Газ арматураларининг зич боғланганлигини фақат совун эритмаси суртиб текшириш мумкин, бундай ҳолатларда олов ёқиб текширувдан ўтказиш қатиян ман

этилади. Ўта қийин хавфли газ ишларини бажариш, ишлаб чиқилган маҳсус режа асосида бажарилади.

Газ қудукларида ва котлованлардаги (пайвандаш, кесиш) оловли ишлар, алоҳида кўрсатма бўйича, қўшимча хавфсизлик таъминланишини эътиборга олган ҳолда бажарилади. Газ қувурларида таъмирлаш ишларини бажаришда газнинг ёпилиши ва қайта очилиши ишларида, газ истеъмолчилари ўз вақтида огоҳлантирилган бўлиши, эҳтиёткорлик хавсизлиги билан таъминланган бўлиши керак.

Газ билан ишловчи хар бир ходим газдан зарап қўрганга, заҳарланганга биринчи ёрдам кўрсатишни билиши керак.

3.7. Техника хавфсизлиги ишларини ташкил этиш

Аҳоли турар жой бинолари ва умумжамоа биноларида газдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш учун «Газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари»га қаттиқ риоя қилиниши керак. қоидага зид бўлган ҳар қандай ҳолатда ва маҳсус кўрсатма бўйича, газ хизматини олиб борувчи раҳбар жавобгар ҳисобланади, чилангартазчи бригада хизматининг мажбуриятига қўйидагилар киради:

Газ чиққан жойни аниқлаш ва уни созлаш.

Газлаштирилган ва газ хавфли биноларда иш бажариш.

Ускуналар ва курилмаларга сақлагичлар ва ҳимояланувчини қўллаш.

Зааралганларга биринчи ёрдам кўрсатиш.

Газ ёқилғисига боғлиқ ҳолатда бўлган баҳтсизлик ва носозлик ишларини текширувда қатнашиши.

Хавфли газ ишларини бажаришда ва газ чиқаётган жойни аниқлашда баҳтсиз ҳолатнинг олдини олиш учун техника хавфсизлиги ишларини ташкил этувчи ташкилот бўлиши керак. Газ чиқаётган жойни аниқлашдан олдин, газнинг хиди бўйича биноларнинг газланганлиги даражаси ҳолатини газ анализатори ёрдамида аниқлаш, беркитиш ва газнинг чиқиши жойини созлаш керак. Газ қувурларидан газ

оқимининг чиқиши миқдори қўп бўлганда ёки газ ускуналари, жиҳозларидан ҳам газнинг чиқиши қўп миқдорда бўлганда «носозликни тузатиш хизмати»га (авария хизмати) хабар бериш керак. Шаҳар газ хизматида сутканинг исталган вақтида насозликни тузатиш ишларини бартараф этиш керак.

Чилангар газчи қўйидаги техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак. Противогаз, қутқарувчи сақлагич белбоғ, ипи билан биргаликда, синов учун ускуналар, ҳимоя кўз ойнаги, ёнғин ҳавфсизлиги таъминланган ёритгич, техника ҳавфсизлиги билан таништириш ва заарланган ҳолда биринчи ёрдам кўрсатиш.

Газнинг чиқиши салниқли ёки чўзилган кранларнинг ички носозлигидан ички газ чиқиши, яъни кран ёпиқ ҳолатда газ чиқиши бўлади. Кранларнинг тўлиқ герметик ёпилишда носозлик бўлган ҳолатларда кранларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Бахтсизлик ва носозлик ҳолатлари бўлишнинг олдини олиш учун газ хизмати томонидан профилактик қурув ва газ жиҳозларини таъмирлаш хизмати ташкил этилиши керак.

Носозлик ва бахтсизлик ҳолатлари исталган газ ишларида қувурларни пайвандлашда, газ ускуналари ва жиҳозларидан фойдаланишда содир бўлиши мумкин.

Газ қувурларининг носозлигага сабаб қувурлар тайёрланишда технологик қоидаларига риоя қилинмаслик.

Газ қувурларини қурилишидаги ишларида қоидага риоя қилинмасликдан (сифатсиз пайвандлаш, ҳимояланишдаги шикастланишлар) ва ҳ.к.

Газ қувурларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаслик (газ босимининг рухсат этилганидан ортиқча бўлиши, дайди токлар таъсирида газ қувури деворининг заифлашиб бориши, газ қувурларининг занглашдан яхши ҳимояланмаганлиги ва ҳ.к. лар киради.

Бундан ташқари носозлик ҳолатларига, турли хил коммунал иншоотларида таъмирлаш, ер ковлаш ва қазиш ишларининг бажарилишидаги шикастланишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Кувурларнинг ажралишидан атрофмуҳитга газнинг қисман ёки тўлиқ чиқиши содир бўлганда, газ қувурлари носоз ҳисобланади. Газ қувурлари ва ускуналаридан фойдаланишда турли хил ишларни бажаришдаги носозликни олдиндан айтиш чилангар газчи томонидан амалга оширилиши керак.

Газ жиҳозларининг ишончли ва хавфсиз ишлаш кўп жиҳатдан чилангаргазчилар томонидан режа асосида профилактик кўриклардан ўтиши ва газ жиҳозларининг таъмирланганлигига боғлиқ. Кўриклар оралиқидаги газ жиҳозлар таъмирлаш ишлари хизмат кўрсатувчи чилангар томонидан амалга оширилади.

4-БЎЛИМ.

4.1. Замонавий газ жиҳозлари, жиҳоз-ускуналари ва уларга талаблар.

Газ ускуналари плитаси ва сув иситгувчи ускуналар

Газ ускуналари. Биноларни газ билан таъминловчи асосий ускуналарга: газ плиталари, иссиқ сув тайёрловчи сув иситгичлар, ҳозонлар ва бошқалар киради. Газ ускуналарини характерловчи асосий кўрсаткичлар қўйидагилардир:

- 1.Иссиклиқ ишлаб чиқарувчи қуввати;
- 2.Фойдали иш қиймати (Ф.И.К.), яъни ишлаб чиқариш қувватининг иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига нисбати.
- 3.Ишлаб чиқариш ёки фойдали иссиқлик миқдорининг жисмни иситиш учун берилиши.

Газ ускуналарнинг коммунал қуввати деб шундай қувватга айтиладики, бунда газ ускунаси энг фойдали ишлайди. Ф.И.К. юқори бўлади, газнинг чала ёниши эса кам бўлади. Юқори ишлаб чиқариш қуввати деб шундай қувватга айтиладики, коммунал қувватидан 20% кўп бўлади. Бундай қувватда газ ускунаси ишлаганда унинг кўрсатгичи камаймаслиги керак. Туар жой биноларига, умумий фойдаланиш

биноларига паст босимдаги газ қувурлари қўлланилади, шунинг учун бундай ҳолатда газ ускуналари асосан эжекцияли атмосфера кўринишдаги горелкаларга ўрнатилади.

Хонадонларда ишлатиладиган газ плиталари икки, уч ва тўрт конфоркали қилиб тайёрланади. Иситгич шкафлари ва уларсиз бўлиши мумкин. Улар қўйидаги қисмлардан иборат бўлиши мумкин: қопқоқ, конфорка ўрнатилган ишчи стол, духовка қутичаси, газ горелкаси, газ тақсимловчи қурилма ва кран билан биргаликда. Аҳоли турмушида ишлатиладиган газ плиталари ўтга, коррозияга (занглашга) чидамли ва мустаҳкам материаллардан тайёрланади.

Бу газ плиталарида атмосфера горелкаси ишлатилади, тутун газлар ошхонанинг ўзидан шамоллатгич тахталар орқали чиқарилади. Бу горелкаларда ҳавонинг бир қисми эса (биринчи ҳаво) ёниш учун керак бўлган ҳаво электор ёрдами билан сурилади. қолган қисми (иккинчи ҳаво) алангаланишда тўғридан-тўғри атроф-муҳитдан келади. Конфоркали горелкаларда газнинг тўлиқ ёнмаслигига асосий сабаблар қўйидагилар:

а)идиш юзасининг ҳарорати пастлиги, бунинг таъсирида газнинг тўлиқ ёнишга эришилмайди, натижада СО (углерод оксиди) ва қурум пайдо бўлади.

б)эжекторнинг бўйлама қисмида бирламчи ҳаво билан газнинг қониқарсиз аралашуви натижасида.

в)атроф муҳитдан ҳавонинг яхши етарли даражада берилмаслиги ва тутун газининг тўлиқ олиб чиқиб кетмаслиги натижасида:

Бундай камчиликларни тузатиш учун газ плиталаридағи газ горелкаси қурилмаларини (ГТЦ) шундай лойиҳалаш керакки, қўйидаги шартлар бажарилиши керак.

а)горелка юқори қийматдаги бирламчи ҳаво билан ишласин, ҳаво қандай ишлаб чиқариш қувватида аланганинг ишончли (мустаҳкам) ишлаши таъминлансин.

б)горелка ўрнатилган қисм билан идишнинг пастки (мустаҳкам) қисми орасидаги масофа шундай бўлиши керакки, тутун газ тўлиқ ўз иссиқлигини

берсин ва эркин ҳаракатлансин, ички ёнувчи аланга билан идиш паст қисми орасида аланганинг ишончлилиги таъминлансин.

г) горелка билан идишнинг паст қисми орасидаги оптимал масофа сақланиши керак, масофанинг катталашуви, ортиқча ҳавонинг чиқишига ва Ф.И.К. камайишига олиб келади, масофанинг қисқариши эса газнинг тўлиқ ёнмаслигига сабаб бўлади.

в)электор бўйлама қисмининг оптимал конструкцияси (тузилиши) сақланиш керак.

д)тутун газ чиқиб кетиши учун ишчи стол билан (газ плитасида) идишнинг паст қисми орасидаги масофа 8 ммдан кам бўлмаслиги керак.

4.2. Газ плиталарининг тузилиши ва уларни ўрнатиши

Газ плиталарини ўрнатиши учун ошхоналарнинг ички ҳажмиқуидаги миқдордан кам бўлмаслиги лозим:


- икки конфоркали газ плиталарини ўрнатишида 8 м^3 ;
- уч конфоркали газ плиталарини ўрнатишида 12 м^3 ;
- тўрт конфоркали газ плиталарини ўрнатишида 15 м^3 .

Газ плитаси ўрнатиладиган ошхонанинг баландлиги камида 2,2 м бўлиши лозим, ошхонада фортонкали дераза ва сўрма вентиляция канали бўлиши шарт.

Барча газ-горелка қурилмалари учун асосий талаб газнинг тўлиқ ёниши, яъни ёниш маҳсулотларида ёнувчан ёки заҳарли газларнинг бўлмаслиги ҳисобланади. Газ горелка қурилмалари учун карбонат ангидрид СО миқдори ҳажм бўйича 0,02 % дан ошмаслиги (агар ёниш маҳсулотлари дудбуронга чиқиб кетмасм, яъни газ плиталарида) ва агар ёниш маҳсулотлари дудбуронга чиқиб кетса, яъни ванна колонкалари, сув иситкич ва ҳ.к.ларда 0,1 дан юқори бўлмаслиги лозим.

ПГ-4, П-4/1 тўрт конфоркали ҳамда ПГ-2 ва П2/1-1 икки конфоркали газ плиталари энг кенг тарқалган.

ПГ-4 түрт конфоркали газ плитасининг корпуси (274-расм) юпқа лист пўлатдан тайёрланган ва устига емал қопланган. Плитанинг юқори қисмида чўян рама 4 бўлиб, унда чўян конфоркалар 6 учун тешиклар бўлади. Плитанинг юқори қисмида горелкалар тагида сўриш поддони 3 бор. Рамага ён токчалар 5 маҳкамланади, улар плита юзасини кенгайтиради. Унинг пастки қисмида эшикча 1 билан беркитиладиган димлаш шкафи 9 бор.



56-расм. ПГ-4 газ плитаси:


1-Димлаш шкафининг эшиги, 2-плита кожухи, 3-поддон, 4-чўян рама, 5-ён токчалар, 6-олинадиган конфоркалар, 7-конфорка горелкалари, 8-тақсимлаш қувур-рамкаси, 9-димлаш шкафи, 10-димлаш шкафининг горелкалари, 11-горелкани ёкиш учун тешик, 12-горелкалар дастаси, 13-термометр.

Плитанинг олд қисмида тақсимлаш қувурси - раMПа 8 бор. Ундан горелкаларга газ келади. РаMПада резбали бешта тешик бўлиб, уларга тиқинли кранлар бўралади: тўрттаси конфорка горелкалари 7 га, биттаси димлаш шкафи горелкаси 10 га тегишли. РаMПа тақсимлаш шчити билан беркитилган. Димлаш шкафи горелкасини ёкиш учун туйнук 11 бор. Димлаш шкафи горелкасини даста 12 билан буриш мумкин. Газ плитасининг барча оёқлари полда туриши лозим.

Газ плитаси корпусининг орқа девори билан плита ўрнатиладиган хона девори орасидаги масофа камида 75 мм бўлиши керак. Сувалмаган ёғоч деворли ошхоналарда плитани девордан изоляциялаш кўзда тутилиши лозим, яъни девор

сувалиши, асбофанер ёки қалинлиги 3 мм ли асбест листи устидан тунукақорежасиши керак.

Газ плитасини ўрнатишда девор полдан бошлаб изоляцияланиши ва плита четларидан ҳар томонга 100 мм ва юқорига камида 800 мм чиқиб туриши керак.



57-расм. П-4/1 ва П-2/1 -плиталарининг горелкалари:


1-ҳаво сўриш учун тешик, 2-аралаштиргич, 3-қалпоқча,
4-горелка кранни.

Плита димлаш шкафининг изоляцияланмаган ён деворидан ички мебелнинг ёғоч элементларигача камида 150 мм масофа бўлиши лозим.

Димлаш шкафли икки, уч ва тўрт конфоркали плиталарга газ 20 мм диаметрли қувурларда, димлаш шкафисиз икки конфорали плиталарга ва таганларга диаметри 15 мм ли қувурларда келтирилади. қувур плитага бурчакли ва сгон ёрдамида уланади.

Тиқинли кран плитага газ келадиган қувурнинг вертикал қисмига полдан 1100 мм баланд ўрнатилади.

П-4-1 плита горелкаси (57-расм) қуйидагича ишлайди. Горелка сўрадиган ҳаво тешик 1 орқали киради. Бу тешик буриладиган диск билан беркитилади. Газ кран 4 корпусидаги канал тешиги орқали киради ва горелка аралаштиргичи 2 да ҳавога аралашади. Горелканинг усти қалпоқча 3 билан беркитилган. Унда пастдан ҳаво келадиган тешик бор.



58-расм. П-4/1 плитасини ўрнатиш:
1-газ стояги (I-вариант), 2- газ стояги (II-вариант),
3, 4-гильзалар, 5-муфтали газ крани.

Суюқ газли қурилмаларда баллондан газ плитасигача камида 1,5 м, иситиш радиаторигача ёки бошқа иситиш жиҳозларигача камида 1 м масофа бўлиши лозим. Баллонни қизишдан сақлайдиган экран ўрнатиб, бу масофани қисқартириш мумкин. Экрандан баллонгача камида 100 мм масофа бўлиши керак. Баллонлар деворга махсус хомутлар ёки тасмалар билан маҳкамланиши лозим.

4.3. Бўйлама ҳаракатланувчи ва ҳажимли сув иситгичлар.

Бу сув иситгичларнинг кўриниши иссиқлик алмашинувчи қурилмаларга ўхшаш бўлиб, маҳаллий шароитда иссиқ сув билан таъминлаш учун ҳизмат қилади. Бўйлама иссиқ сув таъминловчи ускуналарнинг иш тартиби, сувнинг сарфланиш иш тартибига мос келиши керак. Уларда сувнинг ҳарорати 50-60°C бўлиб, бу ҳароратни ускуна ишга тушгандан сўнг 1-2 минут (дақиқа) дан кейин тайёрлаб беради. Бу ускунани кўпинча тез ҳаракатланувчи (ишловчи) сув тайёрлагич деб ҳам айтилади.

Сув иситгичлар куйидаги талабларга жавоб беріши керак:

1.Ф.И.К. 82% кам бўлмаслиги, сув иситгич сув тармоқининг босими 0,05 дан 0,6 МПА гача оралиғида ишлаши керак.

2.Сув иситгич асосий ва ёндирувчи (учқунли) горелкалар билан таъминланган бўлиши керак. Горелка газнинг ишончли ёнишини таъминлаш керак ва иссиқлик миқдорининг 0,2 дан 1,25 оралиғида ўзгаришида, аланганинг учиши ва узилиши бўлмаслиги керакдир.

3.Хар бир сув иситгич сақловчи ва блокировкали (кўриқловчи) қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак, бу эса керакли миқдордаги газ билан таъминлашни таъминлайди.

Бўйлама сув иситгичлар куйидаги асосий қисмлардан ташкил топгандир:

Газ ускуналарининг ўрнатилиши. Газ ускуналарини ўрнатишда қМқ 2.04.0896 ва газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши керак.

Газ плиталарнинг ўрнатилиши улардаги конфоркалар сонига қараб қуйидагича бўлади.

Тўрт конфоркали газ плиталари учун ошхонанинг ҳажми 15m^3 дан кам бўлмаслиги керак.

Уч конфоркали газ плиталари учун 12 m^3

Икки конфоркали газ плиталари учун 8 m^3

Газ плиталарни ошхоналарда ўрнатишда кўрсатилган ёнғин ва техник хавфсизликларга риоя қилиниши шарт.

4.4. Газ билан иситиш. Иситиш печлари ва газ билан иситилувчи ускуналар

Газ билан иситилувчи қурилмаларга куйидагилар киради:

Газ билан иситиш печлари.

1.Газ билан иситилувчи маҳалий ускуналар.

2.Бинафша нурланишли иситиш газ ускуналари

3.Хонани иситувчи газли ускуналар.

4.Газ ҳаволи калориферлар

5.Контактли ҳаво иситгичлар ва х.к. ускуналар киради.

Биноларни иситиш учун автоматлаштирилган иситувчи печлар бўлиб, улар юқори тежамкорлиги ва иссиқлик кўрсатгичи билан характерланади. Бу печларнинг Ф.И.К. 5-90% Бу печларга ГК1707 кўринишдаги эжекцияли атмосферали горелкалар ишлатилади.

Газ билан иситувчи маҳаллий иситии ускуналари. Кейинги пайтларда газ ёрдамида иситувчи маҳалий иситиш ускуналари кенг миқёсда ишлатилмоқда, улар маҳсус тутун газлари чиқарувчи каналлар талаб этмайди. Бундай ускуналарга автоматли ҳаво иситувчилар «Огонек» киради. Бу ускуна билан 20 м^2 юзадаги яшаш майдонини иситиш мумкин. Яхши томонлари шуки, баҳоси арzon ва тез ишга киришдир.

Камчилиги шуки, бинода ускуна ишламаганда тез совуб кетади. Шунинг учун совуқ иқлими худудларида ишлатиш мумкин эмас. Иссиқлигнинг берилишига қараб ускуналарни қўйидаги турларга бўлиш мумкин: нурланувчи, конвектив иссиқлик берувчи ва конвектив нурланувчи. Баъзи ускуналарнинг Ф.И.К. 90% етади. Кейинги пайтларда Республикаизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар (Самарқанд шаҳрида) янги замонавий газ билан исситилувчи «Парвина», «Сарвина» деб номланувчи маҳаллий иситиш печларини ишлаб чиқармоқда. Бундай иситиш печлари бир қатор қулайликларга эга, айниқса катта ҳажмга эга бўлган хоналарда иссиқ ҳаво ҳосил қилиниб иситилиши сабабли унга истеъмолчиларнинг талаби каттадир.

Бинафша нур тарқатувчи иситии ускуналари. Бинафша нур тарқатувчи горелкаларни қўйидаги иситиш тармоқларида ишлатиш қулайдир:

- а) ишчилар сони кам бўлган катта цехларда
- б) одамлар доимий бўлмайдиган биноларда

в) очиқ монтаж қилинувчи ва йиғувчи цехларда.

Бинонинг баландлиги 4 м бўлганда, нурланувчи горелкалар горизонтал ҳолатда полга паралел ҳолатда ўрнатилади, унча баланд бўлмаган бинода эса бурчак остида ўрнатилади. Унчалик баланд бўлмаган биноларда нурланувчи горелкалар кўп сонда, кам қувватлиси ўрнатилади. Баланд биноларда эса, қуввати юкори сони эса камроқ бўлади. Нурланиш юзасидан полгача бўлган масофа қуидаги формула билан аниқланади:

$$H^2 / F \leq 0,1 \quad \text{ва} \quad a/H \leq 1$$

Бу ерда:

H - полдан нурланиш юзасигача бўлган масофа (м)

κ - иситилиш керак бўлган юза (m^2)

a - нурланувчилар орасидаги масофа (м)

Алоҳида хоналарни (хонадонларни), турар жойларни иситишда, ҳажмли сув иситиҷчлар ёки газ билан ишловчи сувли чўян қозон курилмаларидан фойдаланилади:

АГВ80,120, ВНИИСТО Мч; ва ҳ.к. лардан.


Калориферлар (Г.Х.К) дан фойдаланилади. Калориферлар бу иссиқ ҳаво ҳосил қилиниб умумий майдони 80 m^2 гача бўлган жойни иситишда ишлатилади. Бу ускуналар асосан кам қувватли, алоҳида хонали биноларни иситишда кенг ишлатилади.

4.5. Газ сув иситкичларининг тузилиши ва уларни ўрнатиш

Маишӣ мақсадларда ишлатиладиган сувни иситиш учун турли сув иситкичлар: КГИ-56, АГВ-80 ва АГВ-120 қўлланилади.

КГИ-56 автоматик оқава газ сув иситкичи хонадонни иссиқ сув билан таъминлаш учун мўнжалланади. Ундан бир ёки бир неча қўшни хоналарда жойлашган нуқталардан сув олиш мумкин. Сув иситкичнинг иссиқлик

ажратувчанлиги (ҳар минутда) 10 л сувни 17 дан 45^0 С гача ёки 6 л сувни 5 дан 52^0 с гача иситиши таъминлайди.



59-расм. КГИ-56 автоматик оқава газ сув иситкич:

1-кожух, 2-ўт камераси, 3-змеевик, 4-радиатор, 5-тягопрериватель,
6-газ горелка қурилмаси, 7-газ босими ростлагиши, 8-блок-кран,
9-иссиқ сув қувурси, 10-газ краны, 11-газ қувурси, 12-совуқ сув қувури, 13-
плик дастаси, 14-горелка дастаси.

КГИ-56 иситкичи газ горелкасини маълум масофада туриб бошқаришга имкон берадиган ва сув келиши тасодифан тўхтаб қолган ёки сув тармоғи тармоғидаги босим анча пасайган ҳолларда сув иситгични ериб кетишдан сақлайдиган автоматик қурилма билан, шунингдек, газ тасодифан тўхтаб қолганда газ клапанини беркитадиган урилма билан жиҳозланган. Иссиқ сув қолиш тўхтаган ҳолларда горелка ўчади, сув олиш тикланганда эса ёниб турган пиликдан ўз-ўзидан ўт олади. Санитария жиҳозларидаги иссиқ сув кранлари очилганда ёки

ёпилганда сув иситкич ўз-ўзидан уланади ёки узилади. Сув иситкич яхши шамолатиб туриладиган ва яхши тортадиган дудброни бўлган хонага ўрнатилади.

КНИ-56 сув иситкичи (60-расм) кожух 1, змеевики үт камераси 2, радиатор 4, тягопреривател 5, блок кран 8, газ босими ростлагичи 7 ва газ-горелка қурилмаси 6 дан иборат. Сув иситкичга 25 мм диаметрли қувур 11 орқали киради. қувур кран 10 билан очиб ёпилади. Совуқ сув 15 мм диаметрли қувур 12, иссиқ сув қувур 9 орқали тушади. Сув иситкични ёқиши учун олдин даста 13 билан пилик очилади, у пиликдан үт олади.

КГИ-56 сув иситкичлари ошхоналарга ёки ваннахоналарга ўрнатилади, улар ёнмайдиган деворга маҳкамланган дюбелларга шупурлар бураб беркитиш илмоқлари ёрдамида маҳкамланади. Агар сув иситкич сувалган ёғоч деворга ўрнатиладиган бўлса, сув иситкичнинг орқасига қалинлиги 3 мм асбестга қопланган пўлат тунука қоқилади.

Газ сув иситкичлари корпуси остидан полгача 870-1200 мм масофа қолиши керак. Сув иситкичлар дудбуронга пўлат тунукадан қилинган қувурлар билан уланади. қувур диаметри жиҳознинг тутун газларини олиб кетадиган патрубоги диаметридан кичик бўлмаслиги лозим. Тягопреривател устида қувурларнинг вертикал қисми узунлиги камида 0,5 м, горизонтал қисми янги уйларда қўпи билан 3 м ва илгари қурилган уйларда 6 м бўлиши лозим. қувурлар сув иситкич томонга 0,01 қияликда ўрнатилади.

Қувурлар бир-бирига газ йўли йўналишида камида 0,5 қувур диаметригача кириши ва думалоқлаш радиуси камида қувур диаметрига тенг бўлган учтадан ортиқ бурилишга ега бўлмаслиги керак. Қувур учидан 10 см нарига деворга тираладиган шайба ўрнатилади.

Сув иситкич қуйидагича ўрнатилади: ўрнатиш жойи белгилаб олинади, деворга маҳкамланадиган дюбеллар учун тешиклар ўрни белгиланади ва ўйилади.

Сўнгра дюбелларни маҳкамлаб, уларга шуруплар бўралади, сув иситкич осилади, у газ ва сув қувурларига уланади.

АГВ типидаги автоматик газ сув иситкичлар иссиқ сув билан таъминлаш учун қўлланиладиган ва бир неча нуқтадан сув олишга имкон берадиган сифимли сув иситкиглардир. Сув иситкичларни ваннахоналарга, ошхоналарга ёки ҳажми камида 6 м³ бўлган хоналарга ўрнатишга рухсат берилади. Улар албатта алоҳида газ қувурсига уланиши лозим.


АГВ-80 сув иситкичининг асосий қисмлари (60-расм): кожух 1, сув бака 3, ўтқувур 5, эшикча 11 ли ўтхона 8, пиликли газ горелкаси 9 ва автоматик жиҳозлардан иборат. Кожух 1 қалинлиги 1 мм ли пўлат листдан тайёрланган цилиндр, сирти эмал бўёқ билан бўяб қўйилади. Бак ва кожух деворлари орасида иссиқлик изоляцияси 2-шлак-пахта қатлами бўлади.

Сув баки қалинлиги 3 мм ли рухланган пўлатдан тайёрланган уст ива ости берк цилиндр. Цилиндрнинг юқорисида диаметри 20 мм ли иккита штуцер бор. Улардан бири совуқ сув қувури 4 ни, иккинчиси иссиқ сув олиш қувури 23 ни, улаш учун мўнжалланган.

Сув иситкичдан сув штуцер 7 орқали тўкилади.

Бак ўқи бўйлаб диаметри 80 мм ли ўтқувур 5 жойлашган. Ёниш камерасидан чиққан қайноқ газлар шу қувурдан ўтиб, сувни қиздиради. Иссиқлик беришни ошириш учун ўтқувур ичига газ оқими узайтиргичи 6 жойлашган. Юқоридан ўтқувурга тягопреривател 24 кийдирилган. Сув иситкич ўтхонаси 8 да инжекцион типдаги газ горелкаси 9 жойлашган.

60-расм. АГВ-80 автоматик газ сув иситкич:



- 1-кожух,
- 2-иссиқлик изоляцияси,
- 3-сув баки,
- 4-совуқ сув трубопроводи,
- 5-ўт қувури,
- 6-газ оқими узайтиргичи,
- 7-тўкиш штуцери,
- 8-ўтхона,
- 9-газ горелкаси,
- 10-ҳаво бериш ростлагичи,
- 11-ўтхона эшиги,
- 12-термопара,
- 13-ҳарорат ростлагичининг сезгир элементи,
- 14-пилик найчаси,
- 15-термопара найчаси,
- 16-горелка найчаси,
- 17-ҳарорат ростлагичининг клапани,
- 18-книпка,
- 19-электр магнит клапан,
- 20-газ крани,
- 21-тиқинли кран,
- 22-газопровод,
- 23-иссиқ сув қувурси,
- 24-тягопреривател.

Газ қувур 22 га, шунингдек, горелка ва пилик олдига тиқинли кран 21 ва газ крани 20 ўрнатилган. Сув ҳароратини бирдек сақлаб туриш учун бакнинг ўрта қисмига ҳарорат ростлагичининг сезгир элементи 13 ўрнатилган.

Газ горелкага электр магнит клапан 19 ва ҳарорат ростлагичи клапани 17 орқали келади. Клапан 19 ни улаш учун кнопка 18 ни босиш керак.

Пилик найчаси 14 олдида термопара найчаси 15 да биметалл пластинкали термопара 12 жойлашган. У горелкага борадиган газни ростлаб туриш учун хизматқилади. Сув иситкич баки доим сув тармоғи босими остида туради. Горелка


ёнгандан сўнг унинг алангасидан чиққан иссиқлик ва ўтқувур орқали ўтадиган қизиган газлар сувни иситади.

Бақдаги сув зарур ҳароратгача қизигач, ростлагич сезгир элементининг латун найчаси узаяди ва унга бириктирилган ростлагич стерженини тортади. Ричагли пружина ростлагич ричагини бошқа вазиятга ўтказади ва ростлагич клапанни бўшатади. Клапан ўз пружинаси таъсирида беркитилади ва ростлагич орқали горелкага газ ўтиши тўхтайди, горелка каллагидаги аланга ўчади, лекин пиликдаги ёниб тураверади, чунки унга газ электр магнит клапан орқали келади.

Бақдаги сув маълум ҳароратгача пасайганда ростлагич найчаси совиб қисқаради ва унинг стержени ростлагич ричагига таъсир қиласи. Ричагли пружина ростлагич ричагини дастлабки вазиятга буради ва ростлагич клапанини очади. Электр магнит клапан ва ростлагич клапани орқали газ горелкага келади ва пиликдан ўт олади. Агар пилик ўчса, термопара совийди, занжирдаги электр токи йўқолади, электр магнит клапан беркилади ҳамда горелка ва пиликка газ боришини тўхтатади. Горелка 9 га борадиган ҳаво миқдорини ростлаш учун ҳаво ростлагичи 10 ўрнатилган.

АГВ-80 сув иситкичидан хонадонларни иситишда ва иссиқ сув Билан таъминлашда (60-расм) совуқ сув қувури сув иситкичга пастдаги тўкиш штуцери орқали уланади. Сув тармоғи келадиган қувурга тескари клапан ва вентил қўйилади ҳамда тизимдан сувни тўкиш учун вентилли тармокка қўйилади. Иссиқ сув юқоридаги штуцер ва устун орқали кенгайтириш идишига йўналади. Ундан иситиш тизимининг юқори иссиқ сув тармоғи тортилади. Иссиқ сув стояги изоляцияланади. Циркуляцияланадиган босимни кучайтириш учун радиаторларни полдан 30-35 см баланд ўрнатиш тавсия қилинади.

61-расм. АГВ-80 газ сув иситкичидан хоналарни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш схемаси:



Тескари тармоқ тескари клапандан кейинги пастки түкиш штуцерига уланади, кенгайтириш идишидан раковинага түкиш қувурси тортилади. Иссик сув стоягига сақлаш клапани ўрнатилади, ундан умивалник ва раковинага қувур тортилади. Иссик сув санитария жиҳозларига расмда кўрсатилганидек берилади. Пиликни ёқиши ва сув иситкичга қараб туриш қулай бўлиши учун у таглик устига ўрнатилади. Сув иситкични ёғоч пол устига ўрнатганда остига асбест картонли пўлат лист қўйиш керак.

АГВ-8- сув иситкичи 80 л сув кетадиган қилиб, АГВ-120 сув иситкичи эса 120 л сув кетадиган қилиб ишлаб чиқарилади. АГВ-80 саҳни 20-30 м² ли хоналарни иситиш учун, АГВ-120 эса саҳни 100 м² гача бўлган хоналарни иссиқ сув билан таъминлаш ва иситиш учун мўлжалланади. Бу сув иситкичларда диаметри 38 мм ли иккита штуцер, юқори қопқоғида термометр учун диаметри 20 мм ли штуцер бор.


Айтиб ўтилган майший газ жиҳозларидан ташқари, газавий сув қайнаткичлар, хонадонда фойдаланиладиган газ ҳолодилниклари, майший иситиш печлари учун мўлжалланган, автоматик бошқариладиган газ-горелка қурилмалари,

колонкаларни газ билан иситишга ўтказиш қурилмалари, сув иситиш ва бүф қозонлари учун мүлжалланган қурилмалар ҳам ишлатилади.

4..6. Суюлтирилган газ билан ишлайдиган майший қурилмалар

Майший жиҳозлар газ билан индивидуал ва группавий суюлтирилган газ қурилмаларидан таъминланади. Индувидуал қурилмадан фойдаланилганда суюлтирилган газ баллонини газ жиҳози ўрнатилган газ баллонини газ жиҳози ўрнатилган хонага ўрнатиш мумкин, группавий қурилмалардан фойдаланилганда эса баллонлар хона ташқарисига, маҳсус металл шкаф ичига қўйилади. 280-расмда олтита баллон ва қувурлар тармоғидан иборат бўлган группавий қурилма кўрсатилган. Баллонлардаги газ қувурлар тармоғи орқали жиҳозларга боради. Гурухли қурилмаларда босим ростлагич ҳам бўлади.

Беркитиш-ростлаш клапанли баллонлар учун «Балтика-1» босим ростлагичлари қўлланилади. Улар чиқишдаги газнинг босими 300 мм сув уст. бўлишини таъминлайди. Вентилли баллонлар учун РДГ-6 ва РДГ-8 ростлагичлари қўлланилади. Улар чиқишдаги газнинг босими 200-500 мм сув уст. бўлишини таъминлайди.



62-расм. Олти баллонли гурухли газ ростлаш қурилмаси:

- 1-баллонлар,
- 2-бириктириш трубкаси,
- 3-бурчак винтеллар,
- 4-газ коллектори (МПа),
- 5-РД босим ростлагичи,
- 6-металл шкаф.

Суолтирилган газ баллонли қурилмаларни бино ичидаги йиғищда қуидаги талабларни бажарыш керак.

Алоҳида турган баллонлардан газ жиҳози, иситиш жиҳозлари ва иситиш печларигача камида 1 м масофа бўлиши керак. Баллонни ҳимоя қиладиган экран бўлганда бу масофани 0,5 м гача қисқартириш мумкин. Битта газ жиҳози учун бино ичидаги баллон ўрнатилганда жиҳоз олдига беркитиш қурилмаси қўйилмайди. Агар баллон бинодан ташқарига ўрнатилса, қуидаги шартларни бажарыш керак: шкаф ва баллонлар баландлиги камида 200 мм ли мустаҳкам жиҳоз устига қўйилади. Баллонлар ўрнатиладиган жойга бемалол бориладиган бўлиши, ташқи баллон қурилмасидан кетадиган газ қувурда камида 0,5 м узунликдаги горизонтал сим бўлиши лозим. Агар асос чўкса, шу қисм газопровдни шикастланишдан сақлайди. қурилмага уланадиган ҳар бир газ жиҳози олдига беркитувчи кран қўйилади

4.7. Газ билан иситилувчи бевосита алоқали ҳаво иситтичлар

Бундай ҳаво иситтичларнинг юза орқали иссиқлик алмашинувчи ускуналардан фарқи шундаки, буларда ҳаво билан исиш юзаси бирбирига тегиб ўтиши натижасида иссиқлик алмашинилади. Бундай иссиқликнинг атроф мухитда йўқолмаслигидадир. Алоқали иссиқлик алмашинувчи қурилмалар яратишдан асосий мақсад газ тутунини таркибида заҳарли модда бўлмаслигидир. Бундай ҳолатни яратишга газни тунелдан ёқиб, газ билан ҳавонинг яхши аралашуви натижасида эриши мумкин. ҳозирги пайтда кенг миқёсда алоқали ҳаво иситтичларнинг универсал генераторлари ишлаб чиқарилияпти.

Дарсликлар ва ўкув қўлланмалар рўйхати

1. А.А.Ионин " Газоснабжения" М.: Стройиздат. 1989 г. 413 стр.
2. К.Г.Кязимов, В.Е.Гусев «Устройства и эксплуатация газового хозяйства» М.: Колос.1997-407 стр.
3. Р.А.Айматов ва бошқалар "Газ таъминоти" Ўкув қўлланма Т.: Тиббиёт нашриёти., 2003 й.,178 бет
4. Ю.К.Рашидов «Газ таъминоти» Ўкув қўлланма Т.: ТАҚИ. 2000 й
5. ҚМҚ 2.04.08-96 « Газ таъминоти» Т.: Давлатархитектура-қурилишқўмитаси Ўз. Р. 1996 йил.64 бет.
6. А.Х.Асадуллаев « Газ таъминоти» методик қўлланма Т.: ТАҚИ. 1991й. 85 бет. 1 ва 2-қисим.
7. А.Х.Асадуллаев ва бошқалар Газ таминоти «ИГВ» 2907 ихтисослиги талабалари учун «Газ таъминоти» фани бўйича курс лойиҳаларини бажариш учун услугбий қўлланма ТАҚИ. 1991 й.
8. А.Х.Асадуллаев ва бошқалар «Газ таъминоти» фани бўйича амалиёт ишини бажариш учун услугбий кўрсатма.Т.: 1993-12 бет ТАҚИ.
9. Р.А.Айтматов ва бошқалар «Газ таминоти» «ИГВ» 2907 ихтисослиги талабалари учун «Газ таъминоти» фани бўйича курс лойиҳаларини бажариш учун услугбий қўлланма. Самарқанд: 1994-47 бет СДМҚИ.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
Газ саноатининг ривожланиши ва тармоқ олдида турган вазифалари.....	3
I БЎЛИМ	
1.1. Ёнувчи газлар. Газларни қазиб олиш ва узоқ масофаларга узатиш. Газларни таркиби ва уларнинг хусусиятлари.....	5
1.2. Газнинг иссиқлик бериш қобилияти.....	6
1.3. Газнинг зичлиги.....	7
1.4. Газнинг алангаланиш ҳарорати.....	7
1.5. Газларнинг портлаш чегаралари.....	8
1.6. Газлардаги заҳарли моддалар.....	9
1.7. Газларнинг физик кўрсаткичлари.....	10
1.8. Газларнинг нормал ва стандарт ҳолатлари.....	11
1.9. Газ ёқилғисига қўйиладиган талаблар.....	11
1.10. Газларнинг тури.....	12
1.11. Газ конлари.....	14
1.12. Газ конларини қазиш.....	16
1.13. Табиий газни тозалаш.....	19
1.14. Магистрал газ қувурлари.....	22
1.15. Газни ишлатиш тартиби ва газларни сақлаш.....	25
II БЎЛИМ	
2.1. Шаҳар газ таъминоти тизимлари. Газ қувурларининг классификацияси...	26
2.2. Шаҳар газ тизимларининг турлари.....	28
2.3. Газлаштириш тармоқларининг аҳоли яшаш пунктлари режасида жойлашиши бўйича классификацияси.....	31
2.4. Газлаштириш тизимларининг тузилиши ва уларни ўтказиш усуллари....	32
2.5. Газ тармоғини ўтказиш.....	33
2.6. Ер ости газ қувурларининг кўчада жойлашиши.....	37
2.7. Ер ости газ қувурларининг чуқурлиги, нишаблиги, хандақ таги.....	39

2.8. Ер ости газ қувурларини ҳар хил табиий ва сунъий тўсиқлар билан кесишиши.....	41
2.9. Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва газ қувурларининг ускуналари.....	43
2.10. Газни беркитиши ускуналари.....	44
2.11. Кранлар ва ёпқичлар (задвижкалар).....	45
2.12. Компенсаторлар.....	49
2.13. Ер ости газ қувурларидаги ускуналарни кўрсатувчи белгилар.....	51
2.14. Газ қувурлари коррозия турлари.....	53
2.15. Электрокимёвий коррозия.....	54
2.16. Электр коррозия.....	55
2.17. Грунтнинг коррозион активлиги.....	55
2.18. Газ қувурларини коррозиядан ҳимоя қилиш.....	57
2.19. Катод ҳимояси.....	61
2.20. Протектор ҳимояси.....	62
2.21. Газлаштириш системаларини лойиҳалаштириш. Лойиҳа хужжат-ларининг таркиби.....	62
2.22. Газ босимини созлаш пунктлари (ГРП).....	63
2.23. Босим созлагичлар.....	71
2.24. Босим созлагичларнинг ўтказиш қобилиятини аниқлаш.....	75
2.25. Сақлаш беркитиши клапани(ПЗК).....	78
2.26. Газ сузгичлари.....	82
2.27. Газ сарфини ўлчаш.....	83
2.28. Босимлар фарқини ўлчаш билан газнинг сарфини аниқлаш.....	85
2.29. Газ қувур лойиҳаси ва тармоқни йиғиши.....	88
2.30. Газ тўлдириши станциялари (ГТС).....	92
2.31. ГРП ларни жойлаштириш ва ГРП биноларига қўйиладиган талаблар.....	95
2.32. Газ тақсимлаш станциялари (ГРС).....	98
2.33. Газ қувурларини синаш ва ишга қабул қилиш.....	100
2.34. Янги газ қувурларини ишлаётган газ қувурларига улаш.....	103

2.35. Газ қувурларини ва газда ишловчи агрегатларни ишга тушириш.....	106
2.36. Иситиш қозонхоналарини газлаштириш.....	108
2.37. Газ қувурларни синаш.....	109

3-БҮЛІМ

3.1. Саноат газ таъминоти системалари қурилмалари ва уларнинг синфлари....	111
3.2. Саноат газ таъминоти тармоқларида бошқарув қурилмаларининг жойланиши.....	114
3.3. Саноат газ тармоқларининг гидравлик ҳисоблари.....	118
3.4. Газ қувурлари, газ бошқарув шаҳобчалари ва газ бошқарув қурилмалари-дан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва созлаш.....	121
3.5. Газ қувурларида таъмирлаш ишлари.....	126
3.6. Газ тармоқларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги.....	128
3.7. Техника хавфсизлиги ишларини ташкил этиш.....	130

4-БҮЛІМ.

4.1. Замонавий газ жиҳозлари, жиҳоз-ускуналари ва уларга талаблар. Газ ускуналари плитаси ва сув иситтувчи ускуналар.....	132
4.2. Газ плиталарининг тузилиши ва уларни ўрнатиш.....	134
4.3. Бўйлама ҳаракатланувчи ва ҳажмли сув иситгичлар.....	137
4.4. Газ билан иситиш. Иситиш печлари ва газ билан иситилувчи ускуналар....	139
4.5. Газ сув иситкичларининг тузилиши ва уларни ўрнатиш.....	141
4..6. Суюлтирилган газ билан ишлайдиган майший қурилмалар.....	147
4.7. Газ билан иситилувчи бевосита алоқали ҳаво иситтичлар.....	149
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	150